

М. А. АБДУХАЛИКОВ

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДАН  
МАСАЛАЛАР  
ТЎПЛАМИ



---

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

М. А. АБДУХАЛИКОВ

**Жиноят ҳуқуқидан масалалар тўплами**  
*(махсус қисм)*

**БАКАЛАВРАТУРА ТИЗИМИДАГИ ЎҚУВ  
ЮРТЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН**


Тошкент-2000

**ТДЮИ ўқув-услубий**  
**кенгашида тасдиқланган**

Абдухаликов М.А. Жиноят ҳуқуқидан масалалар тўплами (махсус қисм) Бакалавратура тизимидаги ўқув юртларига мўлжалланган // Масъул муҳаррир Ф. Тохиров, К. Абдурасулова — Т.: ТДЮИ, 2000. — 152 б.

Ушбу масалалар тўплами Жиноят ҳуқуқининг Махсус қисми бўйича бакалавратура тизимидаги ўқув юртларида амалий машғулотлар ўтказиш учун мўлжаллангандир. У талабаларга жиноий — ҳуқуқий назария тушунчаларини ҳамда уларнинг ўзлари мустақил равишда қонун нормаларини қўллаган ҳолда масалаларни тўғри ҳал қилишни ўргатишда дастуриламал бўлиши мумкин.

Бакалавратура тизимидаги ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган.



## СУЗ БОШИ

Ёш авлодни ҳуқуқий, маънавий, маърифий тарбиялаш борасида, уларни етук, баркамол инсон бўлиб етиши учун ҳар томонлама ислохатлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилдаги “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрларни тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга, уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга бағишланган. Асосий эътибор таълим соҳасидаги янги ўқув тизимини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилди. Бакалавратура ва магистратура тизимлари йўлга қўйилди.

Янги ўқув тизимида талабаларга кўплаб дастурлар, илмий монографиялар тақдим этилиши лозим.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи фанининг махсус қисмидан амалий машғулотлар ўтказишга мўлжаллаб тузилган. Қўлланма мустақил равишда талабаларнинг қонун нормаларини қўллаган ҳолда масалаларни тўғри ҳал қилишига ёрдам беради.

Талаба масалани мустақил равишда ҳал қилар экан, қуйидагиларга эътибор бермоғи лозим:

Масалани ҳал қилишдан аввал, талаба муайян мавзудаги назарий тушунчаларни, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси моддаларининг мазмунини ўрганиб чиқиши керак.

Талаба жавобларни масалада берилган ҳолда ёзма равишда Жиноят кодексининг маълум бир моддаси билан квалификация қилиш орқали бошлани, сўнгра содир этилган қилмишни таҳлил қилиши, жиноят таркибини очиб бериши лозим.

Талаба масалада содир бўлган жиноят таркибини таҳлил қилишда, унинг объекти, объектив томони, субъекти, субъектив томонини аниқ кўрсатиб, ҳал қилиши керак.

Масалан, айбланувчи жабрланувчининг номусига тажовуз қилишда унинг соғлиғига ҳам шикаст етказди, дейлик. Бунда ушбу содир қилинган жиноят бевосита қайси объектга қаратилгани ва шу жиноятни содир қилиш давомида мавжуд бўлган қўшимча объектларни ҳам тула ёритиши, объектив томонидан бу моддий таркибли жиноятми ёки формал таркибли жиноят эканлигини

аниқлаб, объектив томонининг зарурий белгиларини курсатиши назарда тутилган.

Субъектив томондан жиноятнинг таркибини очиб беришда талаба жиноятнинг мақсали, мотиви ва айбнинг ижтимоий хавфлилик даражасига ҳам эътибор берган холда, ўз фикрини баён қилиши, субъектига тухталганда эса жазо тайинлашда субъектнинг ёши нечада эканлиги ва содир этилган ушбу жиноятда субъектнинг ёши қандай берилган, шуларнинг барчасини тула ёритишга ҳаракат қилиши лозим. Бундай ҳаракат талабанинг юқори баҳо олишига сабаб бўлади.

Талаба ушбу масалаларни ҳал қилишда назарий жиҳатдан қийналмаслиги учун унга ёрдам сифатида ҳар бир бобнинг якунида тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати берилган.

Тупламдаги масалалар суд-тергов амалиётида учрайдиган воқеалардан танлаб олинган ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мослаб тизимга солинган.

Талаба ҳар бир масалани ҳал қилаётганда терговчи, судья, адвокат сифатида ёндошиб ҳал қилади ва фаннинг назарий жиҳатдан ўрганибгина қолмай, балки амалий томондан ҳам билимини оширади, деган умиддамиз.

Юридик фанлари доктори, профессор  
М. Х. Рустамбаев

# 1. БҮЛИМ. ШАҲСГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

## 1-БОБ. ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 1-масала

Ж.нинг уйи ва автомашинасини эгаллаш мақсадида, К. у билан сохта (қалбаки) никоҳдан ўтади. Улар ўртасидаги бўлиб турадиган жанжаллардан бирида К. Ж.ни севмаслигини ва унинг мулкани эгаллаш мақсадида унга уйланганлигини тан олади. Ж. жаҳл устида ошхона пичоғини қўлга олиб унга ташланади, лекин К. унинг қўлини қайириб, пичоқни олади ва Ж.нинг бўйин қисмига уради. Натижада Ж. кўп қон йўқотиши туфайли 20 минутлар ўтгач, воқеа жойида вафот этади.

К.нинг ҳатти ҳаракатларини юридик таҳлил қилинг.

К. ўз қилмишини зарурий мудофаа ҳолатида содир этганми?

### 2-масала

3. ўз ўйнашининг ҳомиладор эканлигини билиб қолиб, унга ҳомилани туширишни таклиф этади, лекин рад жавобини олади. Туғилажак боладан қутилиш учун 3. ўзининг туғруқхонада шифокор бўлиб ишловчи ўртоғи К.нинг маслаҳати билан ўйнаши касал пайтида унга ҳомиладор аёлларнинг истеъмол қилиши тақиқланган дори беради.

Натижада ҳомиладорликнинг саккизинчи ойида аёлда сунъий ҳомила тушиши содир бўлади.

3.нинг ҳатти-ҳаракатини юридик таҳлил қилинг. К.нинг ҳатти-ҳаракати уни жиний жавобгарликка тортиш учун асос бўладими?

### 3-масала

Тўртта йигит “Зарафшон” ресторанида спиртли ичимликлар истеъмол қилганларидан сўнг, кўчада ўтган-кетган йўловчиларга тегажўғлик қилишади. Натижада, улар билан Амир Темур хиббонида қизлар билан сайр қилиб юрган учта йигит ўртасида муштлашув содир бўлади. Жиноятчиларни ушлаш учун милиция П.П.Х. ходимлари аралашади. А. битта милиция ходимининг резина таёғини тортиб олиб, унинг бошига икки марта уради. Бунинг оқибатида милиция ходими бетон йўлакка боши билан йиқилади ва икки кундан кейин миясига қон қуйилиши натижасида вафот этади. А. рақиб йигитларнинг бирига ҳам оғир тан жароҳати етказди.

Айбланувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини квалификация қилинг.



#### 4-масала

Ж. хотини Л.ни бир неча бор уйигача кузатиб қўйган ҳамкасби Я. билан жинсий алоқа бўлган дея шубҳаланиб, уни тез тез уриб турар эди. Бунга чидай олмаган Л. Я. дан квартира топишда ва унга кучиб ўтишда ёрдам беришини илггимос қилади. Буни биллиб қолган Ж. ёш боласи олдида хотинини роса дўппослайди, сўнгра унинг кўкрак қафас қисмига тўққиз марта пичоқ билан уради. Лекин Л. врачларнинг ҳаракати билан тирик қолади ва уч ой давомида касалхонада даволанади.

Ж.нинг қилмишларини қандай квалификация қилиш керак?

#### 5-масала

З. Ж.дан 1000 АҚШ долларини 10 кун ичида қайтариб бериш шарти билан қарзга олади. Лекин З. ваъда берган муддатда пулни қайтармасдан, Ж. билан учрашмасликка ҳаракат қилади ва бунга жавобан Ж. уни “ўлдираман” деб кўрқитади. Бир неча оғоҳлантиришлардан сўнг, бир ой ўтгач ўзининг уйи атрофида Ж. З.ни ошхона пичоги билан ўлдиради. Суд-тиббиёт экспертизаси хулосасига кўра, З. 19 мартаба пичоқ билан баданининг турли жойларига жароҳат етказилиши натижасида ўлган.

Ж.нинг ҳаракатларини таҳлил қилинг.

#### 6-масала

Боғдорчилик ширкатиинг қоровули Э. дарахтда нок тераётган ёш болани кўриб қолиб, қўшоғиз милтиғини ўқлайди ва нишонга олиб, уни отиб ўлдиради. Аниқланишича, қўшни дарахтда яна икки бола ўтирган экан. Улардан бири отилган сочма ўқдан тан жароҳати олиб ўлади. Иккинчиси эса нотекис ерга сакраб тушиш натижасида ўртача тан жароҳати олади.

Э.нинг ҳаракати қандай квалификация қилинади?

#### 7-масала

А. ва З. куч ишлатиб К.нинг номусига тегишади. К. А.ни таниб қолганлиги учун А. ва З.лар уни ўлдиришга қарор қилишади ва ўлдиришади.

А. ва З.ларни жинсий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилинг.

## 8-масала

Ю. наркотик модда таъсирида, ҳеч қандай сабабсиз йўловчиларга тегажўғлик қилади, натижада Я.нинг пальтосини йиртиб юборади. Бунга жавобан Я. билан бирга сайр қилиб юрган К. Ю.нинг кўкрагига уради. Ю. бир неча марта К.нинг юзига мушти билан уради ва оқибатда К. боши билан йўлакчанинг бетон қисмига йиқилади ва икки соатдан кейин вафот этади. Ю.ни тинчлантиришга ҳаракат қилган милиция ходимлари уни ура бошлайдилар ва ҳатто у йиқилганидан кейин ҳам оёқлари билан тепиб, резинка таёқлари билан танасининг турли қисмларига урадилар. Бир суткадан сўнг Ю. ҳам миясига қон қуйилиши натижасида вафот этади.

Юқорида келтирилган шахсларнинг ҳатти-ҳаракатларини квалификация қилинг ва юридик таҳлил қилиб беринг.

## 9-масала

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ходими М. нинг қўшниси Л. билан муносабати яхши эмас эди. Чунки, жиноят ишига дахлдорлиги учун республика миқёсида қидирилаётган Л.нинг акасини ушлашда М. ҳам иштирок этган эди. Спиртли ичимликлар истеъмол қилишиб, бир даврада ўтиришганда М.Л.нинг акаси “жиноятчи” эканлигини рўкач қилади ва уни ҳақорат қила бошлайди. Бунга чидай олмаган Л.М.ни бир неча маротаба уради, натижада улар орасида жанжал келиб чиқади.

Уларни ажратиб қўйишади. Л. уйига бориб ов милтиғини олиб келади ва М.га қарата ўқ узади ва натижада у оғир яраланади.

Содир этилган жиноятни квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

## 10-масала

Жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган, ўта хавфли рецидивист Б. қўшниси Д. ни, “махбус” дегани учун пичоқ билан уради. Яраларни тозалаш ва қайта боғлаш жараёнида инфекция тушиб, қоннинг заҳарланиши натижасида, Д. бир ҳафтадан кейин вафот этади.

Б.ни жиний жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилинг. Ярани тозалаб, қайта боғлаган ҳамширага қандай чора курилади?



### 11-масала

ТДТУ талабаси О. кечқурун маст ҳолда ётоқхонага келиб, уятсиз, беҳаё сўзларни гапириб, талаба Н.нинг кроватига уст боши ва пойафзалини ечмасдан ўзини ташлайди. Бунга жавобан Н. уни “чўчқа, шилқим, ифлос”, деб ҳақорат қилади. Ҳақоратларга чидай олмаган О. унинг бошига болта билан уради. Натижада Н. эртасига вафот этади.

О.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 12-масала

О.П. ва М. маст ҳолда 1 январь тун пайтида уйининг подъездида маст бўлиб ётган Ф.ни кўриб қолишиб, унинг номусига тегишга қарор қиладилар. Улар уни уйнинг орқасига олиб ўтиб, ерга ётқизиб, ечинтиришади ва учаласи ҳам номусига тегишади. Ўзлари қаттиқ мастликлари сабабли жабрланувчини ёрдамга муҳтож ҳолда ташлаб, воқеа жойидан яширинадилар. Музлаш натижасида Ф. вафот этади.

Кўрсатилган шахсларни жиной жавобгарликка тортиш йўлини аниқланг.

### 13-масала

К. Ж. ва Б.лар билан танишиб, уларни уйига таклиф қилади. Спиртли ичимликлар истеъмол қилишгандан сўнг К. Ж. билан жинсий алоқада бўлади ва Б.га ғайритабиий усулда жинсий алоқа қилишни таклиф этади. Бунга Б. рад жавобини бергани ва унга қаршилиқ қурсатгани учун К. унинг қўлини қайириб, ғайритабиий усулда жинсий алоқа қилади. Б. К.нинг бундай ҳаракати устидан милиция органига арз қилмоқчи бўлади. Шунда К. Б.нинг бошига шампан виноси бутилкаси билан уради ва у миясига қон қуйилиши натижасида оламдан ўтади.

Сўнгра К., Ж.га, “бу воқеа ҳақида ҳеч кимга хабар қилма, акс ҳолда ўлдираман”, деб кўрқитади, мурдани эса анҳорга чўктириб юборади.

Кўрсатилган шахсларнинг ҳаракатларини юридик таҳлил қилинг.

### 14-масала

З. ва Э. никоҳдан ўтиш учун Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимига ариза берадилар. Рўйхатдан ўтиш учун

лозим бўлган муддатни кутмасдан, З. Э.нинг ишонувчанлигидан фойдаланиб, у билан жинсий алоқа қилади. Кейинчалик унинг касаллигини баҳона қилиб, рўйхатдан ўтишдан бош тортади. Бўлган воқеадан таъсирланиб, Э. ўзини-ўзи ўлдиради.

З.нинг ҳаракатларини таҳлил қилинг.

### 15-масала

В. ўелини мотоциклининг орқасига миндириб, далага йўл олади. Нотекис йўлда ўғил отасини яхши ушламаганлиги сабабли мотоциклдан йиқилиб ўлади.

В.ни жинойий жавобгарликка тортиш мумкинми?

### 16-масала

Бокс машғулоти жараёнида К. Г.нинг қорин қисмига урган. Натижада, ингичка ичакнинг бир қанча жойларидан узилиши қорин пардасининг яллиғланишига олиб келган. Врачларнинг уринишларига қарамасдан, у касалхонада вафот этган.

К.ни жинойий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилинг.

### 17-масала

С. ва Т. лар орасидаги даҳанаки жанжал мушглашувгача боради. С.нинг хотини уларни ажратаётганида, унга қон сачрайди. Мушглашувдан сўнг Т. уйига кетади. С. эса хотинига сачраган қонни кўриб болгани олиб Т. билан “ҳисоб-китоб” қилиш учун унинг уйига йўл олади. Т.нинг ҳовлисидаги ит С.га ташланади ва у итни болга билан чопиб ташлайди. С.нинг болга кутариб келаётганини кўрган, Т. эшик олдига чиқиб, унинг болтасини қўлидан тортиб олади. Шундай бўлса ҳам С. ўзининг ҳаракатларини давом эттираверади. Т. эса болга билан унинг бошига икки марта уриб, ўлдириб қўяди.

Т.нинг ҳаракатларини қандай квалификация қилиш керак?

Зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб одам ўлдириш билан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдиришнинг фарқларини кўрсатиб беринг.

### 18-масала

М. доимий равишда спиртли ичимлик ичиб, ўз уйида жанжал қилиб турар, хотинини урар, ҳақоратлар, кийимларини йиртиб, мебелларни синдираар эди. У навбатдаги жанжал вақтида хотини-

ни ерга ётқизиб тепа бошлади. М.нинг ўғли буни кўриб, болта билан отасининг бошига бир неча марта уради, у йиқилгач М.нинг хотини З. ўғлининг қўлидан болтани олиб, эрининг бошига бир неча маротаба уради. М. шу ерда ўлади.

Она ва боланинг жавобгарлик масаласи қандай ҳал қилинади? Уларнинг қилмишларини таҳлил қилинг.

### 19-масала

Кеч соат 22.00 да М.нинг уйида ёнғин чиққан. Оқибатда унинг ўзи, хотини ва иккита фарзанди оламдан кўз юмган. Тезкор қидирув ҳаракатлари натижасида аниқланишича, М.нинг ўғли К., Ш., ва И.лардан 5 000 АҚШ долларини қарзга олган ва келишилган муддатда бу пулларни қайтариб бера олмаган экан. К., уйга келиб, ўз қарзларидан қутилиш мақсадида отасидан 5000 АҚШ доллари беришини сўраган. Лекин отасидан рад жавобини олган ва натижада улар ўртасида жанжал чиққан. Бу ерда Ш. ва И.лар ҳам бўлган. К. стол устида турган пичоқни олиб, отасининг қорнига урган, натижада ота ўлган. Шу вақтда уйда бўлган М.нинг хотини ва икки фарзанди бу воқеа тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига хабар бериб қўйишларидан кўрққан Ш., И., ва К.лар болта ва икки пичоқ билан қуролланган ҳолда, бир қанча зарблар билан она ва икки болани ўлдиришган. Сўнгра уйга ўт қўйиб юборишган.

Содир этилган жиноятни таҳлил қилинг ва уни квалификация қилинг.

### 20-масала

ТДТУ 4-босқич талабаси Т. иккита ўртоғи билан курсдоши К.нинг олдига, яъни ётоқхонага келишади. Т. спиртли ичимликлар истеъмол қилгач, йўлақдаги талабаларга тегажоглик қила бошлайди. Қоровул С.Т. ва унинг дўстларидан ётоқхонадан чиқиб кетишларини талаб қилади. Т бу илтимосни бажармаслигини билдириб, пичоқ олиб, уни орқасидан кувади. Йўлда К. уни тўхтатиб, қўлидан ушлайди. Т. эса пичоқ билан К.ни уриб ўлдиради.

Т.нинг ҳаракатларини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 21-масала

Л. ва Я.лар кейинчалик никоҳдан ўтиш мақсадида бирга яшайдилар. Биргалиқдаги яшаш даврида Л., Я.ни олдинги эри бўлмиш

Б.дан рашк қилади, чунки у тез-тез телефон қилиб турарди. Бу нарса Л. ва Я. ўртасида жанжал чиқишига сабаб бўлади. Бир куни Я. уйига соат 21.00 да қайтиб келиб, боласини ухлатади. Я. Л.нинг “қаерда юрибсан?”- деган саволига жавобан боласини Б.никига олиб борганлигини айтади. Жанжал чиқиб, Л.Я.нинг юзига мушти билан уради. Я. оёғида туролмасдан, боши билан батареянинг қиррасига урилиб, икки соатдан кейин касалхонада мияга қон куйилишидан вафот этади.

Л.нинг ҳаракатини қандай квалификация қилиш керак?

Қилмишини юридик таҳлил қилинг.

### 22-масала

К. хотинининг ҳомиладор эканлигини эшитиб, тўртта боласи борлигини важ қилиб, аборт қилишни таклиф қилади. А. бунга рад жавобини беради. Бир куни К. уйига маст ҳолда келиб, “бешинчи болани туғишни сенга кўрсатиб қўяман” ва “оилани моддий таъминлай олмайман”, деган сўзларни айтиб, А.ни ура бошлайди. Қорнига урилган қаттиқ зарба натижасида 4 ойлик боланинг сунъий тушиши рўй беради А. эса, буйрак ва жигарнинг жароҳатланишидан ўлади.

К.нинг ҳаракатини таҳлил қилинг ва юридик баҳо беринг.

### 23-масала

Соат 21.00 лар чамасида С. уйининг олдида учта нотаниш болаларни кўради. Улардан бири ҳеч қандай асоссиз келиб, унинг юзига уради ва бурнини қонатади. С. уйига югуриб кириб, ўқланган милтиғини олиб чиқади ва қўшни уйнинг олдида учта йипитнинг баланд овозда кулаётганини кўриб, ўша болалар деб ўйлаб, 20-25 метр масофадан ўқ узади, натижада у вояга етмаган Т.ни ўлдиради ва бошқа иккитасига оғир тан жароҳати етказди.

С.нинг қилмишини квалификация қилинг ва юридик таҳлил этинг.

### 24-масала

Суд томонидан ўта хавфли рецидивист, деб топилган 30 ёшли О. балиқ овлаймиз деб В.ни Чорвоқ сув омборига олиб боради. Ўша жойда В.нинг бошига тош билан уриб ўлдиради ва жасадни тошлар орасига кўмади. Тошкентга кайтиб келгач, О. чап қўли би-

лан, В.нинг онасига 5 000 АҚШ доллари эвазигагина боласи В.ни қайтариб бериши ҳақида хат ёзиб юборади. О. “химиявий ишлов берилган, белгиланган пулни” олаётган вақтда қўлга олинади.

О.нинг ҳаракатлари қандай квалификация қилинади?

Жиноятни юридик таҳлил қилинг.

### 25-масала

Б. бир неча марта хотини Л.ни мазах қилиб, болалари, қариндошлари ва танишлари олдида урган. Бунга чидай олмаган Л. уни ўлдиришга жазм қилади ва қотилликни амалга ошириш режасини тузишга киришади. Бир куни кечки пайт, эри ўхлаб қолгандан сўнг, болта билан танасининг аъзоларига жароҳат етказиб, таниб бўлмайдиган даражада уриб, бошини чопади, уни ўлдиради.

А.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 26-масала

К. кўпни уйнинг ертўласига 13-14 ёшли қизларни олиб кириб, ечинишга мажбур қилган ва улар билан жинсий алоқа қилган. Кейин ўлдириб, қисмларга бўлган. Тананинг қисмларини дарёга чўктирган. Шу тарзда у 16 та кичик ёшли қизларнинг номусига тегиб, ўлдирган. Суд психиатрия экспертизаси К.нинг жиноят вақтида ақли расо бўлганлигини тасдиқлади.

К.нинг жавобгарлиги масаласини аниқланг.

Вариант. Жинсий алоқадан сўнг К. жинни бўлиб қолган бўлса-чи?

### 27-масала

Л. ҳомиладорликнинг 9-ойида эди ва курсдоши Н. билан Баҳор кўчаси 5-уй, 50-хонадонда яшарди. Уйдан ҳайдалишидан қўрқиб ва уягга қолмаслик учун Л.Н. билан ҳомиласини сунъий равишда туширишни келишиб олишади. Аммо уни амалга ошира олмай, болани туғилиши биланок ўлдиришга қарор қиладилар. Тўлғоқ бошланishi биланок Н. бола туғилишини кузатиб туради. Боланинг боши кўриниши биланок, унинг киндигини кесиб олади, ўлган чақалоқни целофан қоғза ўраб, ахлат яшигига ташлайдилар.

Л. ва Н.нинг ҳаракатларини қандай квалификация қилиш керак?

Уни юридик таҳлил қилинг.

## 28-масала

Ж. уйига бир неча марта маст ҳолда келиб, турли баҳоналар билан ҳар сафар хотини К.ни урарди. Қўшниларига хотинининг қариндошлари ҳақида уйдирма, ёлғон гаплар айтар эди. К. юзининг қўқарганидан уялиб, бир неча марта ишга бормаган. К. бундай ҳолга чидай олмасдан, эрини яна шундай ҳол давом этса, ўзини-ўзи ўлдириши ҳақида огоҳлантиради. Ж. унга барибир эканлигини айтади. К. дугонаси билан маслаҳатлашиб, маҳаллий ИИБга мурожаат қилади.

Ж.ни жиноий жавобгарликка тортиш йўлларини аниқланг.

## 29-масала

ППХ ходимлари икки йигитнинг бир қизга тегажорлик қилаётганлигини кўриб, улар томонга боришади. Йигитлардан бири Л., милиционерларни кўриб, кочиб кетади. Р.ни эса қиз палтосидан ушлаб қолади. Милиция тезкор бўлимига бораётганда Р. беҳаё сўзлар билан милиция ходимларини ҳақоратлайди ва қочишга уринади. Бунга жавобан, жаҳли чиққан ППХ ходимлари, Р.нинг қўлига китпан солиб, янги қурилаётган бинога олиб кириб, дўшослайдилар. Бунга жавобан Р. тепинади ва ходимлардан бири қоқилиб, бетон плитага боши билан урилади. 3 кундан сўнг, миясига қон куйилиши натижасида милиция ходими вафот этади.

Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлиги масаласини кўриб чиқинг.

## 30-масала

Б. ўз хотинини равиқ қилиб, уради. Синглисини ҳимоя қилиш учун келган акаси З. билан Б. ўртасида жанжал чиқиб, натижада Б. ошхона пичоғини қўлга олиб, ака деган оилавий ишларга аралашмаслиги лозимлигини айтиб, бақиради. З. унинг қўлидан тугтиб, Б.дан пичоқни олмоқчи бўлади. Пичоқнинг тиғи З.нинг қўлини кесиб кетади. Натижада вена қон томири кесилиб, оқибатда З. кўп қон кетиши туфайли вафот этади.

Б.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг. Юридик таҳлил қилиб беринг.



## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Бородин С.В. Ответственность за убийство: квалификация и наказание по российскому праву. - М., 1994.
2. Васенцов А. Некоторые вопросы квалификации умышленных убийств. // СЮ, 1980, № 6.
3. Гаверов Г. С. Квалификация умышленных убийств. - В кн.: Квалификация отдельных видов тяжких преступлений. - Иркутск, 1974.
4. Ефанов А. Квалификация умышленных убийств. // СЮ, 1968, № 13.
5. Загородников Н. И. Преступления против жизни по советскому уголовному праву. - М.: Госюриздат, 1961.
6. "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 40-сонли қарори /Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларининг тўплами (1991-1997) Икки жилдли. Биринчи жилд. -Т.: Шарқ, 1997.
7. Кульберг Я. М. Мотив преступления при посягательстве на жизнь и здоровье человека. //СПГ, 1962, № 11.
8. Побегайло Э.Ф. Умышленные убийства и борьба с ними. - Воронеж: Изд-во Воронеж. Ун-та, 1965.
9. "Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998й. 11 сентябрдаги 20-сонли қарори / Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами (1991-1998). Икки жилдли. Иккинчи жилд. -Т.: Шарқ, 1999.

## 2-БОБ. СОҒЛИҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 31-масала

Эр-хотин ўртасидаги жанжалда С.нинг қаттиқ асабийлашиши натижасида 7-ойлик хомиланинг сунъий тушиши рўй беради.

С.нинг эри содир этган ҳатти-ҳаракатларни квалификация қилинг.

### 32-масала

О. жанжал пайтида С.ни уриб, бурун суягини синдириб юборади. Пластик операция натижасида зарба излари, 2,5 см тиртиқ ҳам йўқотилади.

Қилмишни квалификация қилинг.

### 33-масала

Р. бир неча бор “олган қарзингни қайтариб бер!” деб З.дан талаб қилган. Лекин З. турли баҳоналар қилиб, пулни қайтаришни пайсалга солиб юрган. Бир куни кечкурун Р. З.ни учратиб, пулни қайтаришни талаб қилади, рад жавобини олгач эса “мен сенинг кўзларингни ўйиб оламан” деб, пичоқ билан З.нинг юзига урмоқчи бўлади, аммо жабрланувчи бошини эгиб қолгани учун мўлжалга ура олмайди.

Жиноятни квалификация қилинг.

### 34-масала

Л. кинотеатрда маст ҳолдаги Ш. ва В. билан жанжаллашиб қолади. Улар Л.нинг юзига ва бошига қўллари билан уриб, қорнига оёқлари билан тепадилар. Мушгташувни тўхтатиш мақсадида уларнинг олдига югуриб келган К. В.нинг куртқасидан ушлайди. Ш эса яна Л.нинг юзига ура бошлайди. Шу пайт, Л., отвёртка билан Ж.нинг бўйин қисмига ҳаёт учун хавfli бўлган жароҳат етказди.

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг ҳаракатларини юридик таҳлил ва квалификация қилинг?

### 35-масала

С. кагга тезликда кетаётган автомобилни бошқара олмай қолади ва олдидан чиқиб қолган автомобилга урилади. Автофалокат натижасида С.нинг ёнида ўтирган аёл тўрт ҳафта давомида касалхонада даволаниб чиқади. С.нинг жавобгарлигини аниқланг.

## 36-масала

Олти ой олдин бўлиб ўтган жанжалдан сўнг кўшнилари А. ва М.ларнинг муносабатлари ёмонлашади. Кечкурун уйига келган А. ўғлини йиғлаётган ҳолда кўради. Аниқланишича, ўғлини М.нинг ундан анча катта бўлган ўғли хафа қилган экан. А. ов милтигини олиб, М.нинг эшигини тақиллати ва эшикни очган М.ни отади. Натижада М. соғлиқнинг бузилишига сабаб бўладиган жароҳат олади. Ўқнинг сачрашидан эса, М.нинг ўғли оғир тан жароҳати олади. Терговда аниқланишича, А. уюшган жиноий гуруҳнинг аъзоси бўлган.

А.ни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилинг.

## 37-масала

УМЗ кўриқхонасининг бошлиғи Г. кўриқхонадан учта кўриқчи итни бурундиксиз сабзавот омборига олиб кетади. Завод ишчилари турган темир-терсак уюми олдида итларни кўйиб юборади ва итлар темир-терсак томон югуришади. Итларни кўрган завод ишчилари қочиб ҳаракат қилишади. Итлар ишчиларга ҳужум қилиб, улардан бирига ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказди, бошқаси эса олган жароҳатлари сабабли тўққиз кундан кейин вафот этади.

Г.нинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

## 38-масала

Кечки сменадан уйига эртaroқ қайтган Ш., хотини К.нинг кўшнисини билан бирга бир тўшақда ётганини кўради. Ш. кўшнисини Н.ни ўлдириш билан қўрқитиб, уни хотини К.нинг олдида яқинлашмаслигини айтиб, бир неча бор огоҳлантирган эди. Уларни кўрган Ш. стол устидаги дазмолни олиб, Н.нинг бошига бир неча бор уради. Бу шовқиндан уйғониб кетган К. Н.нинг қонга беланганлигини кўриб, қочиб уринади. Шу пайт Ш. электроплитка устида суви қайнаб турган чойнакни олиб, “сен энди ҳеч кимга керак эмассан”, - деб К.нинг юзига сувни сеппиб юбормоқчи бўлади, лекин К. қочиб, юзини қўллари билан беркитиб олишга улгуради.

Соғлиғига етказилган зарар оқибатида Н. ўлади, К. эса куйганларни даволаш марказида икки ой даволаниб чиқади ва куйиш натижасида қўлларида оқ доғлар қолади.

Ш.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг ва юридик таҳлил этинг.

## 39-масала

Диний ҳаракат раҳбарлари томонидан 200 кишидан иборат рухсатсиз митинг ташкил этилади ва унда ягона бир давлат тузиш ва бошқа диндаги, миллатдаги, этникдаги одамларга қарши қўзғолон кўтаришни тарғиб қилишади. У ерга келган алоҳида топшириқларни бажарувчи милиция отряди аъзолари бу оломонни тарқатишга ва уларга қаршилик кўрсатаётган қўзғолончиларни ушлашга ҳаракат қилишади. Шунда ҳаракат аъзоларидан бири қочмоқчи бўлади ва қўлда тайёрланган портловчи моддани ташлайди. Унинг портлаши натижасида милиционерларнинг 3 тасига оғир, 2 тасига эса енгил тан жароҳатлари етказилади.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг ва юридик таҳлил беринг.

## 40-масала

П. хотини С. билан биргаликдаги кечирган ҳаёти давомида ҳар хил жисмлар билан, уни бир неча марта урган. Хотини ҳомиладорлик пайтида ҳам П. бу ҳаракатларни давом эттирган. Натижада С. боласини йўқотган. Руҳий фаолиятининг бузилиши натижасида руҳий касалхонада бир ой давомида даволанган.

П.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

## 41-масала

Дутонасини кузатаётган С., подъезднинг иккинчи қаватида маст ҳолатдаги номаълум шахсга дуч келадилар. Маст киши улардан сув сўраб, йўлини тўсади. Бунга жавобан С. уларни тинч қўйишини сўрайди. Номаълум шахс унга уятсиз гапларни гапирди. С. мушт билан унинг юзига уради. Номаълум шахс мувозанатни йўқотиб зинадан пастта йиқилади ва мия чайқалиши содир бўлиб, умуртқа поғонаси синиши натижасида фалаж бўлиб қолади.

С.ни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилинг ҳамда воқеани юридик таҳлил этинг.

## 42-масала

Вояга етмаган С. (16 ёш) ўзининг онаси ва ўтай отаси билан яшаган ва бир неча марта ўтай отаси онасини ураётганда гувоҳ бўлган. Шундай жанжалларнинг бирида С. онасини ҳимоя қилишга

2348

ҳаракат қилади, шу пайт ўтай отаси стол устидаги пичоқни олиб, “сен ит аралашма, сен ўзингнинг улушингни оласан”, деб унинг олдига бора бошлайди. С. табууреткани олиб, яқинлашиб келаётган ўтай ота томон отади. Ўтай отанинг болани ўлдириб қўйишидан қўрққан она столнинг устида ётган шишани олиб эрининг бошига уради ва натижада унга оғир тан жароҳати етказилади.

Ким жиноий жавобгарликка тортилади? Воқеани юридик таҳлил этинг.

#### 43-масала

Каратэ бўйича спорт устаси Т. автобусда кетаётганда номаълум шахс Б.нинг чўнтагини қовлаётганининг гувоҳи бўлади. Т., Б.нинг олдида турган шахсга яқинлаша боради, лекин улгурмайди. Чунки автобус бекатда тўхтаганда шубҳали шахс автобусдан тушиб, қочади. Т., унинг орқасидан югуради. Етиб олиб унга нисбатан каратэнинг 3 та усулини қўллабди. Гумонланувчи шахс касал қора жигари (талоғи) ёрилиб кетиши натижасида вафот этади.

Спорт устасининг ҳаракатларини квалификация қилинг.

#### 44-масала

К. ароқхўр бўлиб, наркология диспансерида ҳисобда туриб, ҳеч қаерда ишламасдан, бир неча бор спиртли ичимликка пул олиш учун нафақахўр онасини (65 ёш) урган.

К.нинг ҳаракатларини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Загородников Н.И. Преступления против здоровья. - М.: Юрид. Лит., 1969.

2. Рустамбаев М.Х. Баданга оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик. Ўқув қўлланмаси. - Т.: Адолат, 1993.

3. Рустамбаев М. Х. Значение последствий для квалификации телесных повреждений. // Актуальные проблемы судебной экспертизы. - Т., 1989.

4. Рустамбаев М.Х. К вопросу совершенствования законодательства об ответственности за легкие телесные повреждения. // Совершенствование мер борьбы с преступностью и ее профилактика. Сборник науч. труд. ТашГУ. - Т.: Изд-во ТашГУ, 1988.

5. Рустамбаев М.Х. Квалификация телесных повреждений, причиненных при превышении пределов необходимой обороны. // Бюллетень Верховного суда УзССР. - Т., 1992, № 3

6. Рустамбаев М.Х. Некоторые особенности квалификации тяжких телесных повреждений. // Бюллетень Верховного суда УзССР. - Т., 1993, №2.

7. Рустамбаев М.Х. Обезображение лица как признак тяжкого телесного повреждения. // Судебная экспертиза и криминалистика. - Т., 1988.

8. Рустамбаев М.Х. О квалификации телесных повреждений по законодательству Республики Узбекистан. // Общественные науки в Узбекистане. - Т., 1993, № 2

9. Рустамбаев М.Х. Объект и потерпевший в посягательстве на здоровье личности. // Судебная экспертиза и вопросы борьбы с преступностью. - Т.: ТАШНИИСЭ, 1991.

10. Рустамбаев М.Х. Ответственность за преступление против здоровья по законодательству Республики Узбекистан. - Нукус: Каракалпакистан, 1992.

11. Рустамбаев М.Х. Ответственность спортсменов за причинение вреда здоровью при проведении спортивных мероприятий. / Проблемы физического и нравственного воспитания здорового поколения студентов. - Т.: Адолат, 1995.

12. Рустамбаев М.Х., Пайзуллаев К. Особенности добровольного отказа в насильственных преступлениях против личности. / в ст. Конституция-хуқуқий давлат қуришнинг асоси. Илмий-амалий анжуман. - Т.: Адолат, 1996.



13. Рустамбаев М.Х. Специальные виды телесных повреждений в законодательстве Республики Узбекистан. // Сборник научных трудов. - Т.: Адолат, 1993.

14. Рустамбаев М.Х. Социально- правовая обусловленность и уголовно-правовые средства охраны здоровья и телесной неприкосновенности граждан: Автореф. дисс... докт. юрид. наук - Т., 1993.

15. Рустамбаев М.Х. Система норм об ответственности за преступления против здоровья в новом УК УзССР "Вопросы судебной экспертизы". - Т., 1990.

16. Рустамбаев М.Х. Саломатликка тажовуз ва унга қарши кураш. -Т.: Ҳаёт ва қонун, 1999/2 (54).

17. Тоҳиров Ф. Баданга оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик. Конституция-ҳуқуқий давлат қуришнинг асоси. Илмий-амалий анжуман. - Т.: Адолат, 1996.

18. Тоҳиров Ф. Жиноят қонунида қасдан баданга оғир шикаст етказганлик муаммолари. Ўзбекистон Республикасининг янги кодекслари: назария ва амалиёт. Илмий-амалий анжуман материаллари. - Т., 1994.

19. Таҳиров Ф. Содержание умысла при причинении тяжких телесных повреждений. Проблемы совершенствования мер борьбы с преступностью. // Сб. науч. тр. - Т., 1986

20. Таҳиров Ф. Уголовно-правовые проблемы борьбы с тяжкими телесными повреждениями. // Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Т., 1990.

21. "Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 20-сонли қарори. - Т.: Қонун номи билан (Именем закона), 3-сон, 1998.

22. Читлов Д.С. Охрана здоровья граждан от тяжких насильственных посягательств: уголовно-правовое и криминологическое исследование. - Саратов: Изд-во Саратов. Ун-та, 1974.

### 3-БОБ. ҲАЁТ ЁКИ СОҒЛИҚ УЧУН ХАВФЛИ ЖИНОЯТЛАР

#### 45-масала

К. айбланувчи С.нинг қотиллик иши бўйича гувоҳ бўлган. К.нинг берган кўрсатмалари дастлабки терговда С.нинг айбдорлиги бўйича муҳим аҳамиятта эга эди. Дастлабки тергов тутагач, С. материаллар билан танишиб чиқаётғиб, гувоҳ К.нинг уй адресини билиб олади ва адвокати орқали ўзининг қариндошларига суд жараёнида К. дан ўз кўрсатмаларини ўзгартиришни талаб қилиб, кўрқитиш кераклигини айтади. Айбланувчининг акаси Н. К.га, агар у ўзининг кўрсатмаларини ўзгартирмаса, ўз қариндошлари билан бахтсиз ҳодисага учраши мумкинлиги ҳақида хат юборади. Бир кундан кейин телефон орқали ҳам огоҳлантиради. Бу кўрқитишларнинг амалга оширидан кўрқиб, К. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилади.

Айбдорларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

#### 46-масала

Автомашина ҳайдовчиси Х. катта тезликда кетаётғиб, машинасини тўхтата олмай, кўчадан ўгаётган одамни уриб кетади. Жабрланувчининг тирик эканлигини, шунингдек унга тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш кераклигини била туриб, воқеа жойидан ғойиб бўлади. Унинг орқасида кетаётган юк машина ҳайдовчиси С. ёрдамга муҳтож жабрланувчини кўради, лекин бу ишда уни айблашларидан кўрқиб, ёрдам бермасдан ўтиб кетади. Жабрланувчи кўп қон йўқотиши натижасида вафот этади. Врачлар “агар жабрланувчига ўз вақтида ёрдам кўрсатилганда, бундай оқибат рўй бермаслиги мумкин эди”, дея хулоса беришган.

Х. ва С.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

#### 47-масала

“Самарқанд-Тошкент” поезде йўловчиси Б. кечкурун ўзини ёмон ҳис қилади. Купедаги йўловчилар унга қандай ёрдам беришни билмайдилар. Шу вақт, кўшни купеда шифокор борлиги йўловчиларнинг ёдига тушиб қолади ва уни чақиришганда, у поезд Тошкентга боргунга қадар беморга ҳеч нарса бўлмаслигини ва Тошкентга боргач, шифокорга учрашиши лозимлигини айтади. Холбуки шифокор Т.нинг дори-дармонлари бўлган. Б.нинг ўртоқлари айтишича, ҳақиқатдан ҳам бемор ёмон аҳволда экан-

лигини Т. билган. Эрталаб Б.ни хушсиз ҳолда шифохонага олиб борадилар. Шифокорлар Б. овқатдан оғир заҳарланганлиги ва вақтида ёрдам кўрсатилмаганлиги натижасида заҳар қонга ўтганлиги тўғрисида хулоса берадилар. Шифокорлар Б.нинг ҳаётини сақлаб қоладилар лекин у 1 ойдан кўпроқ шифохонада ётиб, погирон бўлиб қолади.

Т.нинг ҳаракатларида ёки ҳаракатсизлигида жиноят таркиби борми?. Агар бор бўлса, у ҳолда унинг қилмишини квалификация ҳамда юридик таҳлил қилинг.

#### 48-масала

С. Н. билан бирга яшаган. Шу билан бирга у бошқа аёллар билан ҳам жинсий алоқада бўлиб турган. Кейинчалик, ушбу жинсий алоқалардан бирида у ўзида сифилис касаллиги борлигини билиб қолади. С. бу касалликни Н.га билдирмасдан яшайди ва натижада у ҳам сифилис билан касалланади.

С.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

Вариант. С. Н. билан жинсий алоқада бўлса ҳам, лекин Н. сифилис билан касалланмади. Бу ҳолатда С. жавобгарликка тортиладими? Агар тортилса, С.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг ва юридик таҳлил этинг.

#### 49-масала

О. сўзак билан касалланади ва диспансерда даволанади. Ўртоғиникидаги зиёфатда у 16 ёшли М. билан танишади ва врачларнинг жинсий алоқа қилмаслик ҳақидаги огоҳлантиришларига қарамай, М.дан касаллигини яшириб, у билан бирга яшайди.

О.нинг ҳаракатларини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

#### 50-масала

К. сайёҳлик йўлланмаси билан Ўзбекистонга келади. Тошкентда у Ўзбекистон Республикаси фуқароси Б. билан танишиб, уни ўзи жойлашган меҳмонхонага таклиф қилади. К. ўзининг ОИТС билан касалланганлигига қарамай, Б., билан жинсий алоқага киришади. Натижада Б. ҳам ОИТС билан касалланади, аммо касал юқтириб олганини билмасдан, ўзининг никоҳида бўлган Л. билан жинсий алоқа қилади.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 51-масала

17 ёшли С.М. билан жинсий алоқада бўлади. С. ҳомиладор эканлигини билиб, М.га хабар қилади. М. ҳозир молиявий аҳволи оғирлиги сабабли унга уйлана олмаслиги ва болани боқа олмаслигини билдиради.

М.дан ёрдам ололмасдан ва ота-онаси унинг ҳомиладор эканлигини билиб қолишдан қўрқиб, С. онасининг гинеколог бўлиб ишловчи дугонаси Л.га мурожаат қилади. Л. С.ни ўз уйида аборт қилади.

Айбланувчи шахсларнинг ҳаракатини квалификация қилинг. Юридик таҳлилини беринг.

### 52-масала

Д. аборт қилдиришга қарор қилади. Унга уйида мана шундай операцияларни амалга оширувчи П.га мурожаат қилишни маслаҳат беришади. Медицина маълумотига эга эмаслигига қарамай, П., Д.ни ўзининг уйида аборт қилади.

П.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

Вариант. Операция пайғида Д. кўп қон кетиши натижасида ўлади.

Бу ҳолатда П.нинг ҳаракатлари квалификацияси ўзгарадими? Агар ўзгарса, у ҳолда юридик таҳлил қилинг.

### 53-масала

Январь ойининг ўрталарида Ш. ва А. учрашганлари муносабати билан ресторанга кириб ичадилар. Шундан сўнг, тахминан соат 23.00.ларда улар кўчага чиқиб, такси тўхтата бошлайдилар. 20 минутдан сўнг, Ш. таксида уйига кетади. А. кўп спиртли ичимлик ичганлиги сабабли, дарахтга суяниб, ухлаб қолади. Эрталаб йўловчилар А.нинг мурдасини кўрадилар. Шифокорлар, “А. совуқдан қотиб ўлган” деб хулоса берадилар.

Ш. жинсий жавобгарликка тортиладими?

### 54-масала

Соат 22.00.да шаҳар клиника касалхонасида бир беморнинг юрагини операция қилишаётган пайтда чироқ ўчиб қолади. 40 минут давомида навбатчи электрик Н.ни излайдилар, аниқлашничи у уйига тушликка кетган экан. У касалхонага етиб келиб,

токни тўғрилагунча операция столидаги касал вафот этади. Электр энергияси ишлаб чиқарувчи моторнинг заҳира қисми йўқлиги сабабли, навбатчи ёриткичлар ишламаган экан.

Н.нинг ва операция қилувчи врачнинг жавобгарлигини аниқланг

## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Ниязов А. К. Ответственность за угрозу по Уголовному кодексу Республики Узбекистан. // *Общественные науки в Узбекистане*. 1995, № 3.

2. Ниязов А. К. Ответственность за угрозу убийством или применением насилия. // *Конституция – ҳуқуқий давлат қуришнинг асоси. Илмий-амалий анжуман*. - Т.: Адолат, 1996.

3. Ниязов А. К. Уголовно-правовое понятие угрозы и ее квалификация. // *Қонун номи билан*. 1995, 3-4-сонлар.

4. Рустамбаев М. Х. Ответственность за незаконное производство аборта. *Криминалистика и вопросы судебной экспертизы. Сборник науч. труд. ТашГУ*, Т.: изд-во ТашГУ, 1988.

5. Рустамбаев М. Х. Ответственность за распространение СПИ-Да. // *Агитатор Узбекистана*. 1990, № 9.

## 4-БОБ. ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 55-масала

Ш. ва Р. наркотик мастлик ҳолатида К.ни учратадилар. Ш. К.нинг қўлини қайириб, ерга йиқитиб, номусига тегади. Р. эса бу пайтда жабрланувчининг қўлини ушлаб турган ва ўзи ҳам жинсий алоқага киришмоқчи бўлган, лекин жисмоний ожизлиги сабабли ўз истагини амалга ошира олмаган.

М. ва Р.нинг ҳаракатларини қандай квалификация қилиш керак?

### 56-масала

Р., К. ва Н. кўп қаватли уйнинг ертўласида спиртли ичимликлар ичадилар. Кейинчалик уларга Ж. исмли шахс ҳам қўшилиб, уларга уйнинг ҳовлисида ўйнаб юрган вояга етмаган З.нинг номусига тегишни таклиф этади. Ж. З.ни подвалга олиб тушиб, қўлини қайириб туради, Р. уни ечинтиради. К.эса қизни ерга йиқитиб, жинсий алоқа қилади. Р. эса шу вақтнинг ўзиде З. билан ғайритабиий равишда жинсий алоқа қилади. Ж. бу вақтда З.нинг қўлини ушлаб турган, Н.эса ҳеч ким кириб қолмаслиги учун эшик олдида турган.

Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлигини аниқланг.

Юридик таҳлил қилинг.

### 57-масала

В., К. ва С. боғда сайр қилиб юришган Е. ва Б.ларга тегажоглик қилиб, уларнинг кийимларини йиртишади ва тан жароҳатлари етказиб, уларга нисбатан номақбул ҳаракатлар қилишади.

В., К. ва С.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 58-масала

Г. хотини ва учта вояга етмаган қизлари билан бирга яшаган. Бир куни Г. маст ҳолда 15 ёшли қизи Т.га нисбатан уйида уятсиз ҳаракатлар қилади, унинг жинсий аъзоларига тегилади ва унинг олдида ечинади.

Икки кундан сўнг хотини ва 2 қизи шуқилидан фойдаланиб, жисмоний куч ишлатиб, қизи Т.нинг номусига тегади. Қизи Т. ҳеч кимга айтмаслигидан фойдаланиб Г. узлуксиз равишда сен-



тябрь ва октябрь ойларида у билан жинсий алоқада бўлган. Октябрь ойининг охирида Т. бўлган воқеаларни онасига айтиб беради. Суд медицина экспертизаси жабрланувчининг балоғат ёшига етмаганлиги ҳақида хулоса берган.

Г.нинг содир қилган жиноятини таҳлил қилинг.

### 59-масала

Маст ҳолатда бўлган Тошкент шаҳар ИИБ терговчиси Б. ва унинг ўртоғи Ж. тушлиқдан сўнг ишга кетишаётган эди. Бекатлардан бирида улар А. ва К.нинг туришганини кўриб, уларни ўз манзилларига олиб бориб қўйишни таклиф этишади ва қизлар рози бўладилар. Гаплашиб кетаётганда Б. Тошкент денгизига бориб, чўмилиб келишни таклиф этади. У ерда улар спиртли ичимлик истеъмол қилиб, чўмиладилар ва Ж. улар билан жинсий алоқага киришишни таклиф этади. Қизлар эса рад жавобини берадилар. Шунда Б. агар улар жинсий алоқа қилмасалар, шаҳарга қайтиб келгач, уларни ертўлага қамаб қўйиш билан кўрқитади. Шундан кейин қизлар Б. ва Ж. билан жинсий алоқа қиладилар. Бир неча вақтдан кейин, Б. ва Ж.лар яна қизлар билан жинсий алоқа қиладилар.

Б. ва Ж. ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 60-масала

К. ҳар хил сабаблар билан 12-13 ёшли қизларни подвалга олиб кириб, ечинтириб ўзининг жинсий аъзосини қизларнинг жинсий аъзоларига теккизиб, ўйнаган. Улардан бирининг розилиги билан К. жинсий алоқага киришган.

К.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 61-масала

Ц. ва Ф. тўйдан қайтиб келаётганларида М.нинг номусига тегишга қарор қиладилар. Ц. пичоқ билан кўрқитиб М.дан ўзи билан жинсий алоқа қилишни талаб қилади. М.нинг кўрсатган қаршилигига қарамай, Ц. уни ерга йиқитиб, уст-бошини йиртиб, номусига тегади. Ц. бу вақтда шу ерда бўлган Ф.га ҳам М. билан жинсий алоқа қилишни таклиф этади. Лекин, шу пайтда одамларнинг овозини эшитиб, воқеа жойидан ғойиб бўладилар.

Ц. ва Ф.нинг ҳаракатларини юридик таҳлил қилинг.

## 62-масала

О. ўзининг ўйнаши бўлган Л.ни ишга олади ва бир неча марта унинг уйига келиб, у билан жинсий алоқа қилади. Бир куни Л. О.га бошқа кишини севиб қолганлигини ва унга турмушга чиқишини айтади. Шунда О. уни ишдан бўшатади.

Вариант. О. Л.ни “агар мен билан жинсий алоқада бўлмасанг, ишдан бўшатаман”, деб қўрқитар эди.

О.нинг ҳаракатларини юридик таҳлил қилинг.

## 63-масала

Колонияда жазони ўтаётган маҳбус Н. такроран озодликдан маҳрум этилган. Р.ни қўрқитиб, у билан жинсий алоқага киришади.

Н.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

## 64-масала

Бир неча қизлар ўзларининг жинсий эҳтиёжларини қондиришга қарор қилишиб, танишлари бўлган Ж.га жинсий алоқада бўлишни таклиф этадилар. Ж. уларнинг иккитаси билан жинсий алоқада бўлиб, қолганларини рад этади. Бунга жавобан қизлар Ж.нинг қўлларини боғлайдилар ва бештаси жинсий алоқага киришади. Натижада Ж. руҳий касалликка чалинади.

Айбдорларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## 65-масала

К. ва Л., М. ва Н. билан 50 АҚШ доллари эвазига жинсий алоқага киришишга келишиб оладилар. Ўзларининг жинсий эҳтиёжларини қондириб бўлишгач, К. ва Л. пул беришдан бош тортишади. М. ва Н. кетишмоқчи бўлганларида, К. ва Л. уларни йиқитиб, қайтадан номусига тегадилар. М.ва Н. қўшмачи Б.га арз қилишади. Шунда Б. икки йигит билан келиб, К. ва Л.ларга ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиб, ҳар биридан 50 АҚШ долларини талаб қилади.

Юқорида келтирилган шахсларнинг қилмишини юридик таҳлил ва квалификация қилинг.

## 66-масала

Р., К., Н., ва Ж. бир неча марта П.нинг уйида спиртли ичимлик истеъмол қилишган. Улар билан биргаликда ичкиликбозлик-

да Л. ҳам қатнашади. Тахминан соат 18.00.да, Л. уйига кетмоқчи бўлиб, опхонага чиқади. Шу вақтда унинг олдида К. ва Р. келиб, унинг номусига тегмоқчи бўлиб, полга йиқитишади ҳамда кийимларини йиртишади. К. биринчи бўлиб жабрланувчининг номусига тегди. Л. ўзини ҳимоя қила туриб, К.нинг юзини тирнайди, лекин Р. уриб тургани учун унга бас келолмайди. Л. уни уришда давом этади, Р. уни бошқа хонага олиб чиқиб, Н.ни чақиради ва у ҳам Л.нинг номусига тегди. Л. уларнинг қўлидан кутулиб чиқиб, оёқ яланг ва ярим яланғоч ҳолда кўчага югуриб чиқади. Зарбалар натижасида Л. оғир тан жароҳати олади. Аниқланишича, Р. жинсий алоқа қилишга улгурмаган. Ж. ҳаммасини била туриб, аралашмаган.

Юқорида келтирилган шахсларнинг қилмишларини квалификация қилинг.

#### 67-масала

Б. ва Д. маст ҳолатда бўлиб, скамейкада маст ҳолатда ётган О.ни кўришади ва унинг номусига тегишга қарор қилишади. Шу мақсадда Б. ва Д. О.ни кўтариб, омборга олиб киришади. Бундан сўнг улар туғилган кунини нишонлаётган Х.нинг уйига киришади. Б. О.нинг мастлигидан фойдаланиб, у билан жинсий алоқада бўлади ва ўз уйига кетади.

Х.нинг туғилган куни муносабати билан ўтаётган кеча тугагач, Д. ва Х. ҳали ҳам ўзига келмаган О.ни квартирага олиб кирадилар, унинг кийимларини ечиб, навбатма-навбат жинсий алоқа қиладилар. Шундан сўнг Х. уйига кетади, Д. эса ечинтирилган О.ни омборга олиб чиқади. О. 3 даража совуқда музлаб вафот этади.

Шахсларнинг қилмишларини квалификация қилинг ва юридик таҳлил қилинг.

#### 68-масала

5 кишидан иборат 13-17 ёшли бир гуруҳ болалар ва улар орасида бўлган М. боғда сайр қилиб юрган 16 ёшли Я. ва Г.ларни учратадилар. Улар Г.ни уриб, Я.нинг номусига тегадилар. Я.нинг қичқирикларини эшитган Г. ёрдам беришга ҳаракат қилади, лекин М. Г.нинг қорнига пичоқ тираб, “агар Я.га ёрдам беришга ҳаракат қилсанг, сўйиб ташлайман”, деб қўрқитади. Бошқалар Я.нинг номусига зўрлаб тегишаётганда, М. Я.га қараб турган Г. га жойидан қимирламасликни буюради, ўзи эса Я.ни ғайритабиий

равишда жинсий алоқа қилишга мажбур қилади. Лекин Я. унинг жинсий аъзосини тишлаб, муайян қисмини узиб олади. Бунинг учун эса бошқалар Я.ни тепа бошлайдилар ва унга ўртача оғирлиқдаги шикаст етказадилар.

Етиб келган милиция ходимлари айбдорларнинг ҳаммасини қўлга олишади.

Вояга етмаганларга бериладиган жазо чорасини аниқланг. Воқеани юридик таҳлил қилинг.

### 69-масала

К. қаҳвахонадан чиқиб, ўзи кузатиб кетаётган, вояга етмаган Т.нинг номусига тегишга қарор қилади. Дарахтзорлар орасидан ўтиб кетаётганида у Т.га тегажонлик қилиб, унинг кийимларини ечишга ҳаракат қилади. Т. томонидан қаршиликка учраган К. уни ерга йиқитиб, хушидан кетгунича тепади. К. Т.нинг номусига тегиб бўлгач, уйнинг подъездига олиб бориб қўяди ва содир этган жиноятини беркитмоқчи бўлиб, уни ўлдиришга қарор қилади. Шу мақсадда К. Т.ни бўға бошлайди ва инграшлар тўхтагандан сўнг, жабрланувчини ўлган деб ҳисоблаб, жиноят жойидан ғойиб бўлади. Т.га ҳаёти учун хавfli ўта оғир тан жароҳати етказилган.

К.нинг ҳаракатларини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 70-масала

ТошДУ талабаси К. маст ҳолатда ўзи билан битта ётоқхонада турувчи П.нинг олдига киради. Номусига тегмоқчи бўлиб уни полга йиқитади. П.нинг қаршилигини енгилш учун К. чўнтагидан миллий пичоқни олиб П.нинг томоғига тираб, “ўлдираман”, деб кўрқитади. Ҳаёти хавф остида қолган П. қаршиликни тўхтатади. Бундан фойдаланиб К. унинг номусига тегади.

К.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 71-масала

Я. ва Ш. 6 ой давомида бир-бири билан учрашиб туришар, улар никоҳдан ўтмоқчи эдилар. Бир куни танишларининг тўйидан қайтиб келаётиб, Я. подъезднинг чироғи ўчирилганидан фойдаланиб, Ш.га у билан жинсий алоқада бўлишсини таклиф қилади. Ш. эса рад жавобини билдиради. Я. бу жавобдан қаноатланмай,

Ш.нинг юбкасини кўтариб, ички кийимини еча бошлайди. Ш. Я.га тўйга қадар у билан жинсий алоқада бўлмаслигини, акс ҳолда қичқириб, ёрдамга чақирishiни айтади. Я. агар у розилик “бер-маса”, тўй бўлмаслиги билан кўрқитади. Шундан сўнг Ш.нинг бақирган овозига қўшнилар, ота-онаси югуриб чиқишларидан ва тўйнинг бекор бўлишидан кўрқиб, Я., билан жинсий алоқага киришади.

Я. жиноий жавобгарликка тортиладими? Агар тортилса, у ҳолда унинг ҳаракатларини квалификация ҳамда юридик таҳлил қилиб беринг.

### 72-масала

Я. ўзининг дугонаси Т. билан Фарғонадан Тошкентга келади ва танишлари Н. никига борадилар. Н. қизларга пропискадан ўтказиш ва иш топишда ёрдам беришни ваъда қилиб, У. билан таништиради, У. эртаси куни Н.нинг уйига келганида, Н. Т. билан ташқарига чиқади. У. эса Я. билан хонада қолади. У., Я.га нисбатан жисмоний куч ишлатиб, жинсий алоқага киришади. Қайтиб келган Н. ва Т.га ҳаммасини айтиб, Н.га таъна қилади. Н. пичоқни олиб унинг ёнига келади ва пичоқни унинг қўлига бериб, “агар мен айбдор бўлсам, мени ўлдир”, дейди. Кучли руҳий ҳаяжонланish натижасида Я. унинг кўкрагига пичоқ билан уради, бу билан унга оғир тан жароҳати етказилади.

У. ва Я.ларнинг ҳаракатларини қандай квалификация қилиш керак?

Уни юридик таҳлил қилинг.

### 73-масала

О. 12 ёшли С.ни уйга алдаб олиб кириб, унинг қўлига кўғирчоқ беради. У кўғирчоқни ўйнаб ўтирган пайтида, О. унинг турсигини секингина ечиб, тиззасига ўтказиб, жинсий алоқа қилади. Бир неча кундан кейин шу усулни қўллаб яна жинсий алоқа қилади.

О.нинг ҳаракатини квалификация ва юридик таҳлил қилиб беринг?

### 74-масала

Д. ярим тунда ўрмонда бир аёлни учратади ва унга ташланади ҳамда ерга ётқизиб, номусига тегишга ҳаракат қилади. Лекин Д. аёлни ўлиб қолганлигини сезиб қолади. Суд тиббий экспертиза-

сининг аниқлашича, юраги хаста бўлган жабрланувчи қаттиқ кўрқиб натижасида руҳий ҳаяжонланишдан ўлган.

Вариант. Д. аёлнинг номусига тегади ва жавобгарликдан қутилиш учун уни ўлдиради.

Д.нинг жавобгарлигини аниқланг?

#### 75-масала

16 ёшли Б., 17 ёшли опаси ва онаси билан бирга шахсий уйда туришган. Хоналардан бирини қария Т. эгаллаб турган. Б. ҳеч қаерда ўқимаган ва ишламай юрган, кўпинча спиртли ичимликлар истеъмол қилган. Бир куни уйга келиб, онаси йўқлигида пичоқ билан опасини кўрқитиб номусига тегади ва жиноятни берки-тиш учун опасининг қўл-оёғини боғлаб, кириш эшигини қулфлаб, уйни ёқиб юборади. Бошланган ёнгинни қўшнилар ўчиради, Т. ва опаси тирик қолишади.

Б.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг. Жиноятни юридик таҳлил қилиб беринг.

#### 76-масала

Г. Ш.ни қийнаш билан кўрқитиб, у билан ғайритабиий усулда жинсий алоқа қилади. Бир ойдан сўнг, шу жиноятни яна бир бор амалга оширмоқчи бўлган вақтда қўлга тушади.

Г.нинг ҳаракати қандай квалификация қилиниши керак? Жиноятни юридик таҳлил қилиб беринг.

#### 77-масала

В. ва Б. бир йил давомида биргаликда яшаб, доимий равишда жинсий алоқада бўлишган. Бир куни уйга келган В. Б. дан минет қилишни сўрайди, лекин у буни рад этади. Шунда В. “минет қилмасанг сени севмайман, ташлаб кетаман”, деб қизни кўрқитади. Б. ноилож рози бўлади ва В. билан ғайритабиий усулда жинсий алоқа қилади.

В. жинсий жавобгарликка тортиладими? Қилмишнинг юридик таҳлили қилинг.

#### 78-масала

Ҳеч қаерда ишламайдиган Ж. қизи К.ни уриб келган, пул бермаган ва эркаклар билан 50 АҚШ доллари эвазига жинсий алоқа



қилинига мажбурланган. Шу билан бирга мижозларни қизиқтириш мақсадида Ж. К.ни минет ва ғайритабiiй усулда жинсий алоқа қилинига мажбур қилган. У билан жинсий алоқага киришган шахслар К. онасининг қўрқитиши натижасида бу ишларни мажбуран қилаётганлигини ва у қочмоқчи бўлаётганини билишган.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлигини аниқланг. Жиноятни юридик таҳлил қилинг.

### 79-масала

Шарм-ҳаёсиз фильмни кўрган 18 ёшли К. Л.га бир-бирлари билан ғайритабiiй усулда жинсий алоқа қилишни таклиф этади ва буни навбатма-навбат амалга оширадилар.

1 вариант. К. куч ишлатган.

2 вариант. К. ва Л. (18 ёш) юзма-юз алоқа қилганлар.

Воқеани юридик таҳлил қилинг.

### 80-масала

Р. “Нур” МЧЖ га бир ой муддатга ишлаб чиқариш бўлимига котиба қилиб ишга олинади. Ижро муддати тугаши билан фирма директори Т. унга ўзи билан жинсий алоқага киришишни таклиф қилади ва шундан сўнг доимий ишга олиш ҳақида буйруқ чиқаришини айтади, лекин Р. ўзининг ишга олинини ёки олинмаслигидан қатъий назар, Т.ни ёқтириб қолганлиги сабабли жинсий алоқага киришишни мумкинлигини айтади.

Т. жинсий жавобгарликка тортиладими? Агар тортилса, унинг ҳаракатларини юридик таҳлил қилинг.

### 81-масала

К. ўйнаши У.нинг уйига келиб, тушлик қилиб бўлгач, жинсий алоқа қилишни таклиф этади. Лекин У. ўзини ёмон ҳис қилаётганлиги сабабли жинсий алоқа уларга ҳузур бахш этмаслигини айтиб, таклифни рад этади. Шунда К. уни ечинтириб, жинсий алоқа қилади. У эса индамасдан ётади ва унинг сийпалашларига эътибор бермайди.

К. жинсий жавобгарликка тортиладими?

### 82-масала

Супермаркет сотувчиси А. унга топширилган мулкдан камомад қилиб қўяди. А. супермаркет директори К. нинг олдига киради ва унинг талаби билан жинсий алоқага киришади. Бунинг эвазига А. пули йўқлиги сабабли ўзининг камомадини беркитишни сўрайди. К. рози бўлиб, камомадни тўлайди ва уч ой давомида А. билан ғайритабиий усулда ҳам жинсий алоқа қилади.

А. ва К.ларнинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 83-масала

Суд А.ни аёл кишини жинсий алоқа қилишга мажбурлашда айбдор деб топди. А. педагогика билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлаган. У ётоқхонада навбатчи бўлиб, ётоқхонанинг атрофида юрганида, талаба П.ни учратиб, унга айланишни таклиф этади, қоронғироқ жойга келганда А. П.ни жинсий алоқа қилишга кўндиради. Ҳукмда кўрсатилишича: “ЎЗР Жиноят кодексининг 121-моддасида кўрсатилганидек, А. П. ни кўрқитмаганлиги, лекин унинг жабрланувчига руҳий таъсир (“Мен сенга синов имтиҳонларида ёрдам бераман деганлиги”) кўрсатганлиги, аниқланди”. Аниқланишича, П. турмуш қурган экан.

Суднинг ҳукмида жиноят тўғри квалификация қилинганми?

### 84-масала

Б. ва Л. янги қурилаётган уй олдидан ўтаётиб, 17 ёшли Т.ни учратадилар. Уни номусига тегиш мақсадида тўсиқ орқасига олиб ўтадилар, ерга йиқитиб, пичоқ билан кўрқитиб, уни ечинтирадилар ва Б. жинсий алоқа қилади, Л. эса минет қилишга мажбур этади.

Б. ва Л.нинг қилмишларини квалификация қилинг.

### 85-масала

О. сифилис касалига чалиниб, тери-таносил диспансерига мурожаат қилади. Текшириш давомида кимдир О.нинг номусига текканлиги аниқланади. Шу ҳолат бўйича туман прокуратураси жиноий иш кўзғатади.

О. К. унинг номусига текканлигини айтади ва прокурор К.ни қамоққа олишга рухсат беради.

К.нинг ота-онаси О. ва унинг опасига мурожаат қилишиб, берган аризаларини қайтариб олишса 500 доллар беришларини айтишади. О.нинг опаси эса 2 000 доллар сўрайди ва К.нинг ота-онаси рози бўлади. Ушбу пулларни бериш вақтида О.нинг опаси ушланади. Дастлабки тергов жараёнида О.нинг номусига бошқа шахслар текканлиги аниқланади. Уларнинг К.дан пул ундириш мақсадида прокуратурага ариза беришгани маълум бўлади.

Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Гальперин И. Ответственность за изнасилование. // СЗ, 1980, № 5.
2. Дьяченко А. П. К вопросу о совершенствовании санкции за изнасилование. — В кн.: Вопросы теории и практики применения уголовно-правовых норм. — М., 1980.
3. Пацева Л. Защита интересов, нарушенных половыми преступлениями. — В кн.: Проблемы охраны прав граждан в сфере борьбы с преступностью. — Иваново, 1980.
4. Рахметов С. Из истории развития законодательства за возвращение. — Изв. АН КазССР. Сер. Обществ. Наук, 1979, № 4.
5. Сафонов В.Н., Свидлов Н.М. Вопросы квалификации половых преступлений. — Волгоград: ВСШ МВД СССР, 1984.
6. Толпекин К. А. Некоторые проблемы совершенствования уголовного законодательства об ответственности за изнасилование. — В кн.: Вопросы теории и практики применения уголовно-правовых норм. — М., 1980.
7. Халиков А. Ответственность за половые преступления против несовершеннолетних. // Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. — Т., 1975.

## 5-БОБ. ОИЛАГА, ЁШЛАРГА, АХЛОҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 86-масала

Г., ва Я.нинг никоҳлари суд томонидан бекор қилинади ва ўғли Ж. онаси билан қолади. Лекин Я. ўғли, Г. билан учрашгандан сўнг ўзини ёмон ҳис қилиб, яхши овқат емаслиги, ухлай олмаслигини баҳона қилиб, онаси ўғлини отаси билан учрашгирмайди. Бунга жавобан Г. уч ой давомида алимент тўламайди.

Ота-оналарнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 87-масала

Кўзи ёриш жараёнида Х. ўлик бола туғади, лекин унга доялик қилган врачлар “ортиқча шовқин” кўтарилмаслиги учун унга боланинг ўлик туғилганлигини айтишмайди. Шунда Л. (врачлардан бири) ўлик болани онаси ташлаб кетган, яқинда туғилган болага алмашгириб Х.га беришга қарор қилади.

Врачнинг қилмишини таҳлил қилинг.

### 88-масала

Собир Раҳимов халқ судининг қарорига биноан А. оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Унинг 2 ёшли ўғли, шу тумандаги оталиқ ва васийлик органига берилади. К.нинг оиласи Р.ни фарзандликка олиб, ФХДЁ бўлимида рўйхатдан ўтказди. ФХДЁ ходими, А.нинг таниши З. А.га унинг ўғлини фарзандликка олган оиланинг фамилияси ва турар-жойини айтади. Кунлардан бирида А. ўғлини кўчада ўйнаб юрган пайтида чақириб, уйига олиб кетади. Бир ҳафтадан сўнг бола А.никида эканлиги аниқланади.

Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлигини аниқланг.

### 89-масала

Г.В.нинг уйланганлигини ва иккита боласи борлигини била туриб у билан учрашиб туради. В. Г.нинг уйини таъмирлаб, озиқ-овқат билан таъминлаб келар гоҳида унинг уйида тунаб қолар эди.

Вариант. В. уйланмаган ҳолда бир вақтнинг ўзида Г. ва Ю.лар билан эр-хотин бўлиб яшаган.

В.нинг ҳаракатларини қандай квалификация қилиш мумкин?

## 90-масала

Вояга етмаган М. мактабни тугатиб, акциядорлар жамиятига автослесарь бўлиб ишга киради. М. биринчи маош олган куни устози З. буни “ювиш керак” деб, 2-та шиша ароқ олиб келишни буюради. М. олиб келади. Ичкиликбозлик пайтида З. М.ни ичишга жалб қилади, у ичмаганида эса уялтиради. “Ювиш” нинг охирида З. кўкнор чекишни таклиф этади. Натижада М. кучли мастлик ҳолатига тушади. З. илгари Ж.К.нинг 270-моддаси 1-қисми билан озодликдан маҳрум этилган эди.

З.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## 91-масала

Базмларнинг бирида Б. Я. билан танишади. Я. ўзи ҳақида гапириб, медицина институтида ўқиши ва яқинда 18 ёшга тўлишини айтади. Кўринишидан у 15-16 ёшли қизга ўхшар эди. Унга ишонамаган Б. қизнинг дугонасидан унинг ёшینی сурайдди ва у Я.нинг 18 ёшлар атрофида эканлигини айтади. Спиртли ичимликлар ичган Б. кўчага чиқиб, сигарет чекиб келишни таклиф қилади. Ўша ерда Б. Я.ни ечинтириб, кўкраги ва жинсий аъзоларидан ушлайдди. Буни сезиб қолган Ж. Б. га Я. нинг ҳали 15 ёшга тўлмаганини айтади. Маст ҳолда Б. яна Я.ни ечинтириб, жинсий аъзоларидан ушлайдди ва ғирт маст ҳолда бўлган Я. у билан жинсий алоқа қилади. Эртаси куни Я. ўзининг ички кийимида қонни кўриб, Б. билан жинсий алоқада бўлганлигини биллади, лекин у ҳеч нарсани эслай олмайди. Бу пайтда Я. 15 ярим ёшда бўлган.

Б. нинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжудми? Агар мавжуд бўлса, у ҳолда унинг қилмишларини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

## 92-масала

П. Ж. нинг 15 ёшли қизи О. ва 7 ёшли ўғли А. билан бирга яшаган. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпаниясида стюардесса бўлиб ишлайдиган онасининг ишдалигидан фойдаланиб, О. бир ўзи ухлашдан кўрқинини айтиб, П. билан бирга ухлашини айтади, бир неча минутдан сўнг О. П.нинг баданини силай бошлайдди. Чидай олмаган П. у билан жинсий алоқа қилади. Қўшниларининг айтишича, О. қиз бола бўлмаган ва доимий равишда бошқа кишилар билан жинсий алоқада бўлиб келган.

II. жиноий жавобгарликка тортиладими? Агар тортилса, унинг жиноятини квалификация қилинг.

### 93-масала

Жазони ўташ жойидан қайтиб келган Н., қўшнилари, вояга етмаган 15 ёшли А. ва 13 ёшли В. билан танишади. Ота-оналарнинг болалар тарбияси билан шуғулланмасликлари сабабли, бу иш билан Н. шуғулланган, уларга сигарет, спиртли ичимликлар ичишни таклиф қилиб турган ва бошқа вояга етмаганлардан ҳимоя қилган. Бир куни Н. А. билан В.га “БМТ” фирмасига ўғирликка тушишни таклиф қилади ва қулфга калитлар танлайди. Улар фирмадан видео иккилик, иккита чарм кресло ва компьютер ўғирлашади.

Юқорида келтирилган шахсларнинг ҳаракатларини қандай квалификация қилиш керак? Юридик таҳлил қилинг.

### 94-масала

С. Италиядан порнофильмлар ёзилган видеокассеталар олиб келади. У секс тактикасини ўргатувчи журналларни ҳам олиб келган эди. Унинг йигирма ёшли ўғли Т. отаси ишга кетиши билан дўстларига кассета ва журналларни кўрсатар эди.

С. ва Т.лар қандай жавобгарликка тортилади? Жиноятни юридик таҳлил қилинг.

### 95-масала

Қўшниларнинг шикоятига асосан хонадон эгаси К.га нисбатан, майда безорилик қилганлигини учун участка инспектори томонидан маъмурий жазо қўлланилган. Навбатдаги шахвоний фильмни томоша қилган тўрт нафар йигитлар, яъни видеозал эгаси бўлган О. ҳамда унинг уч нафар дўсти, улар орасида вояга етмаган Д. ҳам бор эди, кўчага чиқадилар ва 15 ёшли қизга тегажоглик қила бошлайдилар. О. ва Д. навбат билан қизнинг номусига тегадилар, бошқа йигит эса қиз қаршилик кўрсатмаслиги учун қўли ва буйрагига оёғи билан бир неча марта тепиб, қизга оғир тан жароҳати етказди. Қиз бу шармандаликни кўтара олмаслиги тўғрисида хат ёзиб қолдириб, касалхонада “капельница” орқали қон томирига ҳаво киргизиб ўзини ўзи ўлдиради.

Айбдор шахсларнинг ҳаракати қандай квалификация қилинади? Юридик таҳлил қилинг.

### 96-масала

К. бир неча марта дугонаси Ж.га уйининг калитини бериб турган. Ж. калитни нимага олаётганлигини айтмаса ҳам, К. ўзининг уйида Ж. йигити билан учрашганлигини сезган. Бир куни А. уй калитини сўраганда Ж. 10 АҚШ долларини олиб, пулни уй бекасига беришни айтади ва калитни унга беради.

Ж. нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 97-масала

С. Ўрол Тансиқбоев уй музейидан қиймати 1500 АҚШ долларига тенг бўлган бронза ҳайкалчани ўғирлайди ва уни 500 АҚШ долларига танишига сотади.

С. нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 98-масала

Н. ўзининг касал ўнг буйрагини олдиришга розилик беради. Операция пайтида Н. юрак тўхташидан вафот этади. Операция қилган шифокор Г. иккинчи буйракни ҳам олиб, консервалаб қўяди ва уни инглиз фуқароси К.га беришга тайёрлайди.

Г. ва К. ларнинг жавобгарлигини аниқланг.

### 99-масала

У. ва Ф. қабрларни очиб, вафот этган шахсларнинг тиш коронкасини олиш билан шуғуланар эдилар. Шу тарзда улар йигирма иккита қабрни очиб, майитларнинг тишлари ҳисобланган 490 гр. олтин олишган.

У. ва Ф. нинг қилмишларини квалификация қилинг.

---

---

## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Игнатов А.И. Ответственность за преступления против нравственности. - М., 1966.

2. Мырзабек Р. Ш. Факторы и причины (условия), оказывающие положительное и негативное воздействие на формирование несовершеннолетних //Материалы научно-теоретической конференции. - Туркистан, 1997.

3. Михайлова Л.П. Применение наказаний за злостное уклонение от уплаты алиментов детям. - Вестн. МГУ. Право, 1980, № 1.

4. Савельева В. С. Уголовная ответственность родителей за злостное уклонение от уплаты алиментов: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. -М., 1979.

5. Савельева В. Применение наказания за злостное уклонение от уплаты алиментов. // СЗ, 1980, № 9.

6. Якубов А.С. Уголовно-правовые меры борьбы с вовлечением несовершеннолетних в пьянство и употребление наркотических средств. - Т.: ВШ МВД Республики Узбекистан, 1992.



## 6-БОБ. ШАХСНИНГ ОЗОДЛИГИ, ШАЪНИ ВА ҚАДР - ҚИММАТИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 100-масала

“Нигина” хусусий фирмаси саёҳатлар уюштириш билан шуғулланар эди. Бош директор П. ва туризм бўлими бошлиғи Л.лар 18-25 ёшлардаги қизларни сайёҳ сифатида Покистон ва Малайзиядаги стриптиз барларга юбориб туришган.

У ерда қизларга бир кеча учун 100 АҚШ долларидадан тўлашган. Икки ҳафтадан сўнг улар Тошкентга қайтишган.

Юқорида келтирилган шахсларнинг қилмишини қандай квалификация қилиш керак?

### 101-масала

Ота-она Б.лар қизлари Ж.га К.нинг яхши тарбия олганлиги, таъминланган оиладан эканлиги ва яхши жойда ишлаётганини айтишиб, унга турмушга чиқишни маслаҳат берадилар. Икки ойдан сўнг Ж. К. га турмушга чиқишга рози бўлади.

1 вариант. Ж. турмушга чиқишга рози бўлмайди, лекин уни бунга мажбур қилишади.

2 вариант. Ж. рози бўлмайди ва тўй бўлмайди.

Ота-онанинг жавобгарлигини аниқланг. Агар ота-оналарнинг ҳаракатларида жиноят тарқиб мавжуд бўлса, уни юридик таҳлил қилинг.

### 102-масала

К. жияни М.ни чақириб, ВАЗ 21099 автомобилига ўтирғизиб, синфдоши бўлган Л.нинг квартирасига олиб келади ва тоғаси туристик йўлланма билан саёҳатга кетганлиги учун М. у билан туришини айтади. Икки кундан кейин Л. дўстларидан М.нинг К. томондан ўғирланганини ва К. М.ни уйига қайтариш учун унинг тоғаларидан 10 000 доллар талаб қилаётганини билиб қолади. Пул бериш вақтида К. милиция ходимлари томонидан ушланади. Айбдор шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 103-масала

Қарзни қайтариб бермаганлиги учун жиноий гуруҳ аъзолари К. ва Л. А.ни ушлаб фирмалардан бирининг ертўласига қамаб қўяди. К. ва Л. қарзни қайтариб бериши учун А. га 3 кун муҳлат беради. А.

акасига бу ҳақда хат ёзади. Акаси пулни келтириб бергач, К. ва Л. лар уни қўйиб юборишади.

К. ва Л.ларнинг жавобгарлигини аниқланг.

### 104-масала

Д. хотини билан ажрашгандан кейин, бўҳтон гапларни тарқатади. У ўзининг танишига хотини Н. илгари фоҳишаллик билан шуғулланганлигини айтади, яна баъзи бир танишларига Н. ноқонуний равишда валюта операциялари билан шуғуланишини ва шунинг учун ҳам 3 ой ичида “NEXIA” автомашинаси сотиб олганлигини айтади. Оғир руҳий азият чекиш натижасида Н.да депрессив асаб бузилиши содир бўлади ва уч-тўрт ой давомида руҳий касалликлар шифохонасида даволаниб чиқади.

Д. нинг жавобгарлигини ҳал қилинг. Қилмишни юридик таҳлил қилинг.

### 105-масала

Кўшнилари Г. ва Ж.лар орасида кўпинча жанжал бўлиб турар эди. Навбатдаги жанжаллардан бирида кўшниларининг олдида Г. Ж. нинг қорин қисмига уради. Бунга жавобан Ж. уни “хотин”, “хайвон” ва бошқа уятсиз сўзлар билан ҳақорат қилади. Илгари Ж. жамоат жойларидаги номаъқул хулқ-атвори учун участка милиция ходими томонидан огоҳлантирилган экан.

Г. ва Ж.ларнинг ҳаракатларини қандай квалификация қилиш мумкин?

### 106-масала

Л. исмли йигит кўпдан бери П. исмли қиз билан учрашиб турган, лекин П. унга турмушга чиқмоқчи эмасди. Бир куни Л. дам олиш учун П.ни ўз уйига чақиради. Тушликдан кейин Л. П.га турмушга чиқишга розилигини олмагунча уни уйдан қўйиб юбормаслигини айтади. Шундай қилиб у П.ни икки кун ўз уйида ушлаб турган ва ўзи овқат тайёрлаган.

Л. жавобгарликка тортиладими? Агар тортилса, у ҳолда унинг ҳаракатларига юридик баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг.

### 107-масала

3., соат 12.00лар атрофида мактаб ёнидан ўтиб кетаётиб 14 ёшли К. исмли қизни ёнига чақирди. 3. уни уйига таклиф қилди,

меҳмон қилди, (овқат ейишди, чой ичишди) китоблар ва расмлар (суратлар) кўрсатди. Соат 16.00ларда К. З.дан уйига кузатиб қўйишни сўради, лекин у қизни қўйиб юбормади. Ярим соатлардан кейин, К. йиглаб юборгандан кейин, З. уйига кузатиб қўйиб онасининг қўлига топшириб кетди.

З. ни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос борми?

### 108-масала

Ж. район прокуратурасига яқин қариндоши Л. қайд қилинмаган савдо-сотик ишлари билан шуғуланиши ҳақида ёзиб берди. Текширув жараёнида Л. ҳақиқатдан ҳам савдо-сотик ишлари билан анча миқдорда шуғуланиши аниқланди. Л. Ж.нинг “сотқинлиги”га чидолмай ва жавобгарликка тортилишидан кўрқиб, ўзини-ўзи осиб қўйди.

Ж. жиноий жавобгарликка тортиладими?

## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Баймурзин Г.И. Честь и достоинство личности как объект оскорбления и клевету – В кн., Правовая наука Казахстана. Алма-Ата, 1978.

2. Калмыков В.Т. Дела частного обвинения. - Минск: Беларусь, 1978.

3. Кржанский Н.И. Уголовно-правовая охрана чести и достоинства личности // СЗ, 1971. № 6.

4. Кузнецов А.Н. Объект преступления и его значение для решения некоторых вопросов ответственности за оскорбление и клевету. // Учен. зап. ВИЮН, 1961.

5. Мархотин В.И. Охрана чести и достоинства личности по советскому уголовному праву. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. Киев, 1980.

6. Николаев А. Ответственность за клевету и оскорбление. // СЮ, 1963, № 20.

7. Осмонов А. Объект преступления оскорбления личности. // Проб. гос. и права на совр. этапе ИГПАН, 1973, вып. 6.

8. Осмонов А. Уголовно-правовая охрана чести и достоинства личности // Проб. гос. и права на совр. этапе/ ИГПАН, 1971, вып. 3.

9. Сугачев Л.Н. Ответственность за оскорбление – М.: Юрид. лит., 1966.

10. “Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 й. 19 июн, 1997 й. 2 май ва 1998 й. 11 сентябрларда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган 92-сонли қарори. //Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами (1991-1998). Икки жилдди. Иккинчи жилд. - Т.: Шарқ, 1999.

## 7-БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 109-масала

Шайхонтоҳур тумани участка инспектори Р. А.ни наша сотади, деб гумонсирайди, чунки қўшниларнинг айтишларига қараганда унинг уйига номаълум шахс целлофан қопчаларга солинган нарса олиб келиб турган ва деразалардан нашанинг ҳиди чиқиб турган. А. ҳеч қаерда ишламаган, лекин моддий жиҳатдан яхши яшаган, кўпинча маст ҳолда юрган, лекин спиртли ичимликларнинг ҳиди келмаган.

Бу миш-мишларни текшириш учун Р. А.нинг уйига киришга қарор қилади. Р. эшик қўнғироғини чалганида, А. эшикни очиб, кийиниб олиш ва хонани йиғиштириш зарурлигини айтади. Уйда қонун билан тақиқланган нарса бор, деб гумон қилган Р. унинг эшигига оёғини тираб, итариб юборади ва хонани текширишни бошлайди. А. унинг нима қилаётганлигини сўраганида, у керакли нарса, наркотик моддани қидираётганлигини айтади. Лекин уй балконида пакетда ошга солинадиган зира чиқади.

Вариант. Р.нинг гумони тўғри чиқади, А. олиб келинган наркотик моддаларини сотган.

Р. ва А.нинг жиноий жавобгарлиги масаласини ҳал қилинг.

### 110-масала

Пул ва қимматбаҳо буюмларни ўғирлаш мақсадида Б. хонадонма-хонадон сув сўраб юрган. Бир куни у Чилонзор тумани 20-даҳасидаги 2-хонадоннинг қўнғироғини чалиб, 6 ёшли боладан сув сўрайди, бола крандан кружкага сув олгунча, уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, тезда хонадонни кўздан кечириб чиқади. Хонадонда қўлга илингудек ҳеч нарса бўлмаган. У сув ичиб, уйдан чиқиб кетади. Б. илгари Ж. К.нинг 142- моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилган.

Б.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 111-масала

Тошкент шаҳар халқаро телефон тармоқлари ходими П. савдо компаниясининг президенти бўлган тоғаси Л.нинг илтимосига кўра, “Коммерсант” фирмасининг Ўзбекистонга озиқ-овқат маҳ-

сулотлари етказиб берувчи ҳамкорлари билан бўлган телефондаги ишга оид гапларини эшитади. Шу усулда Л. маҳсулот етказиб берувчиларнинг телефон номерлари ва манзилларини билиб олиб, улар билан маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисида шартнома-лар тузади ва “Коммерсант” фирмасига кучли рақиб бўлиб, унга 55 млн. сўмлик зарар етказди.

П. ва Л.ларнинг жавобгарлиги қандай квалификация қилинади?

### 112-масала

“Учкун” очик турдаги акциядорлар жамиятининг йил якуни бўйича умумий йиғилишида бошқарув раисининг ўринбосари Ж. шу жамиятнинг раиси Д. акцияларни келишувдан ташқари сотганлигини маълум қилди. Унинг таъкидлашича, акциялар олдинги йиғилишида белгиланганидек тарқатилмасдан, махфий тарқатилган. Шунинг учун кимлардир дивидендларни ноқонуний олган. У “агар ҳақиқат тикланмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига мурожаат қиламан”, деди.

Орадан икки ой ўтгач “Учкун” акциядорлар жамиятида раис ўринбосари шгати қисқартирилганлиги эълон қилинади. Уч ой-дан сўнг бошқа кипи бу мансабга тайинланди.

Д.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 113-масала

Корхонанинг бош бухгалтери С. тезда йиллик молиявий ва бухгалтерлик ҳисоботини топшириш кераклигини баҳона қилиб, иш вақтида номоз ўқишни таъқиқлади. Лекин ходимлар белгиланган вақтда номоз ўқишни амалга оширдилар.

С. жиноий жавобгарликка тортиладими?

### 114-масала

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов бўлаётган пайтда Акмал Икромов сайлов округи участка сайлов комиссиясининг аъзоси Е. касал бўлиб, овоз беришга кела олмаганларнинг уйларига юборилади. У иккита хонадонга боради, аммо бошқа уйларга бормасдан, ўзига керак бўлган фамилияларни қолдириб, сайлов қоғозларини қутига ташлайди. Сайловчилардан бири К. соат 21.00ларда участкага келиб, уларнинг олдига ҳеч ким бормаганини хабар қилади.

Е. нинг жавобгарлигини аниқланг.

---

**115-масала**

Халқ ноибларини сайлашда, сайлов участкаларнинг бирида сайловчилардан ҳар бирининг уйига совға олиб бориб берилган.

Шу номзоднинг сайланишига боғлиқ бўлган шахслар қандай жавобгарликка тортиладилар?

**116-масала**

К.га боласи икки ёшга тўлгунга қадар таътил берилди. Таътил тугаши билан К. бола уч ёшга тўлгунга қадар таътил беришларини сўраб ариза ёзади. Лекин К. ишлаган заводнинг директори Л. унинг ўрнига бошқа одамни вақтинча ишга ололмаслигини айтиб, мажбуран ишдан бўшатиш ҳақидаги аризани ёздиради.

Айбдор шахснинг жавобгарлигини аниқланг.

**117-масала**

“Интеллект” хусусий фирмаси программист Р.га компьютер ахборотини қайта ишлаш программасини тузиш учун буюртма беради. Программа маҳсулотини сотиб олган истеъмолчилардан бири К. программасининг ечимини топади ва унга бошқача ном бериб, маҳсулотни ўзиники қилиб олади.

Вариант. “Интеллект” хусусий фирмаси программага муаллифлик ҳуқуқини расмийлаштирган.

К.нинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Бажанов М.И. Преступления против политических и трудовых прав граждан. - Харьков: ХарЮОИ, 1965.
2. Борисов В.И. Уголовная ответственность за нарушение правил охраны труда. - Харьков, 1990.
3. Вологина Э.А. Юридическая ответственность за нарушение конституционного права неприкосновенности жилища. - Тр/ ВСШ МВД СССР, 1974, вып. 9.
4. Зверев А. Уголовная ответственность за нарушение законов о труде // СЗ, 1973, № 2.
5. Искандеров С. Об объекте преступлений против трудовых прав граждан. - //Учен. зап. Азер. ун-та Сер. юр. наук, 1972, № 1.
6. Ключков В. Законодательство о религиозных культах и ответственность за его нарушение //СЗ, 1966, № 10.
7. Кузнецов А. Правовые гарантии конституционных прав личности // СЮ, 1978, № 13.
8. Михайлов М., Милько Ю. Преступления против личности и прав граждан, совершаемые в среде религиозных групп // СЮ, 1954, № 6.
9. Ромашкин П. Правовые гарантии избирательных прав граждан // СЗ, 1971.

## БИРИНЧИ БЎЛИМГА ОИД УМУМИЙ АДАБИЁТЛАР ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Закирова О.Г. Система посягательств на личность и права сотрудников правоохранительных органов. - Т.: Адолат, 1996.
2. Закирова О.Г. Милиция ходимларининг ҳаётини махсус жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ижтимоий асослари. ЎЗР қонунларини ривожлантириш масалалари ва уларнинг жиноятчиликка қарши курашда татбиқ этилиши. - Т.: Адолат, 1993.
3. Закирова О.Г. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг шахси ва ҳуқуқларини жиноий-ҳуқуқий ҳимоялаш. - Т.: Адолат, 1997.
4. Закирова О.Г. Квалифицирующие обстоятельства как признаки состава преступления / Мустақил Ўзбекистон: Ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. - Т.: Институт философии и права им. И. Муминова, 1998.



5. Кузнецов А.В. Уголовное право и личность. - М.: Юрид. лит., 1977.
6. Мырзабек Р. Ш. Виктимологические факторы преступлений против личности. - Алматы: Поиск, № 4, 1995.
7. Мырзабек Р.Ш. К вопросу о насильственных преступлениях на бытовой почве. - Алматы: Поиск, № 7, 1995.
8. Рустамбаев М.Х. Охрана прав личности в уголовном праве. Взгляд юриста. Профессия юриста и права человека в Узбекистане. - Бельгия, 1992.
9. Рустамбаев М.Х. Социально-правовая обусловленность и уголовно-правовые средства охраны здоровья и телесной неприкосновенности граждан. Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. - Т., 1993.
10. Рустамбаев М.Х. Некоторые аспекты разграничения посягательств на жизнь и здоровье граждан. // Проблемы совершенствования мер борьбы с преступностью. Сборник науч. труд. ТашГУ, - Т.: Изд-во ТашГУ, 1986.
11. Рустамбаев М.Х. Преступления против личности - Т.: Эльдимур, 1998.
12. Саркисов Г.С., Красиков Ю.А. Ответственность за преступления против жизни, здоровья, свободы и достоинства личности. - Ереван, 1990.
13. Тахиров Ф. О спорных вопросах отграничения умышленного убийства от тяжких телесных повреждений, повлекших смерть потерпевшего. // Проблемы совершенствования законодательства УзССР и практика его применения // Тезисы докладов и выступлений, посвященных Сулеймановским юридическим чтениям - Т.: Фан, 1984.
14. Уголовный кодекс Республики Узбекистан: научно-практический комментарий. - (Под. ред. Якубова А. С.) - Т.: Адолат, 1996.
15. Чечель Г.И. Жестокий способ совершения преступления против личности. - Нальчик, 1992.
16. Читлов Д.С. Охрана здоровья граждан от тяжких насильственных посягательств: уголовно-правовое и криминологическое исследование. - Саратов: Изд-во Саратов. ун-та, 1974.

## II. БЎЛИМ. ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 8-БОБ. ТИНЧЛИК ВА ИНСОНИАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

#### 118-масала

ЎзР нинг М. исми фуқароси мужоҳидларнинг қуролланган, тажовузкорона гуруҳларига қўшилиш учун Афғонистон ҳудудига ноқонуний йўл билан ўтди. Илгари у уруш бўлган жойларда бўлиб, ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш тажрибасига эга эди. Афғонистон ҳудудида у мужоҳидлар томонидан унга ишониб топширилган гуруҳни бошқариб, узлуксиз равишда қўшни Тожикистон Республикаси ҳудудига ҳужумлар уюштирди.

Унинг буйруғига биноан, жангчилар бир неча маротаба тинч аҳолини ўлдирганлар, асир тушган аскарларни ўлгунича азоблаганлар, аҳолини мажбурий ишлар учун ҳайдаб олиб кетганлар. Кейинчалик қўлга туширилган М. Ўзбекистонга топширилди.

М.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

#### 119-масала

ЎзР фуқароси ҳисобланган Ш. “уруш бўлаётган жой”ларда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш бўйича тажриба орттирган бўлиб, пулга жуда муҳтожлиги туфайли Россия Федерацияси ҳамда Чеченистон Республикасида олиб борилаётган қуролли можарода иштирок этиш учун ноқонуний йўллар билан ўтиб кетади. Чеченистон қуролли кучларига қўшилган Ш. бир йил давомида қуролли можарода иштирок этиб, бунинг учун мунтазам суратда пул олиб турган. ЎзР ҳамда РФ ўртасидаги келишувга мувофиқ асирга олинган Ш. Ўзбекистонга берилди.

Ш.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

#### 120-масала

Т.Г. С. ва Б. милитаристик руҳдаги махфий тапшилотнинг аъзолари бўлиб, Ўзбекистондаги N давлатнинг элчихонасига презентацияга таклиф қилинганларида, банкетнинг авжида улар презентациянинг барча иштирокчиларининг гаровга олганликларини, бино ўраб олинганини айтдилар ва қурол билан таҳдид қилиб, ЎзР давлат ҳокимиятидан N давлатининг бир қисмини Ўзбекис-

тонга кўшиб олишни талаб қиладилар ва бунга ўзбек миллатига мансуб кўпгина кишиларнинг ушбу ҳудудда яшашини асос қилиб кўрсатадилар. Бу билан улар ЎзР ва N давлати ўртасида уруш ҳаракатларини келтириб чиқаришни кўзда тутганлар. Бинони эгаллаш натижасида Т., Г., С ва Б.лар қўлга олиндилар.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг. Бу жиноятнинг таркиби “Одам ўғирлаш” жинояти таркибидан қандай фарқ қилади?

### 121-масала

Миллатчи кучлар томонидан уюштирилган митингга шу кучлар тарафдори Н. минбардан туриб турк- мекхет миллати шаънига ҳақоратли сўзлар айтиб, бу миллат вакиллариининг турар жойларини ёшасига ёндиришга, ўзларини қирғин қилишга фуқароларни даъват этди. Тергов ҳаракатларида аниқланишича, Н.нинг бу жиний ҳаракатлардан мақсади якки миллат ўртасида миллий адоватни келтириб чиқариш бўлган.

Н.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 122-масала

Ўзбекистон Республикасининг вилоятларидан бирида ҳокимиятнинг маъсул мансабдор шахси ҳисобланган С. маҳаллий миллатта мансуб фуқароларга туб миллат бўлмаганларга нисбатан турар-жой майдонларини тақсимлашда кўшимча имтиёзлар бериш ҳақида қарор қабул қилган. Бу қарорнинг қабул қилиниши натижасида фуқаролар доимий турар-жойларидан мажбуран кўчирилган ва бу оммавий тартибсизликларни келтириб чиқарган. Тергов органлари томонидан аниқланишича, С.нинг мақсади фуқароларнинг миллатига қараб имтиёз бериш бўлган.

С.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

Ушбу жиноят таркиби ЖК. нинг 141-моддасидаги жиноят таркибидан қандай фарқ қилади?

### 123-масала

М. ва Н. Россия олий илмгоҳларида ўқир эдилар. Улар чечен можароси вақтида ўқишни ташладилар ва чечен жангариларига ёлландилар ва улар томонида туриб жанг қилдилар. Бу жангларда

улар бир неча мартаба тинч аҳолини ҳамда ҳарбий асирларни отишда иштирок этдилар.

Айбдорларнинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 124-масала

Н. шахрида истиқомат қилувчи шахс Самарқанд шахрида хизмат сафарида бўлганида бир неча хусусий дўконларнинг сотувчилари унинг ўзбек тилида берган саволларига тожик тилида жавоб қайтарганлар ёки ўзларини тушунмагандай қилиб кўрсатганлар. Бундан ўзини ниҳоятда таҳқирланган, деб ҳисоблаган М. ўз шахрига қайтиб, шаҳар аҳолисини тожикларга қарши гиж-гижлайди ва 4 автобус қуролланган фуқаролар гуруҳини йиғиб, Самарқандга йўл олади, аммо йўлда милиция ходимлари томонидан қўлга олинади.

Айбдорларнинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 125-масала

К. томонидан содир этилган жиноятнинг дастлабки терговда аниқланишича, Фарғона воқеалари даврида К. оммавий тартибсизликларнинг ташкилотчилари ва аъзоларидан бири бўлган. Шунингдек, маълум бўлишича, К.нинг бармоқ излари оммавий тартибсизликлар вақтида фуқаро М. ўлдирилган пичоқдаги изларга мос келади.

К.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 126-масала

Уюшган жиноий гуруҳ бошлиғи М.укасининг 3 кг гиёҳванд модда билан қўлга тушганлигини эшитиб, қуролланган гуруҳ билан ҳокимият биносини, унинг ичидаги одамларни гаровга олди. Гаровдагиларни озод қилиш эвазига М. укасини қўйиб юборишларини ва 500 минг “АҚШ доллари” миқдорида пул талаб қилди. Кечаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ходимлари бинога ҳужум қилиб бирон-бир қурбонсиз, гаровдагиларни озод қилдилар ва жиноятчиларни қуролсизлангирдилар.

Айбдорларнинг ҳаракатини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

---

**АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**

---

1. Андриухин М.Н. Геноцид в политике империалистических государств. — М.: Знание, 1967.

2. Блихенко И.П., Жданов Н.В. Наемничество - международное преступление. - В кн: Советский ежегодник международного права. 1979.

3. Блихенко И.П., Жданов Н.В. Международно-правовая борьба с терроризмом // П., 1975.

4. Жданов Н.В. Правовые аспекты борьбы с террористическими актами международного характера: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 1975.

5. Захарова Н.В. Агрессия — наиболее грубое нарушение прав человека // СГП, 1968.

6. Кочаров А.А. К вопросу об ответственности военных руководителей за преступления против мира. - Тр. НИИ правовой защиты. - Баку, 1970.

7. Куликов Р. О международно — правовой ответственности за нарушение прав человека. - М.: Меж. отнош., 1979.

8. Ромашкин П.С. Агрессия - тягчайшее преступление против мира и человечества // СГП, 1963.

9. Ромашкин П.С. Преступления против мира и человечества. - М., Наука, 1967.

10. Ромашкин П.С. Пропаганда войны — тягчайшее преступление // СЗ, 1963.

## 9-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 127-масала

Ўзбекистон фуқароси Н. республикадан ташқарида хизмат сифарида бўлган вақтида, чет эл разведкасига жосус сифатида ёлланган эди. Унинг мажбуриятлари доирасига ЎЗР.нинг мудофаа қобилияти тўғрисидаги маълумотларни чет эл давлатига етказиш ва ЎЗР.га қарши душманлик фаолиятини олиб бориш кирарди.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тезкор ҳаракатлари натижасида Н. қўлга олинади.

Н.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг. Бу жиноятнинг таркиби “Жосуслик” ва “Давлат сирларини ошкор қилиш” жиноятлари таркибидан қандай фарқ қилади?

### 128-масала

Фуқаро И. Ўзбекистон Республикасининг конституцион тузумини ўзгартиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган норасмий экстремистик ташкилотни бошқарарди. Шу ташкилот тарафдорлари томонидан ўтказилган митингга И. минбардан туриб, халқни Ўзбекистон Республикасининг давлат тузумини давлат тўнтариши йўли билан ўзгартириш, ҳокимиятни қўлга олиш ва сайланган вакилларни ҳокимиятдан четлатишга даъват этди.

И.нинг ҳаракатини квалификация қилинг ва содир этган жиноятини юридик таҳлил қилиб беринг.

### 129-масала

Чет эл фуқароси Б. ЎЗР.га саёҳатчи сифатида ташриф буюради. Унинг саҳат маршрутлари махфий объектлар жойлашган жойларга тўғри келди. Оператив ходимлар томонидан ўтказилган текширув натижасида маълум бўлишича, Б. ўзи фуқароси бўлган давлатнинг хуфия хизмати билан алоқада бўлиб, ЎЗР.нинг давлат сирларини чет эл разведкасига етказиш билан шуғулланган.

Б.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

Вариант. Агарда Б. ўзининг жиноий фаолиятини ихтиёрий равишда тўхтатган ва бу ҳақда давлат органларига хабар берган ва жиноят оқибатларининг олдини олишда фаол иштирок этган бўлса, унинг жавобгарлиги масаласи қандай ҳал қилинади?

### 130-масала

Мудофаа вазирлиги маъсул ходими М. таниши Н.нинг туғилган кунда кучли мастлик ҳолатида, барча ўтирганларга республика чегараларида яқин орада амалга ошириладиган махфий маълумотларни гапириб берди.

М.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 131-масала

Н. шахрида диний гуруҳ аъзолари ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб, ҳарбийлаштирилган ташкилот тузатдилар. Фаолияти тўхтатилгунга қадар ташкилот аъзолари ўғрилик содир этган бир неча шахсларнинг бармоғини кесиб улгурдилар.

Айбдорларнинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 132-масала

Н. давлати элчихонасининг ходими М. ўз давлатининг хуфия хизматига ёлланган эди. М. бир йил давомида элчихонага кам аҳамиятли ахборотларни етказиб туради. Бу ахборотлардан фойдаланилганида ҳам ўз давлатига катта зарар етмасди. Берган ахборотлари учун у 10 000 АҚШ доллари ҳажмида тўлов олган.

Кейин М. М.Х.Х.га чет эл разведкаси билан ҳамкорлик қилганлиги ҳақида хабар берган, аммо мукофот олганлиги ҳақидаги фактни яширган.

М.нинг ҳаракатини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 133-масала

Ҳарбий ҳаво кучлари учувчиси М. янги қирувчи самолётда ўқув машқини бажараётиб, давлат чегарасидан чиқиб, чет эл давлати ҳудудига қўнган ва улардан сиёсий бошпана сўраган. Натижада давлатнинг мудофаа қобилияти ва иқтисодиётига катта зарар етди.

Айбдорнинг ҳаракатига юридик баҳо беринг ва қилмишни таҳлил қилинг.

### 134-масала

Давлат аппарати ходими метрода кетаётганида ухлаб қолган. Шу вақтда фуқаро М. унинг дипломатини ўғирлаган. Натижада

давлат ва мудофаа аҳамиятига эга бўлган махфий ҳужжатлар йўқолган.

Айбдорнинг ҳаракати қандай квалификация қилинади?

### АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Дьяков С.В., Игнатъев А.А., Карпушин М.П. Ответственность за государственные преступления. М.: Юрид. Лит., 1988.

2. Клягин В.С. Ответственность за особо опасные государственные преступления - Минск, 1973.

3. Маккамбаев П.А. Подрывная деятельность иностранных спецслужб на территории Афганистана и Средней Азии в XIX-XX вв. // Сборник СНБ Республики Узбекистан. - 1995, № 2.

4. Маккамбаев П.А. Правовое регулирование режима государственной границы Республики Узбекистан / Мустақил Ўзбекистон фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. Т.: Фан, 1996.

5. Маккамбаев П.А. Значение охраны государственной границы в системе обеспечения национальной безопасности Республики Узбекистан // Сборник СНБ Республики Узбекистан. - 1996, № 5.



## III БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР 10-БОБ. ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ

### 135-масала

Фуқаро Л. ва К. биргаликда кичик корхона директори Д.дан уларни корхонанинг таъсисчилари қаторига қўшишни талаб қилишади, акс ҳолда “уйинг ва иш жойингни ёқиб юборамиз”, деб қўрқитадилар. Л. ва К. бир ҳафтадан кейин келиб, Д. уларнинг талабларини бажармаганлигини эшитиб “ПМ” тўшпонча билан Д.нинг оёғига отадилар ва унга оғир тан жароҳати етказдилар, шундан кейин баҳоси 1 200 АҚШ долларига тенг бўлган бронза ҳайкални ўзлари билан бирга олиб, бир ҳафтадан кейин яна “кўришишларини” ваъда қилиб, кетадилар.

Л. ва К.ларнинг ҳаракатларни квалификация қилинг.

### 136-масала

З. суд томонидан ўта хавфли рецидивист, деб топилган ва яқинда ЖК.нинг 277- моддаси билан жазони ўтаб чиққан Ю.нинг тақлифи билан ўзгаларнинг мулкани талон-торож қилишга рози бўлади. Шу мақсадда улар болалар тўшпончаси билан “қуролланиб”, тунда Баҳор кўчасида маст ҳолда бўлган К.ни тўхтайтишади ва қуролни ишлатаман, деб қўрқитиб, К. дан 2500 сўмни ундирадилар.

З. ва Ю.нинг қилмишига баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг.

### 137-масала

А. ва К. маст ҳолатда давлат рақами “А 6075 СН” бўлган “КА-МАЗ” автомашинасини тўхтатадилар. Улар автомашинанинг ҳайдовчиси З. ва М.дан 100 000 сўм беришینی талаб қиладилар. З. ва М. пул йўқлигини маълум қилиб, пулни беришдан бош тортадилар. Шунда А., ва К., З.ни гаровга қолдириб, М.ни Самарқандга пулга жўнатадилар. А. ва К.лар пулни олаётган пайтда, милиция ходимлари томонидан қўлга олинадилар.

Содир бўлган ушбу воқеани юридик таҳлил қилинг.

### 138-масала

Вояга етмаган 13 ёшли С. ва 15 ёшли Ж., велосипедда Г.нинг ёнидан ўтиб кетаётиб, унинг шапкаси ва бўйнидаги 7580 сўмлик тилла занжирни қимматбаҳо тоши билан олиб қочиб кетадилар.

Жавобгар шахсларнинг ҳаракатини юридик таҳлил қилинг.

### 139-масала

Тошкент шаҳар 40-сонли Хунар-техника билим юрти ўқувчиси Н. доимий равишда курсдоши М.дан пул беришини талаб қилиб келган. М. пул бермаганлиги учун уни жисмоний азоблаб, пулни олиб келишини бошқа кунга белгилаган. Белгиланган куни Н. М.ни кўчада учратади ва пул бермаслигини билгач, унинг 150 доллар турувчи чарм курткасини ечиб олади ва 1000 сўм олиб келиб берса, қайтаришини ваъда қилади. Бунга чидалмаган М. эртаси куни Н.нинг қорнига пичоқ уради ва бунинг натижасида Н.га ўртача оғир шикаст етказди.

М.нинг ҳаракатини квалификация қилинг, Н.нинг ҳаракатларида жиноят аломатлари борми? Қилмишларни юридик таҳлил қилинг.

### 140-масала

“Миконд” заводида ойлик маош олиш арафасида шу завод ишчилари К., Л. ва Ж. кассадан пуллар сақланувчи сейфни ўғирлашга келишишади. Тунги соат 2.00да улар сигнализацияни ўчириб, кассага киришади ва сейфни олиб чиқиб, юк автомобилга жойлаштиришади. Буни кўрган навбатчи милиция ходимлари уларга тўхташга буйруқ берадилар, бироқ улар қаршилиқ кўрсатиб, автомобилда қочиб улгуришади.

Шаҳар ташқарисидаги дала ҳовлисида сейфни очган жиноятчилар сейфдан 1000 сум пул ва кассирнинг паспортини топишади. Шуниси аниқ бўлдики, ишчиларга банкдан маош учун пул берилмаган экан.

Юқорида санаб ўтилган шахсларнинг айби тўғрисидаги масалани ҳал қилинг. Юридик таҳлил қилинг.

### 141-масала ✓

Хусусий ғишт заводи директори З. уйдан чиқиб кетиши биланок, К.Л. ва Ж.лар бошларига аёллар пайпоғини кийиб, “ПМ” тўшпончаси ва “АК” автомати билан курулланган ҳолда унинг уйига бостириб кириб, унинг хотинидан чет эл валютасини ва қиммат баҳо нарсаларини беришини талаб қилишади. Улар З.нинг хотини ва қизини зўрлаб, номусига тегишади. 7000 АҚШ долларини олиша

ди. Хотини ва қизини яланғоч ҳолда суратга туширишиб, 3 кундан кейин яна 3000 АҚШ долларни тайёрлаб қўйишини талаб қиладилар. Акс ҳолда улар яшаётган кўчага суратларини осиб чиқишларини айтишади. Ж. эса бу пайтда уларни машинада кутиб турган. 3 кундан кейин К., Л. ва Ж.лар қўлга олингаң.

Юкоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг ва юридик таҳлил қилиб беринг.

### 142-масала

Экспедитор К. "Тошкент" товар станциясида товарни олиб, уни текширмасдан уйига тушликка кетган. Бундан фойдаланган шофёр Ю. 17 500 сўмлик қийматдаги 1 қути аёллар костюмини уйига олиб кўйган. Товар қабул қилиб олинаётганида камомад аниқланди.

К. ва Ю.ларнинг ҳаракатини таҳлил қилинг.

### 143-масала

А. кийим бозорида Г.нинг ички чўнтагидан пулини олади. Буни сезиб қолган Г. А.нинг қўлини ушлаб қолади ва жанжал кўтаради. Унинг ёнида турган А.нинг ўроқлари К. ва Б.лар, Г.ни тинчлантириш учун 500 сўм беришади, лекин Г. ушбу пулларни олмайди.

А.нинг жавобгарлигини аниқланг. К. ва Б.ларнинг ҳаракатида жиноят аломатлари борми? Юридик таҳлил қилиб беринг.

### 144-масала

Иккита "фолбин" тақдирингни айтиб бераман деб, А.ни тўхта-тишади ва гипноз қилиб, унинг 500 сўм пулини оладилар. Кейинчалик А.нинг уйига бориб, шу йўл билан 24000 сум турадиган тилла тақинчоқларни қўлга киритадилар.

Фолбинларнинг ҳаракатида жиноят аломатлари борми?

### 145-масала

20 ёшли С. 16 ёшли К. ва 13 ёшли Ж.ларга "Ш.нинг уйига деразадан кириб, унинг кийим жовонидаги бўлган пулларни ўғирлаб олиб чиқинглар", дейди. Ш. ва унинг хотини ишга кетиши билан К. ва Ж. деразадан тушиб, уйга кирадилар ва ҳеч нарса топа олмагандан кейин, уйни тарк этишади. Эртаси кuni улар яна уйга кириб, қиймати 300 АҚШ долларига тенг бўлган иккита тилла узукни олиб чиқади. Лекин уйдан чиқишаётган вақтда қўлга олинадилар.

Ушбу шахсларнинг жавобгарлигини аниқланг.

### 146-масала

“Академкитоб” акциядорлар жамиятининг кассири Л. саноат қурилиш банки кассирининг хатоси натижасида 100 000 сўм ўрнига 150 000 сўм олади. Банк бошлиғи телефон қилиб пулни қайтадан санаб чиқишни сўрайди. А. ортиқча 50 000 сўм олганини била туриб, “100 000 сўм чиқди”, деб жавоб беради. Қолган пулни ўзлаштириш мақсадида кассадан олади.

Л.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 147-масала

“УзДЭУ” қўшма корхонасининг йиғувчиси Ш. радиотелевизион аппаратнинг микрочизмасини ўғирламоқчи бўлади. Смена-си тугаши билан у жовондан 20 дона микрочизмани олади. Ш. ўғирланган барча нарсаларини корхона худудидан олиб чиқиб кетади. Бир неча кундан кейин эса омбор қулфига тўғри келадиган қалитни топиб, омборхонага киради ва 650 АҚШ доллари қийматидаги микрочизмаларни ўғирлайди.

Ш.нинг жинойи жавобгарлигини ҳал қилинг.

### 148-масала

Халқ банки кассири Ю. Тошкент телеграф ходимларининг бир нечтаси билан тил бириктириб, банка ўйлаб топилган шахслар томонидан пул ўтказишни келишиб оладилар. Ўтказилган пулларни ўртада тақсимлашиб, 8 ой давомида шу йўл билан 1 млн. сум пулни ўзлаштирадилар.

Ю.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 149-масала

Кечаси А. уйкута ётади. Уйку шунчалар қаттиқ бўладики, ҳатто уйга биров кирганлигини ҳам сезмайдилар. А. уйкудан уйғониб кетганда уйда пичоқ билан қуролланган бир неча ниқобли шахсларни кўради. Номаялум шахслар А.ни жисмоний қийнаб, пул ва тилла буюмларни беришни талаб қиладилар, онасининг бақирганини эшитган 14 ёшли боласи ҳам уйғониб кетиб, тезда шу хонага киради. Улар болани ҳам ушлаб, қийнай бошлашади. Хуллас, номаълум шахслар уйдан 10 000 сўм ва қиймати 5500 сум бўлган олгин буюмларни олиб, кўздан ғойиб бўладилар.

Экспертизанинг аниқлашгача, она ва болага енгил тан жароҳати етказилган.

Ушланганлар М. Н. ва Р. бўлиб, улар олдин ЖК.нинг 169-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилган экан.

М.Н.ва Р.ларнинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 150-масала

Кундузи хонадонда 6 ойлик набира ва бувиси бўлган. Бехосдан хонадоннинг эшиги тақиллайди. Буви эшикни очипи билан хонага қуролланган Е. ва А. исмли икки шахс бостириб кирадилар. Улар бувини боғлаб, набирасини олиб, яширинадилар. Бир неча соат ўтгач эса телефон қилиб, бола учун 10 000 АҚШ доллари миқдорида пул талаб қиладилар.

Е. ва А.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 151-масала

Туман ҳокимиятининг маъмурий биносига кираверинида ИИБ ходимлари халтада қора пластмасса қутгача ва машинкада босилган варақа топдилар.

Аноним хат муаллифлари юборилган капсулаларда портлатувчи модда намуналари бўлиб, бу моддалардан жуда кўп эканлиги ва уларни 15.000 доллар ҳисобига милицияга ихтиёрий топширишларини хабар берганлар. Акс ҳолда, шаҳарда портлашлар содир бўлиши уқтирилган эди. Бу сирли модда синчиклаб экспертиза қилинганда ҳақиқатдан ҳам портлатувчи модда экани аниқланди.

Жиноятчиларнинг қилмишини квалификация қилинг.

### 152-масала

А., Ч., М. ва Л. божхона қўмитасининг омборхонасидаги ойна панжарасини қийшайтириб акциз маркалари турган хонага кирдилар. Ч.ва М.олиб келинган сигаретлар учун тўланган солиқлар белгиладиган қоғозларини олдилар. Уғирланган нарсаларнинг қиймати 10 000 сумга тенг, контрабанда йули билан олиб келинган сигареталар нархи бу суммага кирмайди.

А., Ч., М. ва Л.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 153-масала

“Янтарь” номли заргарлик дўконининг тушумини инкассаторлар энг охирида олиб кетар эдилар. Ф. номли инкассатор ту-

шумни олиб, сумкасига 2 845 245 сумни солиб, кетаётган эди. Хайдовчи Т. орқа эшикда туриб, эшикни очганда, иккинчи инкассатор К. ҳовли бўшлиғига ишонч ҳосил қилган эди. Кутилмаганда бақларнинг орқасидан бир йигит қуролланган ҳолда пайдо бўлади, қўлидаги автомати билан навбатма-навбат 3 кишини отиб ташлайди ва сумкани олиб яширинади.

Жиноятчининг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 154-масала

О. Чилонзор тумани 23-даҳа 2-уй олдидан ўтиб кетаётиб, давлат номери Д 32-23 ТН бўлган “ВАЗ 21061” машинаси подьезд олдида турганини кўради ва унинг олди эшигини очиб, у ўтиради ҳамда ўт олдирувчи симларни улаш йули билан машинани ҳайдаб кетмоқчи бўлади, аммо уддасидан чиқа олмайди. Шунда у машинадан нархи 5000 сум туралитан “SONY” магнитофонини ечиб олиб, уйга олиб кетади. 2 соат ўтганидан кейин О. яна қайтиб келиб, юқорида кўрсатилган автомашинанинг ғилдирақларини ечиб олмоқчи бўлганида, милиция ходимлари томонидан ушланди.

О.нинг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 155-масала

1996 йил 13 декабрь куни соат тахминан 19:00 да фуқаро Б. вояга етмаган Х. билан бирга Буз-сув канали бўйида жойлашган гаражлар ёнидан ўтаётиб, фуқаро Воҳидовани кўриб қоладилар. Унга жисмоний азоб берини йўли билан кўрқитадилар, қўлини қайриб, юзига бир неча мунг туширадилар, кийимларини йиртиб таштайдилар. Сўнгра у билан мажбуран гайритабиий усулда жинсий алоқага киришадилар. Шундан сўнг унинг 100 000 сумлик миқдордаги олтин буюмларини олиб, ёлворишларига қарамай, сувга отиб юборадилар. Қаттиқ совуққотганлиги натижасида фуқаро Воҳидова 2 ой касалхонада ётиб даволанади.

Б.ва Х.нинг ҳаракатларини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 156-масала

Мастлик ҳолатида бўлган фуқаро А. ҳамкасби И.ни ҳақорат қилади. Бундан хабар тошган И.нинг турмуш ўртоғи Н. нима бўлганини билиш ва тушуниб олиш учун А.нинг уйига “ГАЗ-24”

автомашинасида бораётиб, йўлда у билан бирга бориш истагини билдирган таниши Л.ни учратади. А.нинг уйи яқинида Н. маст ҳолатда бўлган таниши Ш.ни кўриб, ундан: “А.нинг уйига қандай бориш мумкин”, деб сўрайди. Ш. уйни кўрсатиш учун улар билан қўшилиб кетади. А.нинг уйига келиб, улар ундан эшикни очишни сўрайдилар. А.буни рад этганидан кейин Н.ва унинг дўстлари эшикни бузиб, уйга кирадилар. Н. тушунтириш талаб қилганида, А. жавоб бермагач Ш. уни тегиб ва қўлиари билан уриб, баданига ўрғача оғирликдаги шикаст етказди. Шундан кейин Ш. “SONY” магнитофони ва бошқа буюмларни тортиб олиб, Н.нинг машинаси багажига қўяди. Н.нинг “нимага бу буюмларни олдинг” деган саволига. Ш. А. ундан пул қарз эканини айтади.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 157-масала

Фуқаро С. 16 ёшли қизи билан бирга мунтазам равишда спиртли ичимликларни истеъмол қилган. Одамларнинг ишончидан фойдаланган С.нинг фарзандлари ёлғондан кичик сингилларини оғир касал ва даволаниш учун чет эл валютасида катта сумма керак деб, тиланчилик қиладилар. С. ҳар доим фарзандларини урган.

С.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 158-масала

Г.ва В.Ш.нинг хонадонига ўзларини ўзлингизнинг дўстларимиз деб, таништириб кирдилар. Бу вақтда Ш. – (60 ёшли аёл) ёлғиз эди. Г. ва В. Ш.ни оғзига латта тикиб боғлайдилар ва кичкина қазноққа қамаб қўядилар. Шундан кейин уйдан 500 доллар пул, ов милтиғи ва 30 дона жинси шимни олиб, воқеа жойидан яширинадилар.

Содир этилган жиноятни квалификация қилинг.

### 159-масала

Такси ҳайдовчиси Ф. машинасига Космонавтлар шоҳ кўчасидан 2 йигитни олади. Йигитлардан бири ҳайдовчининг ёнига, иккинчиси орқа ўриндикқа ўтиради. Таксичи уларни айтилган адресга олиб бориб, қоронғу ва бирор-бир машина бўлмаган тор кўчага кирганида, йигитлар ундан машинани тўхтатишни сўрайдилар ҳамда ўзлари ясаган қирқма милтиқ билан таксичини қўрқитиб, 5 000 сўм кунлик даромадини олиб кетадилар.

Йўловчиларнинг ҳаракатини квалификация қилинг.

Вариант. Таксист пулни бермади, шунда йигитлардан бири милтиқдан унга ўқ узиб, баданига ўртача оғирликда шикаст етказди.

Бу ҳолда жиноятчиларнинг ҳаракатини квалификация қилиш ўзгарадими?

### 160-масала

А. ва Т. 6 ой давомида учрашиб, жинсий алоқа қиладилар. А.нинг ота-онаси чет элда хизмат сафарида бўлиб, уйда 5 000 АҚШ доллари қолдириб кетган эди. Ота-онаси уйда бўлмаган даврда А. барча пулларни ишлатиб қўяди. Қайтиб келгач А.нинг ота-онаси ўғлидан ишлатилган пуллар хусусида тушунтириш талаб қиладилар. А. эса бу пулларни Т.га ишлатганини айтади.

А.нинг ота-онаси Т.нинг ота-онасига мурожаат қилиб, 5 000 долларни қайтариб беришни талаб қиладилар. Акс ҳолда, уларнинг “қизларингиз ҳақида қариндошларингизга айтиб берамиз” деб кўрқитадилар.

Юқоридаги шахсларнинг жиноятини квалификация қилинг.

### 161-масала

Олий илмгоҳлардан бирида ўқийдиган А. пистолет шаклидаги зажигалка олади ва қаҳвахонада ўтириб, уни таниши В.га кўрсатади. В. “бу зажигалка билан кўчадан ўтаётганларни кўрқитиб, пул олиш мумкин экан”, дейди. Шу йўл билан улар йўловчилардан 3 кишини кўрқитиб, 10 400 сўм оладилар. Улар тезда милиция тезкор ходимлари томонидан қўлга олинадилар. Терговда маълум бўлишича. А. бу зажигалкани “Тезиковка” бозоридан сотиб олган экан. Баллистик экспертиза қуролнинг ўқ отишга мослашмагани ҳақида хулоса берди.

А. ва В.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 162-масала

15 - қурилиш бошқармаси прораби А.тунги сменадан соат 9:00 да қайтаётганида озиқ-овқатлар дўкони яқинида махсуслашган автомашинадан ароқ туширилаётганини кўради. А. машина яқинига бориб, яшик ташувчиларга қўшилиб, ароқ таший бошлайди. Жиноят содир бўлган жойнинг яқинида бўлган ҳайдовчи-экспедиторнинг терговда берган кўрсатмаларига кўра, у А.нинг



бегона киши эканлигини сезмаган экан. Юк ташувчиларнинг озиқ-овқатлар дўкони биносида бўлганлиги ва ҳайдовчининг суҳбат билан бандлигидан фойдаланган А. бир япик ароқни олиб, бурчакка яширинади. Текширув натижасида А. фoш этилади. Унинг айби исботланади.

А.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 163-масала

П. безориликда айбланаётган ўғли Ш.нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун адвокат Р.ни ёллайди. Адвокат далилларнинг ишончлилигидан шубҳалангач, Ш.нинг отасига бошқа йўл, яъни ишни кўрадиган судьяга 5000 доллар пул беришни таклиф қилади. П. рози бўлади ва Р.га айтилган суммани беради, аммо эртаси куни адвокат номаълум жойга яширинади. П. ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилади, аммо бундай катта суммани берганини айтмайди.

П.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

Р. жиноий жавобгарликка тортиладими?

### 164-масала

Ҳеч қерда ишламайдиган С. ўзининг иккита вояга етмаган боласи учун бериладиган нафақани ҳар доим ичкиликка сарф қилиши натижасида оиласининг аҳволи кундан-кунга ёмонлашади. Хотини С.ни уйдан ҳайдаб чиқаради. С. доим бўрга ичиб юрадиган ўртоғи М.никида яшаб юради ва хотини В.дан маошининг ярмини беришини, акс ҳолда боғчадан кичкина қизини олиб, сотиб юборишини айтади. Шундай қилиб, у бир ой давомида хотинидан пул олиб туради, аммо бу ҳам камлик қилганидан хотинининг тақинчоқларини куч билан олишга қарор қилади. Шу мақсадда у дўсти М. билан уйига келиб, эшикни очиша олмагач кулфни бузиб кириб, хотин ва болаларини оёқ-қўлларини боғлайди ҳамда пул, тақинчоқларни талаб қилади ва оиласини махсус шу иш учун сотиб олинган қурол, Хитойда ишлаб чиқарилган пистолет макети билан кўрқитадилар. Хотини улардан кўрқмаслигини ва қурол ўйинчоқлигини айтгач, уни уриб, баданига ўртача оғирликда шикаст етказадилар.

Жиноятчиларнинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 165-масала

Кечкурун учта жиноятчи Миллий банкнинг туман бўлимига ўғирликка тушмоқчи бўлдилар. Улардан бири Т. инженер-электрик, банкка иш вақти тугашидан олдинроқ келиб, компьютер бўлимига яшринади ва ходимлар кетгач, компьютер орқали марказий ҳимоя пультамини ўчиради. Кейин иккита иштирокчи маҳсус асбоб билан дераза ойнасини кесиб, билдирмай банк ичига кирадилар ва нақд пуллар, жуда катта миқдордаги векселларни олиб кетадилар.

Жиноятчиларнинг ҳаракатини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 166-масала

“Бирюса” савдо уйи “Сутли дарёлар” фирмаси билан шартнома тузган. Шартномага биноан савдо уйи 5 000 000 сўмга 5000 кг. сариеғни накладной бўйича чакана савдо учун сотиб олиши лозим эди. Ишга савдо ходими сифатида қабул қилинган, синов муддатида бўлган Р. накладной бўйича юқорида айтилган, маҳсулотни қабул қилиб олади, аммо савдо уйига бермайди ва экспедитор ҳамда ҳайдовчи бўлиб ишлаётган М. ва З.лар билан бирга уни кўтарасига сотади. Товар олувчилар ичида Р.нинг акаси ҳам бўлиб, укасининг молиявий фирибгарликларидан хабардор эди.

Айбдорларнинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 167-масала

К. таниши М.дан бир ойда қайтариш шарти билан 50 минг сўм пул олади. Аммо олган пулларини турли хил баҳоналар билан қайтармайди. Ниҳоят, М.нинг сабри тутаб, К.нинг уйига кириб, 50 минг сумлик буюмларни олиб чиқиб кетади.

М.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

К.нинг ҳаракатида жиноят аломатлари борми?

### 168-масала

Бир гуруҳ шахслар ўзга шахс уйига эшикни бузиб кириб, 45 000 сўмлик тилла буюмлар, гиламлар ва биллур идишларни ўғирлаб кетдилар.

Жиноятни квалификация қилинг.

### 169-масала

Фуқаро С. Ф. ва Х.ларнинг ишончини қозониб, уларнинг ҳар биридан 150 минг сўмдан пул, шунингдек уларнинг паспортларини олиб, битта квартирасини бу икки шахсга сотади. С. 150 000 сўм нақд пул ва паспортларни олиб, яширинади.

Содир этилган жиноятни таҳлил ва квалификация қилинг.

### 170-масала

Д. ўғирлик қилиш мақсадида И.нинг елкасидаги сумкасини олиб қочади. И. унинг орқасидан кувиб етиб олади ва Д.га пичоқ урмоқчи бўлганида, Д. ерда ётган темир трубани олиб, унинг бошига уради. И. шу жойнинг ўзида ўлади. Шундан сўнг, Д. И.нинг костюми чўнтагидан 2 000 сўм пулни олиб яширинади.

Д.нинг ҳаракатини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 171-масала

С. кўшнилариининг уйида йўқлигидан фойдаланиб, балкондан уларнинг уйига кириб. 10 000 сўмлик тақинчоқларни ўғирлайди. Бир оз вақт ўтганидан кейин С. ундан шубҳаланишлари мумкинлигини англаб, тақинчоқларни жойига қайтармоқчи бўлади, аммо шу вақтда уй эгалари келиб қолади ва у милицияга топширилади. Ушбу жиноий иш С.да ғараз ният йўқ деб тугатилади.

Бу қарор тўғрими?

### 172-масала

А. ва М. бировнинг “Жигули” автомашинасини сайр қилиш учун олиб қочадилар. Сайр қилиб бўлгач, автомобилдан магнитофон ва 3 000 сўмни оладилар, сўнг жиноят изларини яшириш учун машинани жарликка итариб юборадилар.

А. ва М.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Абдурасулова К. Р. Некоторые вопросы назначения наказания за мошенничество. Депонировано в СИФ ГФНТИ ГКНТ РУз. № 2247-Уз 94.

2. Абдурасулова К. Р. Ответственность за мошенничество и получение кредита путем обмана. // Мустақил Ўзбекистонда Фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. - Т.: Фан, 1994.

3. Абдурасулова К. Р. Ответственность за недобросовестную конкуренцию. // Новые кодексы Республики Узбекистан. Теория и практика. - Т., 1994.

4. Абдухаликов М.А. Конструкция статьи об ответственности за вымогательство. // Новые кодексы Республики Узбекистан: теория и практика. - Т.: УР ИИВ Олий мактаб?, 1994.

5. Абдухаликов М. А. Некоторые проблемы развития законодательства в период становления рыночных отношений. // Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида Президент И. А. Каримов асарларидан фойдаланишнинг илмий, назарий ва услубий асослари. - Т.: ТДГУ, 1994.

6. Абдухаликов М. А. Ответственность за вымогательство по уголовному законодательству Республики Узбекистан: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. - Т., 1995.

7. Абдухаликов М.А. О некоторых квалифицирующих обстоятельствах вымогательства. // Конституция — ҳуқуқий давлат қуришнинг асоси. Илмий-амалий анжуман. - Т.: Адолат, 1996.

8. Абдухаликов М.А. Психическое насилие как средство завладения имуществом в вымогательстве, грабеже и разбое. // Ўзбекистоннинг мустақил ҳуқуқий йўли: тажриба ва муаммолар. - Т.: Камалак, 1994.

9. Абдухаликов М.А. Пути совершенствования социально профилактических мер по предупреждению вымогательства, совершенных несовершеннолетними. // Балоғатга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқ бузарликнинг олдини олиш буйича ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш муаммолари мавзусидаги илмий амалий анжуман материаллари. - Гулист?н.1996.

10. Борзенков Г.Н. Личная собственность под охраной закона. - М., 1985.

11. Борзенков Г.Н. Уголовно-правовые проблемы охраны имущества граждан от корыстных посягательств. Дисс..докт ... юрид. наук в форме науч. докл. - М., 1991.
12. Владимиров В.А. Квалификация хищений личного имущества граждан. - М.: Юрид. Лит., 1974.
13. Владимиров В.А., Ляпунов Ю.И. Ответственность за корыстные посягательства на социалистическую собственность. - М., 1986.
14. Горбачёв А.В., Тенчов Э.С. Размер хищения и его доказывание. - Горький: ГВШ МВД СССР, 1985.
15. Зарицов З.С., Кабулов Р. Квалификация краж, грабежей, разбоев, совершенных путем проникновения в помещение или иное хранилище. Лекция. - Т., 1981.
16. Икромова М.Г. Законодательство УзССР об ответственности за хищение государственного и общественного имущества. // Сб. статей аспирантов ТашГУ, 1964. -Т., вып. 253.
17. Икромова М.Г. К вопросу об ответственности за хищение государственного имущества путем кражи. //Научные труды. ТашГУ, 1964. —вып. 267. Юрид. науки, кн. 11.
18. Икромова М.Г. Некоторые вопросы назначения наказания за хищение государственного или общественного имущества в небольших размерах. // Научные труды. ТашГУ, 1971.
19. Икромова М. Г. Ответственность за хищение социалистического имущества путем кражи. // Научные труды. ТашГУ, 1965.
20. Икромова М. Г. Ответственность за хищения государственного или общественного имущества путем кражи по советскому уголовному праву. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. Т., 1965, № 4.
21. Иркаходжаев А.К. Борьба с мошенническими посягательствами на социалистическую собственность. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 1988.
22. Иркаходжаев А.К. Необходимые признаки объективной стороны хищения путем мошенничества. // Укрепление правопорядка и усиление охраны социалистической собственности. - Т.: Фан, 1985.
23. "Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 й. 17 апрелдаги 11- сонли қарори. /Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами (1991-1998). Икки жилдди. Иккинчи жилд. - Т.: Шарқ, 1999.

24. Кабулов Р. Ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш тупунчаси ва белгилари. //Хаёт ва қонун, № 11-12-сонлар. 1996.

24. Кабулов Р. Талон-тарожнинг содир этиш усулига қараб шаклларга ажратишга оид айрим саволлар. //Қонун ҳимоясида, № 11-12// 1996.

25. Кабулов Р., Сотиев И. Уюшган гуруҳлар томонидан банк кредитларини талон-тарож қилишнинг олдини олиш масаласига доир. Т.: Ўзбекистон Республикасининг И.И.В. Академияси, 1997.

26. Кабулов Р. Понятие хищения чужого имущества и его отграничение от смежных преступлений. - Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997.

27. Кабулов Р. Разграничение хищения транспортного средства от угона. // Конституция – ҳуқуқий давлат қуришнинг асоси. Илмий - амалий анжуман. - Т.: Адолат, 1996.

28. Кабулов Р. Уголовно-правовое значение форм хищения чужого имущества. // Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлатни, жамиятни шакллантириш муаммолари. - Т., 1996.

29. Каракетов Й.М. Абдусаламов Е.О. Ответственность за вымогательство. - Т.: Адолат, 1997.

30. Каракетов Й.М. Алаулов Е.О. Повторность как обстоятельство, отягчающее ответственность за вымогательство. - Алма-Аты: Поиск, № 4.1997.

31. Каракетов Й.М., Алаулов Е.О. Предупреждение корыстно-насильственных преступлений. - Алма-Аты: Поиск, № 10, 1997.

32. Каракетов Й.М. Вина, мотив, цель при совершении разбоя. (Укрепление правопорядка и усиление охраны социалистической собственности). - Т.: Изд-во ТашГУ, 1983.

33. Каракетов Й.М. Ответственность за разбой по уголовному законодательству УзССР. - Нукус: Каракалпакистан, 1990.

34. Каракетов Й.М. Спорные вопросы отграничения грабежа от разбоя (Актуальные проблемы борьбы с преступностью). - Т.: Изд-во ТашГУ, 1983.

35. Коняев В.П., Пинхасова Э.Б. Квалификация грабежей личного имущества граждан. - Т., ТВШ МВД СССР, 1990.

36. Кригер Г.А. Квалификация хищений социалистического имущества. - М.: Юрид. лит., 1971.

37. Пинхасова Э.Б. Квалификация грабежа с проникновением в жилище. Сб. науч. тр. - Т., 1984.

---

38. Пинхасова Э.Б. Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с грабежом. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 1987.

39. Рустамбаев М.Х., Пинхасова Э.Б. Внимание, Рэкет! // Диалог, 1992, №1.

40. Рустамбаев М.Х. Насилие как отягчающее обстоятельство корыстно-насильственных преступлений. // Сборник научных трудов. - Т.: Адолат, 1993.

41. Тенчов Э.С. Размер и виды хищений социалистического имущества. - Иваново: Иван. Ун-т, 1983.

42. Тенчов Э.С. Уголовная ответственность за хищение государственного или общественного имущества путём мошенничества // СЮ. 1982, № 6.

43. Хакимов И.Х. Ответственность за прикосновенность к хищению социалистического имущества. - Т.: Фан, 1982.

## 11-БОБ. ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ БИЛАН БОГЛИҚ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР

### 173-масала

Фуқаро К. ўзига нотаниш бўлган ётоқхона коменданти С.дан 10 метр гиламни бозор нархидан анча арзонга сотиб олади.

К.С.га гиламда ётоқхона штемпели борлигини кўрсатади. С. шунинг учун ҳам арзонга сотаётганлигини айтади.

С. ва К.нинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

### 174-масала

“Ҳилол” ташқи савдо фирмасининг вакиллари З.ва М. хитой ва венгриялик тадбиркорлар билан 100 000 тонна пахтаги нақд пулга сотишга келишишди. З. ва М. уларга керак бўлган барча ҳужжатларни тайёрлаб беришади ва улардан 100 000 доллар олиб, ғойиб бўлишади.

Тергов ҳаракатларини олиб бориш давомида “Ҳилол” ташқи савдо фирмасининг тугатилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлари (муҳрли фирма бланкалари, сертификатлар ва бошқалар) фирма идорасидан ўғирланганлиги аниқланади.

З. ва М.нинг ҳаракатини квалификация қилинг. Юридик таҳлил қилинг.

### 175-масала

Туман тайёрлов идораси шофёри Т. сабзавот сақлаш омборига юк ташиётган пайтда ўғирлаб олган пиёзларни Н. билгани ҳолда сотиб олади. Пиёзларни у бозорда сотиш учун арзон нархда сотиб олади.

Бу шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг. Жиноят таркибини юридик таҳлил қилинг.

### 176-масала

Геология разведка экспедициясининг қоровули Г. ойлик маош берилаётган пайтда, У. ва экспедициянинг бошқа ходими билан ичкиликбозлик қилишган. У. Г.нинг берилган пулларни қабул қилиб олганлигини кўрган ва фурсатдан фойдаланиб, кеч соат иккида экспедиция канцеляриясига пулларни ўғирлаш мақсадида келади ва маст Г. ухлаётганини кўриб, ўзидаги автомобиль кали-



ти билан касса яшигининг осма қулфини очиб, 2 млн. сўмни ўғирлайди.

У. ва Г.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 177-масала

15 ёшли В. ва 13 ёшли Н. кечқурун магазин яхши қўриқлан-маслигини билиб, тунда у ерга ўғирликка кириб, 7 400 сўмлик конфет, ўйинчоқ ва бошқа нарсаларни ўғирлайдилар.

Ушбу ҳаракатни юридик таҳлил қилинг.

### 178-масала

Тунда “Фарҳод” ташкилот дўконига ва ундаги молларга ёнғин чиқиши натижасида жуда катта зарар етади.

Магазин мудири С.нинг “ёнғин электр симларидан учқун чиқиши натижасида бўлган” деган фикри ёнғин-техника экспертизаси томонидан тасдиқланмайди. Ёнғин натижасида етказилган зарарни текширувчи комиссия магазинда бўлган нақд товарларнинг кўпи йўқлигини аниқлайди. С. “ёнғин пайтида 220 000 сўмлик товар ва 11 000 сўм пул ёниб кетган” деб тушунтиради. Терговда С.нинг ўзи магазинга ўт қўйганлиги аниқланади. Тўпланган далилларга кўра С. магазинда унга маълум бўлмаган ҳолда камомад чиққанлигини дан олади ва буни бекитиш учун ўт қўйганлигини айтади.

Ушбу ҳаракатни квалификация қилинг.

### 179-масала

Тошкент-Жиззах йўловчи автобусининг шофёри У. Жиззах автостанциясида билети йўқ йўловчиларни автобусга чиқариб олади ва йўлда улардан 50 сўмдан пул йиғиб олиб, билет бермайди. Бунинг натижасида 1 500 сўмни ўзлаштиради. У.нинг жавобгарлигини аниқланг.

Ушбу ҳаракатни квалификация қилинг.

### 180-масала

А. рақобатчи фирмага зарар етказиш мақсадида унинг инфор-мацион тизимга “кириб”, К. томонидан ишлаб чиқилган компь-ютер “вируси”ни тарқатади. Бунинг натижасида бүгун ажбурот тизими ишдан чиқади. Фирмага катта моддий зарар етказилади.

А ва К.нинг жавобгарликларини аниқланг.

### 181-масала

Фуқаро Л. фуқаро Т.дан савдо операцияларини юритиш учун 1 000 долларни устама фоиз тўлаш шарти билан қарзга олади. Аммо юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли олинган суммани келишилган вақтда қайтара олмайди. Шунда Т. Л.нинг уйига келиб, пулни талаб қилади. Унинг пулни бера олмаслигини эшитиб, Т. 18 ёшли ўғли ёрдамида Л.нинг уйдан телевизор ҳамда “SONY” видеомагнитофонини олиб кетади

Айбдор шахсларнинг ҳаракатини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 182-масала

Қўшнилар Ф. ва Р. жанжаллашиб қоладилар. Кечқурун Ф. қулфни бузиб, Р.нинг “Жигули” машинаси сақланидиган гаражга киради ва машина ойналари, фараларини синдириб, шиналарни тешади. Ф.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 183-масала

Ҳайдовчи Т. омборхонадан магазинга аёллар оёқ кийимини олиб бора туриб, пиво ичмоқчи бўлиб пиво магазинига киради ерда у дўстларини учратади ва 30 дақиқа ушланиб қолади. Магазинда товарни қабул қилиб олиш вақтида 10 жуфт оёқ кийимининг етишмаётганлиги маълум бўлиб қолади.

Т.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 184-масала

“Тошкент - Москва” поезда кузатувчиси С. билетсиз йўловчиларни улардан йўл ҳақи олиб, поездга чиқаради. Бундан ташқари 2 та 14 ёшли бола С.нинг ёрдамчилари сифатида ҳар доим темир йўл кассаси ёнида турар ва билет олмақчи бўлганларга билет олмасдан, С.га йўл ҳақининг яримини тўлаб кетишни таклиф қилардилар.

С. ва болаларнинг ҳаракатида жиноят аломатлари борми? Агар бўлса ЖК.нинг қайси моддаси билан квалификация қилинади?

### 185-масала

М. ишлаб чиқариш интизомини бузгани учун хусусий фирма директори томонидан ишдан ҳайдалади. Шу куни кечқурун М.бен-

зин солинган канистр билан фирмага келиб, ойнани синдириб, бино ичкарасига киради ва бензинни қўйиб, бинони ёқиб юборади. Натижада фирма бутунлай ёниб кетади. Бу вақтда маст ҳолда ухлаб ётган қоровул оғир тан жароҳати олади.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 186-масала

Жониворларни ҳимоя қилиш жамиятининг аъзолари М. ва Н. мўйнали кийимлар сотиладиган магазинга кириб, бу ердаги мўйнали шуба, бош кийимларга буёқ сепиб, магазин мулкдорига 5000 АҚШ доллари миқдориди зарар етказди. Кейин М. ва Н. метрога тушиб, мўйнали кийим кийганларга буёқ сепадилар. Шунда Н. фуқаро Л.нинг бош кийимига сепаетган буёқ унинг кўзига тушиши натижасида бир кўзининг кўриш қобилияти йўқолади.

Айбдор шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.

### 187-масала

А. кўча чорраҳасини катта тезликда кесиб ўтаётиб, светофорнинг қизил чироғи ёнганда тўхтамайди, натижада кўчадан ўтаётган велосипедчини уриб юборади, баданига оғир шикаст етказди. А. содир этган жиноятининг изларини йўқотиш мақсадида ҳушини йўқотган жабрланувчини чуқурликка ташлайди, велосипедни эса машина багажига жойлаб, 2 кундан кейин бозорда сотади.

А.нинг қилмишини квалификация қилинг

### 188-масала

Ҳўжалик омборхонаси мудир А. ревизия текширувидан олдин унинг айби билан омборда етишмайдиган молларни яшириш мақсадида қоровулдан унга эшикни очиб беришни сўрайди. Ундан шубҳаланмаган қоровул омборхона эшигини очиб, ўзи телевизор кўриш учун қоровулхонага кетади. Қоровулнинг у кетганидан кейин товарлар бутлигини текширмаслигини яхши билган А. картон яшиклар ёнига атайлаб ёқилган шамни ва ўчирилмаган сигарета қолдиқларини ташлаб кетади. Бунинг оқибатида бинода ёнғин бўлади ва анчагина зарар етади.

Айбдор шахслар ҳаракатини квалификация қилинг?

### 189-масала

Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан “Ўртоқ” давлат акциядорлар жамияти текширилганида, нокулай шароитда сақланганлик оқибатида бузилган яхна ичимликлар ва муддати ўтиб, истеъмолга яроқсиз бўлиб қолган, Туркия ва Эронда чиқарилган кондитер маҳсулотлари топилган.

Маълум бўлишича, бу сифатсиз маҳсулотлар улгуржи бозорда сотилган. Бу маҳсулотларни истеъмол қилиш натижасида 6 ёшли бола кучли заҳарланишдан вафот этиб, 8 киши ошқозон заҳарланиши таъхиси билан касалхонага тушадилар.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 190-масала

Фуқаро К. Тошкент тамаки фабрикаси ёнида нотаниш шахдан 2 блок “XON” сигаретини сотиб олаётиб, унинг бу сигареталарни қаердан олганлиги ва нима учун чакана нархдан арзонлиги билан қизиқади. Маълум бўлишича, бу киши тамаки фабрикасида ишлар, сигареталарни эса корхона кўрикчисига билдирмай олиб чиқиб кетган экан.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 191-масала

Фирма ишчиси Б. тасарруфида компьютер ва банклар ўртасидаги алоқага киришини рухсатномаси бўлгани ҳолда, унинг номида 5 000 АҚШ доллари сақланаётган “Империл” банкнинг электрон маълумотларига рухсатсиз кириб, банкнинг бошқа мижозлари ҳисобидан катта суммани ўз ҳисобига ўтказиб, ўз ҳисобини 150 000 АҚШ долларига кўпайтиради ва пулларни нақд қилиб олгач, яширинади.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 192-масала

“Пласт” заводида рўй берган ёнғин вақтида, завод ишчилари оловни ўчириш учун ҳеч қандай асбоб ёки мослама топа олмайдилар. Заводда ёнғин хавфсизлигига инспектор С. жавоб беради. Унинг ўз вазифасига совуққонлик билан қараши натижасида заводга катта талофат етади.

Ушбу жиноятни квалификация қилинг.

## 193-масала

“Цемент” заводи директори Н. ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, С.ни юқори мансабга қўтаргани учун ундан 15 000 сум олади. Ушбу жиноятни квалификация қилинг.

## 194-масала

Озиқ-овқат магазинига 600 кг олий навли ун олиб келинди. Сотувчи Н. келтирилган уннинг нақаднойини олиб, унинг нархини 10 сумга оширди ва шундай йўл билан 230 кг унни сотди. Ушбу жиноятни квалификация қилинг.

## 195-масала

Кечқурун магазинга бир гуруҳ шахслар кириб, сотувчини уриб, баданига ўргача шикаст етказдилар ва 66 241 сўм миқдордаги пулни олиб кетадилар.

Жиноятни квалификация қилинг.

## 196-масала

Электрдан фойдаланганлик учун давлатга 2 000 сўм қарз бўлган К. электр харажатларини кўрсатувчи ҳисоблагични орқага айлантарадиган мослама ясайди. Шу йўл билан К. қарз миқдорини 400 сўм қилиб олади. У 2 йил давомида электр харажатларини кўрсатувчи асбобдан фойдаланади.

К.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## 197-масала

Н. автомобиль аккумуляторини ўғирлаш мақсадида омборхонага киради. Кутилмаганда, Н. қоровул билан тўқнаш келади. Улар ўртасида бўлиб ўтган муштлашиш натижасида Н. қоровулнинг баданига оғир шикаст етказди ва аккумуляторни ўғирлайди. Касалхонага олиб келинган қоровул бир оз вақт ўтганидан кейин қони заҳарланганлиги натижасида вафот этади.

К.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

## 198-масала

К. фуқаро Р. томонидан содир этилган каттагина миқдордаги ўғирликнинг гувоҳи бўлади. Бундан фойдаланган К. Р.дан муайян сумма талаб қилади, акс ҳолда, ўғрилик ҳақида милиция орга-

нига хабар беришини айтади. Р. Уйлаб Утирмасдан К.нинг талабини қондиради.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Андрусенко Е.А., Разыков Ш. Субъект и субъективные признаки состава приобретения или сбыта имущества, заведомо добытого преступным путем. - Укрепление законности и правопорядка, совершенствование советского законодательства. - Душанбе: Изд-во Тадж. ун.-та, 1978, вып. 2.

2. Вайнер Л. Уголовная ответственность за причинение ущерба государству или общественной организации путем обмана или злоупотребления доверием при отсутствии признаков хищения: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 1977.

3. Иваник Н. Ответственность за приобретения или сбыта имущества, заведомо добытого преступным путем // СЗ, 1965, № 11.

4. Иваник Н. Объект приобретения или сбыта имущества, заведомо добытого преступным путем. - Учен. зап. Сар. ЮИ, 1965, вып. 12.

5. "Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 й. 17 апрелдаги 11-сонли қарори. /Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами (1991-1998). Икки жилдли. Иккинчи жилд. - Т.: Шарқ, 1999.

6. Кольшпкина В.Ф. Уголовная ответственность за уничтожение или повреждение имущества: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 1977.

7. Макарычев Л., Тенчов Э. Ответственность за недобросовестное отношение к охране государственного или общественного имущества // СЮ, 1976, № 2.

8. Фролов В. Ответственность за недобросовестное отношение к охране государственного или общественного имущества // СЮ, 1963, № 24.

## 12-БОБ. ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 199-масала

Пахта заводининг директори Х. немис фирмаси билан пахта голаси сотиш тўғрисида шартнома тузади. Шартнома 100 тонна пахта толаси учун 100 000 АҚШ доллари тўлаш лозимлиги кўрсатилиб расмийлаштирилади. Лекин 100 тонна пахта толасининг баҳоси 200 000 АҚШ доллари туриши аниқланган. Ўз.Р. Прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш натижаларида Х.нинг била туриб пахта толасини паст баҳода сотганлиги, у немис фирмаси раҳбари К. билан яқин муносабатда бўлганлиги ва немис фирмаси ўз раҳбари орқали Х.га “Мерседес-Бенц” автомашинасини совға қилганлиги аниқланган.

Х.нинг ҳаракатларини юридик таҳлил ва квалификация қилинг.

### 200-масала

Фуқаро З.га зудлик билан сўмда пул керак бўлиб қолади. У ўзида бўлган 100 АҚШ долларини сўмга алмаштириш учун “бозорга” боради. Бозорда доллар олди-сотдиси билан шуғулланаётган У.ни учратади. З. У.га 100 АҚШ долларини бериб, шунга тенг миқдорда сўмга алмаштириб беришни сўрайди, лекин У. 100 АҚШ долларини унга қайтариб бериб, унда бу долларга яраша миқдорда сўм йўқлигини айтади. Шундан сўнг З. фуқаро С.га мурожаат қилади, у долларни сотиб олмоқчи бўлади. С. бу 100 долларни кўриб, қалбаки эканлигини айтади. ва тўполон қилади. Бирдан милиция ходимлари келиб З. ва С.ни қўлга оладилар. Ўтказилган экспертиза натижасида бу купюра ҳақиқатдан ҳам қалбаки эканлиги аниқланади.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатларига юридик баҳо беринг ва квалификация қилинг.

### 201-масала

А. ўз укаси билан хусусий фирма очиб, фаолият юритиш учун “Турон” банкидан 6 ой муддатга 10 млн. сўм кредит олади. Кредитни олгач, А. ва укаси 10 млн. сўмни 5 млн. нақд пулга айлантириб, Туркиядан товар сотиб оладилар. Товарни 9 млн. сўмга сотиб, 6 млн. сўмни бошқа фирма орқали ўзларининг ҳисобларига

ўтказадилар. Шундай қилиб, улар кредитга олинган бутун суммани банкка қайтариб берадилар, қолганини ўзлаштириб, фирмани ёпадилар.

Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлигини аниқланг.

Сохта тадбиркорлик ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилишдан нимаси билан фарқланади?

### 202-масала

“Бизнес-банк” тижорат банкининг президенти Х. банк қарзларини тўлашга қобилиятсизлигини билиб, кейинчалик ҳолат яхшиланиб кетади деб, таъсисчилардан яширади. Шу мақсадда у вице-президент А. ва бош бухгалтер К. билан тил бириктириб, таъсисчиларга ўтган йилдаги молиявий аҳвол ҳақидаги маълумотларни бузиб кўрсатишга келишиб оладилар. Бироқ солиқ инспекцияси ҳужжатларни текшириш натижасида “Бизнес-банк” бошлиқларининг ноқонуний ҳаракатлари фош этилади. Таъсисчилар бунинг оқибатида катта зарар кўрганлар.

Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлигини аниқланг.

### 203-масала

Автомобиль қисмларини ишлаб чиқарувчи йирик хусусий корхона директори А.дан антимонопол фаолиятни амалга оширувчи давлат органи корхона фаолияти тўғрисида ахборот талаб қилди. Давлат органи ўз ваколати доирасида талаб қилган ахборотни А. кўрсатилган вақтда етказмайди.

А.га илгари ҳам шу қилмиши учун маъмурий жазо қўлланган эди.

А.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 204-масала

Божхона текшируви пайтида Туркиядан келган турист Д. нинг чемодани тагида тилла тангалар борлиги аниқланади. Тангалар чемоданга оқ пластилин билан ёпиштирилганлиги аниқланди. Бундан ташқари унинг белидаги камарига 5 000 АҚШ доллари тикиб қўйилганлиги аниқланади.

Айбланувчининг жавобгарлигини ҳал қилинг.

Унинг ҳаракатларида жиноятнинг таркиби мавжудми? Юридик таҳлил қилинг.



### 205-масала

Якка деҳкон хўжалигининг бошлиғи И. хўжалик субъекти чекига эга бўлган банкдан, ўзининг банкротлигини яшириб, қишлоқ хўжалик техникаси учун трактор ва культиваторлар сотиб олиш учун кредит олади. Олган пулларни қарзлари билан узиш ва банкрот бўлмаслик учун сарфлайди. Унинг ҳаракати натижасида кредитор банкка катта зарар етади.

И.нинг жавобгарлигини аниқланг.

### 206-масала

Фуқоро П. газета дўконида сотувчи бўлиб ишларди. Навбатда турган фуқоро М. сотувчининг иккита қизга нархи 198 сўм талабаларнинг ойлик чиптасини сотиб, уларнинг ҳар биридан 200 сўмдан пул олиб, қайтим бермаганини кўради. Улардан кейин навбатда турган бола ҳам нархи 165 сўм бўлган ўқувчиларнинг ойлик чиптасини сотиб олади ва 170 сўм берди. Сотувчи қайтим ўрнига нархи 1 сўмлик сақич берди. Навбатда турган М. ҳам шундай ҳолатнинг қурбони бўлади. М. сотувчи П.нинг харидорларга қайтим бермаслигини биларди, чунки у шу ердан газета ва ойлик чипталар сотиб оларди. Шу йўл билан фуқоро П. ҳар куни 100—150 сўм ишларди.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 207-масала

1,5 йил мобайнида якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган Н. чет мамлакатлардан кийим-кечак, озиқ — овқат молларини олиб келиб сотган. Бунинг учун у тижорат шаҳобчасини очган, лекин олинаётган фойданинг назоратсиз бўлишини хоҳлаб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмаган.

Н.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 208-масала

Паррандачилик фабрикаси директори Ф. фабрикага қарашли ёрдамчи хўжалик бошлиғи Х. билан жиноий тил бириктиради ва ёрдамчи хўжалик эгалигидаги солиқ тўлаш объекти ҳисобланган ер майдонини қасддан ҳужжатларда 8 гектар ўрнига 6 гектар деб кўрсатишади.

Айбдор шахслар жавобгарлиги масаласини ҳал қилинг.

Жиноятни квалификация қилинг ва юридик анализ беринг.

## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Васютин А.П. Ответственность за подделку денег и государственных ценных бумаг по советскому уголовному праву. - Экономика и право. Казан. Ун-т, 1967, вып. 2.

2. Гуляев А., Тарасенко М. Квалификация подделки государственных ценных бумаг. -СЮ, 1973, № 7.

3. Самойлов В.Г. Спорные вопросы квалификации нарушений правил о валютных операциях. -СЗ,1970, № 11.

4. “Иктисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 й. 17 апрелдаги 11- сонли қарори. /Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами (1991-1998). Икки жилдли. Иккинчи жилд. - Т.: Шарқ. 1999.

5. Карпушин М.П. О некоторых вопросах квалификации валютных преступлений. -СП, 1964, № 1.

6. Рустамбаев М.Х. Новое законодательство об усилении охраны правопорядка и прав граждан от преступных посягательств (научно-практический комментарий). Бюллетень Верховного суда УзССР. -Т., 1991, № 1-2.

7. Бабиенко А. Правильно и единообразно применять закон по делам о контрабанде. //СЗ, 1978, № 6.

8. Володько Н.В. Объект и предмет контрабанды. -Тр/ Киев: ВШ МВД СССР, 1975, вып. 9.

## 13-БОБ. ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

### 209-масала

Германиядан келтирилган спиртли ичимликлар партиясини божхона текширувидан ўтказишда эксперт комиссияси шишалардаги ичимлик сифати сертификатга мос келмаслигини аниқлади. Бироқ, юкни қабул қилувчилар илтимосига кўра, юкни стандартга мос, деб расмийлаштирди. Юкни қабул қилувчилар спиртли ичимликларни Тошкент шаҳри ҳудудида сотадилар, уларни истеъмол қилиш натижасида кўпгина кишиларнинг соғлиги 15 кун давомида ёмонлашган ва улар 33% меҳнат қобилиятини йўқотган, бир неча киши ўлган.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 210-масала

Шайхонтохур туманидаги магазин сотувчиси С. бир кг.лик тарози тошини пармалаб, ҳосил бўлган тешикка алюминий қоришмасини қуюди. Натижада 1 кг.лик тарози тоши амалда 850 гр оғирликка эга бўлади. Бу тошлардан С. 7 ой мобайнида фойдаланган.

С.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 211-масала

Технологик жараённинг бузилиши натижасида “Ўртоқ” кондитерлик фабрикасида сифатсиз конфет, вафли, печеньелар тайёрланади, бу ишлаб чиқариш масалалари бўйича директор ўринбосари ўзининг мансаб мажбуриятларига совуққонлик билан қараши натижасида келиб чиқади. Умуман 250 000 сўмлик сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Фабрика директори ва ўринбосарнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг. Содир этилган қилмишни юридик квалификация ва таҳлил қилинг.

### 212-масала

Магазин директори М. яхши савдо қилиш мақсадида, сотувчи Л.га айтиб, битта пештахтани магазин олдидаги айвончага олиб чиқишни буюради. Л. олдин савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини

бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган, М. бўлса ЎзР ЖК.нинг 190-моддасининг 2-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилган эди.

Содир этилган қилмишни юридик квалификация ва таҳлил қилинг.

### 213-масала

Сотувчи К. ўзи ишлаётган дўконда савдо қилиш учун ўгли Ж.ни ўз ўрнига қўйиб, врач олдига кетади. Бу вақт мобайнида Ж. нархлар кўрсатилган биркаларни алмаштиради: 1-навли унни олий навли ун нархида харидорларга сотади. Бундан ташқари бир неча грамм шакарни кам ўлчайди.

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 214-масала

“Наврўз” хусусий ательесининг шахсий буюртма кийимлар тикиш буйича устаси ателье дирекцияси томонидан тикиш учун ўрнатилган тарифларни (нархларни) бир неча маротаба оширади. Бунинг натижасида олти ой давомида буюртмачиларга анчагина зарар етказади. У ўз “даромади”нинг бир қисмини ателье директорига бериб турган.

Ушбу қилмишни юридик таҳлил ва квалификация қилинг.

### 215-масала

“Дока хлеб” новвойхонаси директори сифатсиз маҳсулот чиқараётгани учун туман санитария-эпидимология станцияси томонидан огоҳлантирилган, шу муносабат билан новвойхона икки маротаба тозалаш учун ёпилган. Огоҳлантиришларга қарамасдан, нон ёпиш технологияси бузилган, бунинг натижасида нонни истеъмол қилган бир нечта фуқаролар заҳарланганлар ва 2-3 кундан ёки 2 ҳафтагача касалхонада ётиб даволанганлар.

Директорнинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилинг.

### 216-масала

Савдо-воситачилик фаолиятига рухсатномаси бўлган С. бир неча маротаба чет элга чиққан ва сотиш учун нарсалар олиб келган. Товарларни сотишга рўйхатдан ўтмаган М. ва Т. ёрдам бериш-

ган. М. С.нинг жияни бўлгани сабабли, товарларни сота бошлаган. Илгари Т. худди шундай ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилган эди.

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал этинг.

### 217-масала

“Иқбол” тижорат акционерлик жамияти бош директори билан биргаликда Германиядан катта миқдорда озиқ-овқат ва вино-ароқ маҳсулотларини сотиб олади. Чет эллик шерик билан тузилган шартнома ва йўлланма (накладной)да уларнинг бир қисми кўрсатилмайди ва шартномада назарда тутилганидан 20% кўп маҳсулот олинади. Вино-ароқ маҳсулотларини ўз савдо агентлари орқали соттиришади, улар АЖ томонидан белгиланган ҳар бир шиша нархини 25 сўмдан оширдилар ва шундай қилиб 10 000 шиша вино-ароқ маҳсулотларини сотадилар.

Юқорида кўрсатилган шахслар томонидан содир этилган жиноятни юридик таҳлил ва квалификация қилинг.

### 218-масала

Катта корхона янги технологик асбоб-ускуналар учун патент олди. Бу асбоб-ускуналар ихтирочиси, корхона билан тузилган шартномага қарамасдан, биринчи корхона ишлаб чиқаришга жорий этган махфий ахборотни бошқа бир компанияга сотади. Бу қилмиш натижасида патентта эга корхонага кўп миқдорда зарар етказилади.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 219-масала

“Светская хроника” марказий газета саҳифаларида машҳур тadbиркорнинг шахсий ҳаёти ҳақида, хотининг обрўсини ерга урадиган ва ҳақиқатта тўғри келмайдиган маълумотлар пайдо бўлади.

Айбдор шахслар қилмишларини қандай квалификация қилиш керак?

### 220-масала

“Қора кўкнори” операциясини ўтказиш мобайнида “Гулистон” темир йўл бекатида кўп бўлмаган миқдордаги гиёҳвандлик

воситаларини ўтказиш мақсадида бўлган фуқаро А. ва Б.лар ушланганлар. Ушлаш вақтида илгари 2 маротаба судланган ва суд томонидан ўта хавфли рецидивист, деб топилган Б. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига А. ва Б. номига наркотик воситаларни етиштириш ва тасарруф этиш учун берилган лицензияни тақдим этган. Текширув натижасида А. ва Б. ўз фермер хўжалиги ҳудудида таркибида наркотик воситалар бўлган ўсимликлар етиштирганликлари аниқланади. Олинган наркотик воситаларни улар фармакология институтида лаборатория мудирини бўлиб ишловчи танишлари П.га берганлар. Бунинг учун улар П. ёрдамида сохта ҳужжатлар бўйича наркотик воситаларни етиштириш ва фармакология институтига гўё илмий мақсадлар учун етказиб беришга лицензия расмийлаштирганлар. Ҳақиқатда эса уларнинг “маҳсулот”и ҳеч қерда рўйхатга олинмаган ва П.нинг хусусий дорихонасида сотилган. Шу мақсадда П. мансаб ваколатини суистеъмол қилган ҳолда, фармакология институти томонидан фармакология воситаларини ишлаб чиқариш учун берилган лицензия нухасини олган ва уни сохталаштириб, ўз мақсадлари йўлида фойдаланган.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал этинг.

### 221-масала

Марказий рўзномаларнинг бирида машҳур банк компанияси жиноий гуруҳни маблағ билан таъминлаётгани ва жиноий йўл билан топилган пулларни ишлатаётганлиги тўғрисида мақола чоп этилади ва бу ҳақида ҳужжатлар мавжудлиги кўрсатилади. Компания президенти талабига кўра ушбу факт бўйича жиноий иш кўзғатилган бўлиб, унинг фикрича бу маълумотлар компаниянинг обрўсини тушириш мақсадида тўшланган ва ҳақиқатга тўғри келмайди. Тергов давомида бу ҳужжатлар сохта, ёлғон деб топилган, журналистнинг таъкидлашича у буни билмаган ва унда банкнинг обрўсига путур етказиш нияти бўлмаган. Унинг сўзлари бўйича бу маълумотлар компания ходимларининг бири томонидан тақдим қилинган.

Бу шахсларнинг жавобгарлигини аниқланг.

### 222-масала

Зиёфатда фуқаро Л. бир тadbиркор билан танишади. У.нинг ишончини суистеъмол қилган ҳолда, компьютердан махфий

тижорат маълумотини олади. Кейинчалик бу маълумотларни рақобатчи фирмага моддий рағбатлантириш эвазига беради.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 223-масала

“Омад” акциядорлик жамиятининг бош директори С. телевидения орқали чиқиб, “Прогресс” масъулияти чекланган жамиятининг бош директори Л.ни унинг фирмаси бўёқ сифатида рақобатчиларни пайдо қилувчи маҳсулотни қўлаб, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарганликда ва натижада бир неча киши вафот этишига сабаб бўлганликда айблади Мирзо Улуғбек тумани прокуратураси бу маълумотларнинг ёлғонлигини исботлаб жиноий иш кўзга ташлади. С. буни рақобатчини йўқотиш мақсадида қилган эди.

С.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 224-масала

И. болалар учун истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Анор” фирмасида директор ўринбосари лавозимида ишлаган. Фирма директори А. билан келишмаган И. “Анор” дан кетади ва болалар истеъмоли учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўз шахсий фирмасини тузади. А. дан аламини олиш ва янада кўпроқ фойда олиш учун оммабоп рўзномаларнинг бирида у бу корхонанинг собиқ ишчиси эканлигини ва мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни билан жуда яхши танишлиги, бу маҳсулот ҳеч қандай стандартларга тўғри келмаслиги тўғрисидаги мақола беради.

И.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 225-масала

“Океан” магазинига янги ушланган балиқ партияси келади. Катта миқдордаги товар кеч келганлиги сабабли, товар тақсимоли учун жавобгар бўлган ишчилар Н. ва П. маҳсулотни музлатиш мосламаларига жойлаштиришга улгурмайдилар. Эртаси куни улар балиқ сотадилар. Бир оз вақт ўтгач туман касалхонасига захарланган беморлар туша бошладилар. Касалхонага олиб келинган беморлардан иккитасининг аҳволи оғирлашади. Экспертиза хулосасида захарланишга сифатсиз балиқ истеъмол қилиш сабаб бўлганлиги таъкидланади.

Н. ва П.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 226-масала

С. Германиядан маҳсулотнинг сақланиш муддати ўтганлиги сабабли арзонлаштирилган шоколад партиясини сотиб олади ва уни Ўзбекистонга олиб келади. Бу ерда у сифат сертификатини берувчи эксперт билан келишиб, 500 доллар эвазига истеъмол муддатини бир йилга “чўздириб” олади. С. шоколадни ўз савдо шохобчалари орқали соттиради. Шоколадни истеъмол қилиш натижасида бир неча киши заҳарланадилар.

С. эксперт ва савдо шохобча сотувчиларининг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 227-масала

Тафтиш вақтида аниқланишича, 97-магазинда тарози тошларининг оғирлиги 50 граммдан камайтирилган экан. Сотувчи Д. бу тарози тошлари магазин директори розилиги билан 3 ой олдин қўйилганлигини тан олди ва тушган фойдани магазин ходимлари ўзаро тақсимқилаганларини айтди. Сотувчи илгари ЎзР ЖК.нинг 187-моддаси бўйича судланган эди.

Д.нинг ва магазин директорининг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 228-масала

Ф.нинг уйида нон ёпишар эди. Унинг 18 ёшда бўлган катта ўғли М. бозорда турарди ва нонни сотарди. 15 ёшда бўлган кичик ўғил А. таъминлаш билан шуғулланиб, нонларни уйдан бозорга элтарди. Ф. ўзининг шахсий фаолиятини ҳокимиятда рўйхатдан ўтказмаган ва савдо фаолиятига рухсатнома олмаган эди.

Ф.нинг ҳаракатларида ЎзР ЖК.нинг 188-моддасида белгиланган жиноят аломатлари борми?

### 229-масала

Магазин сотувчиси тарози тошларини “қайта ишлов”дан ўтказгани оқибатида, тарози ҳақиқатдагидан 100 гр. кўп кўрсата бошлади. Бу тарози тошларидан сотувчи 6 ой фойдаланди.

Магазин сотувчисининг ҳаракатларини юридик таҳлил ва квалификация қилинг.



### 230-масала

М. ўзининг ишлаб чиқариш фирмасида синтетик газламадан кўйлақлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу газламанинг инсон терисига зарари борлиги бироз вақт ўтгач аниқланди. Бироқ бунга қарамасдан М. бу газламадан кўйлақ ишлаб чиқаришни ва сотишни давом эттиради. Оқибатда бир неча кишининг соғлиғига ўрғача оғирликдаги зарар етади.

М.нинг ҳаракатларини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 231-масала

Оммабоп телекўрсатувлардан бирини олиб борувчи суҳандон, ўз ўртоғи, ишлаб чиқариш фирмаси эгасининг илтимосига кўра, ўз телекўрсатувларининг бирида ўртоғининг рақобатчиси бўлган фирма маҳсулотига салбий тавсиф беради. Оқибатда у катта миқдорда зарар кўради.

Телекурсатувни олиб борувчининг ҳаракатларини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 232-масала

Институтлардан бирининг талабалари П. ва А. фойда топиш мақсадида, “Бытхим” номли сувараклар ва бошқа ҳашоратларга қарши воситалар ишлаб чиқарувчи кичик фирма тузишади.

Бу фирма ташкил этилиши учун рухсатнома олмасдан юқорида айтиб ўтилган воситаларга қўйилувчи сифат даражасига жавоб бермайдиган маҳсулот ишлаб чиқариб, уни сота бошлайдилар.

Бу шахсларда товарни сотиш учун рухсатнома бўлмаганлиги билан бир қаторда ишлаб чиқариш учун керакли хом-ашёни П. ўзи тунда ишлайдиган корхонадан олар эди.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлигини белгиланг.

### 233-масала

Ўзбекистон Республикасининг уч фуқароси таклиф визалари билан чет элга чиқаётиб 15 000 долларни қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан олиб ўтишади.

Қайтишда немис маркасидаги автомобилларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтишда қонунда белгиланган солиқларни тўламаслик учун божхона хизмати ходимига 200 доллар пора беришади, шундан сўнг савдо фаолиятига рухсатномалари бўлмай туриб, автомобилларни сотишади.

Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлигини белгиланг.

### 234-масала

Замонавий технологияга асосланган нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона биринчи навли ундан қилинган бўлсада, давлат корхонасида олий навли ундан тайёрланган нондан таъми ва тапқи сифатлари билан ҳеч фарқ қилмайдиган нон ишлаб чиқарар эди. Фуқаро П. назорат қилинмайдиган фойда орттириш мақсадида шаҳарда ягона бўлган қўшма корхонага қарашли магазиндан доимий равишда биринчи нав ундан тайёрланган нонни сотиб олиб, кўчада раста очиб, олий навли ундан тайёрланган ноннинг нархида сота бошлади, бу эса харидорларда ноннинг сифатига нисбатан ҳеч қандай шубҳа ўйғотмади.

Фуқаро П.нинг жавобгарлигини белгиланг.

### 235-масала

“Полис” фирмасининг директори маҳаллий “Тадбиркор” рўзномаси мухбирига интервью беради.

Бунда у рақобатдош фирма тўғрисида ёлғон, асоссиз маълумотлар бериб, унинг обрусига путур етказди.

Содир қилинган жиноятни квалификация қилиб, юридик таҳлил этинг.

### 236-масала

“Магнат” магазини раҳбари савдо марказидан узоқроқ бўлган жойда унча катта булмаган савдо растаси очади, назорат қилинмайдиган фойда олиш учун уни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмайди.

Шундай қилиб, растада 35 755 сўм миқдоридаги нарсалар сотилади.

Содир этилган жиноятни квалификация қилинг.

### 237-масала

“Умид” нон тайёрловчи корхонаси савдога янги маҳсулот - “бисквит” печеньеларини чиқара бошлайди. Печеньедан заҳарланиш натижасида бир неча одамлар бир ойдан кўпроқ муддатда касалхонада даволанишади.

Содир қилинган жиноятни квалификация қилинг.

Магазин қоровули С. тунги вақтда қоровулик қилар эди. Ҳар сафар унинг навбатчилигидан сўнг моддий қиммат баҳо нарса-лар йўқола бошлади. Магазинга катта зарар етказилди.

Содир қилинган жиноятни квалификация қилиб, юридик таҳ-лил этинг.

### АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Абдурасулова К. Р. Ответственность за недобросовестную конкуренцию. // Новые кодексы Республики Узбекистан. Теория и практика. - Т., 1994.

2. Белахов А.Л. Ответственность за выпуск недоброкачественной, нестандартной или некомплектной продукции. /Отв. ред. В.А.Тверденко. - М.: Юрид. лит., 1979.

3. Гладышев Ю.А., Головлев Ю.В. Ответственность за преступления в сфере предпринимательства. - Н.Новгород, 1995.

4. "Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалие-тида юзага келган айрим масалалар тугрисида" Ўзбекистон Рес-публикаси Олий суди Пленумининг 1998 й. 17 апрелдаги 11-сон-ли қарори. /Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўшлами (1991-1998). Икки жилдди. Иккинчи жилд. -Т.: Шарқ, 1999.

5. Петрова Г. Изучение практики применения наказания за обман покупателей и заказчиков. // СЗ, 1979, № 9.

6. "Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида". Ўзбекистон Рес-публикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 15 мартдаги 9-сон-ли қарори /Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларининг тўшлами (1991-1997) Икки жилдди. Биринчи жилд. -Т.: Шарқ, 1997.

7. Рустамбаев М.Х. Ответственность за обман покупателей и заказчиков и получения незаконного вознаграждения от граждан за выполнение работ. Т.: ТашГУ, 1988.

8. Самильк Г.М. Уголовная ответственность за обман заказчиков: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Киев, 1979.

9. Гленчиева Г.Д. Уголовно – правовая борьба с выпуском недоброкачественной, нестандартной или некомплектной продукции: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Алма-Ата, 1980.

## IV БЎЛИМ. ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

### 14-БОБ. ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

#### 239-масала

Тошкент шаҳридаги ўрта мактабнинг кимё фани ўқитувчиси ўқувчиси билан бўлган келишмовчилик вақтида ўзининг кабинетида симоб жойлашган идишни синдиради, бунинг оқибатида мактабнинг бутун биноси ва унга тегишли ҳудудлар заҳарланади ва одамларни тезда кўчириш зарур бўлиб қолади. Ўқитувчи ва ўқувчи симоб буғларидан заҳарланишлари натижасида касалхонага келтирилади.

Тегишли шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

#### 240-масала

Кучли таъсир қилувчи кимёвий воситалар ишлаб чиқариладиган кимё заводида раҳбариятнинг руҳсатига мувофиқ, кимёвий воситаларни ташиш учун махсус идиши бўлмаган очиқ кузовли юк машиналарида амалга оширилар эди. Бу кимёвий воситаларни ташиш қоидаларини қўпол равишда бузиш эди. Оқибатда атрофдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига катта зарар етказилган.

Жавобгар шахсларнинг қилмишларини квалификация қилинг.

#### 241-масала

Тозалаш мосламаларининг ишга туширилмаганлиги натижасида нефтни қайта ишлаш заводининг ишлаб чиқариш чиқиндилари доимий равишда завод яқинидан оқиб ўтувчи дарёчага ташланган. Заводдаги ҳолатни текшираётган инспектор ўзининг ҳисоботида тозалаш мосламаларининг ишлаётганлигини кўрсатади. Бунинг эвазига завод директори инспекторга 2 000 АҚШ доллари миқдорида пул беради.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

#### 242-масала

Қўриқхона қоровули республика ва чет эл фуқароларига қўриқхонада 200 АҚШ доллари эвазига ов қилишга руҳсат берар эди. Бундай ҳаракатларни қоровул 2 йил мобайнида содир этди. Бунинг оқибатида ҳайвонларнинг сони кескин камайиб кетди,

улар қаторида Қизил Китобга кирганлари ҳам бўлиб, бир қанчаси бутунлай йўқолиб кетиш ҳолатига келиб қолди.

Қоровулнинг жавобгарлигини аниқланг.

### 243-масала

Н. ва П. ўз танишлариникида бўлган зиёфатдан сўнг, маст ҳолда кўриқхонага дам олиш учун боришга қарор қиладилар. Кўриқхонада улар йўлбарс уясига тўқнаш келадилар, у ерда она йўлбарс ва унинг икки боласи бор эди. Кўрқиб кетган Н. чўнтагидан бундан икки кун олдин таниш майор Э.дан бир яшик ароққа алмашиб олган ҳарбий гранатани олади ва йўлбарслар уясига ташлайди. Натижада йўлбарслар ўлади, П. эса қўлидан оғир яраланади. Кўриқхонада ёнғин юз беради ва натижада катта миқдорда зарар етказилади. Н. оғир яраланган П.ни қолдириб, қочиб кетади.

Айбдор шахсларнинг қилмишларини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 244-масала

Нефтни қайта ишлаш заводини ишга туширишда давлат қабул комиссияси аъзолари мазкур завод маҳсулоти экология ва аҳоли соғлиғига зарарли оқибатлар етказиши мумкинлигини била туриб, республика иқтисодиёти учун завод муҳимроқ, деган фикр билан бу объектни қабул қилишда қонунда белгиланган қоидаларни қасдан бузадилар. Улар буни мазкур заводдаги тозалаш мосламалари экологик хавфсизликнинг замонавий талабларига мос келмаслигини била туриб содир этишган. Натижада, завод ишга туширилганидан кейин бир неча ҳафта ўтгач, атроф муҳитда салбий ўзгаришлар пайдо бўлди. Бу оқибатлар билан заводни ишга тушириш ўртасида сабабий боғланиш борлиги экспертиза томонидан аниқланди.

Давлат комиссияси аъзоларининг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 245-масала.

А., Г. ва Б., ўрмонга дам олишга чиқадилар. Табиатдан фойдаланишнинг ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг оддий қоидаларини билмасдан, маст ҳолда гулхан ёқишади, унга кўплаб янги кесилган шохларни ташлашади. Тез орада оловни бошқариб бўлмайд қолади ва шамолнинг таъсирида у ўрмон сатҳида тез

тарқала бошлайди. Бунинг натижасида давлатта 1 000 400 сўм миқдорда зарар етказилади.

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 246-масала

Г. ветеринария қоидаларини бузиб, чўчқалар подасида ўлат касаллигининг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларини ўтказмайди. Бунинг натижасида Г.нинг барча чўчқалари бу касаллик билан касалланади ва у атрофдаги фермаларга тез тарқалади. Ўлат эпидемиясининг чўчқалар ўртасида тарқалиши уларнинг оммавий ўлимига, ўз навбатида оғир оқибатлар-фермаларда карантин ҳолатига, натижада уларнинг ишлари тўхтатишига, гўштни қайта ишловчи корхоналар ишининг издан чиқишига олиб келади.

Г.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 247-масала

“Истиклол” жамоа хўжалиги ҳайдовчиси Г. пахтани дорилаш учун автоцистернада дефолиантлар ташийти ва бунда зарарли кимёвий воситаларни ташиш қоидаларини қўпол равишда бузади. Бунинг оқибатида бугун юк (3 тонна) ерга тушиб, ер ва атрофдаги сув ҳавзаларининг ифлосланишига сабаб бўлади. Ифлосланган сувни истемол қилиш натижасида одамларнинг оммавий равишда ўлимига ва ҳайвонларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлади.

Г.нинг қилмишини квалификация қилинг.

### 248-масала

Фуқаролар Б. ва З. қонунга хилоф равишда қўриқхона ҳудудида ов қилиш мақсадида киришади. Ов мобайнида улар томонидан жуда камёб ҳайвонлар: иккита қора қоплон, иккита тоғ эчкиси ва кўп қушлар отилади. Бунинг натижасида давлатта жуда кўп миқдордаги зарар етказилган.

Б. ва З.нинг қилмишларини квалификация қилинг.

## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 36-сонли қарори /Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларининг тўплами (1991-1997) Икки жилдди. Биринчи жилд –Т.: Шарқ, 1997.

2. Бушуева Т.А. Уголовная политика в области охраны окружающей природной среды. // Проблемы сов.уголовной политики. - Владивосток, 1985.

3. Вольфман Г.И. Ответственность за преступления в области охраны природы: квалификация и наказание. - Саратов: Изд-во Саратов. Ун-та, 1984.

4. Желваков Э.Н. Преступления против природных богатств. - М.: ВЮЗИ, 1983.

5. Желваков Э.Н. Экологические преступления. - М., 1995.

6. Колыско А.Ю., Маляева Е.О. Экологические преступления. - Н. Новгород, 1993.

7. Повелицина П.Ф. Уголовно-правовая охрана природы в СССР. - М.: Юрид. лит., 1981.

8. Широков Б.А. Преступления в области охраны окружающей среды. - Хабаровск: ВШ МВД СССР, 1985.

## V БЎЛИМ. ҲОКИМИЯТ БОШҚАРУВИ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 15-БОБ. БОШҚАРУВ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

#### 249-масала

Тошкент вилоят прокуратурасининг терговчиси З. гумон қилинувчи К.дан кўрсатма олиш учун “ПМ” пистолети билан қурқигади, бунинг натижасида К. Б. ва А. билан биргаликда қасддан одам ўлдирганлигини тан олади. Суд муҳокамаси жараёнида К. қилмишини содир этганини рад этди ва терговчининг кўрқитуви остида тан олганлигини айтади. Текширув натижасида “ПМ” пистолетининг макетлиги аниқланади.

Терговчи З.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

#### 250-масала

Ўз.Р. ЖК.нинг 105-моддаси билан айбланаётган С. ва М.лар билан учрашувда адвокат К. уларга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаши учун судьяга 4 000 АҚШ долларини бериш ҳақида келишадилар.

С. ва М. адвокатнинг таклифига рози бўладилар ва шу куннинг ўзидаёқ бу ҳақда прокуратурага хабар берадилар. Адвокат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари томонидан қўлга олинади.

К.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

С.ва М. жавобгарликка тортиладими?

#### 251-масала

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик машиналарининг сақланиши учун масъул бўлган, ТТЗ бош муҳандиси техниканинг тегишли сақланишини таъминламайди. Бунинг оқибатида бир неча трактор ҳамда пахта териш машиналари бузилади. Заводга 1 800 сўм миқдорда зарар етказилган.

Бош муҳандис жавобгарликка тортиладими? Жавобгарликка тортикса, унинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

#### 252-масала

Ўзбек металлургия заводи кадрлар бўлими бошлиғи З.нинг меҳнат дафтарчасига унинг металл эритиш цехида ишлаганлиги



ҳақида ёзув киритади, бунинг натижасида Э. бир йил мобайнида ортиқча нафақа олади ва ноқонуний тарзда 25 500 сўмни ўзлаштиради. Тергов мобайнида З. Э.нинг жияни эканлиги ва буни унинг илтимосига кўра қилганлиги аниқланади.

Э. ва З.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 253-масала

Сўмни эркин конвертация қилинувчи валютага конвертация қилишга бериладиган лицензияни қўлга киритишни тезлаштириш учун хусусий компания директори Ж. Ўз.Р.ся Миллий банки бўлими бошлиғи С.га 1 500 АҚШ долларини беради. Бундан кейин Ж. ўзининг танишлари М. ва А.нинг илтимосига кўра С. билан конвертация тўғрисида келишади. Ж. уларнинг ҳар биридан 2 000 АҚШ доллари миқдоридан пул сўради.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 254-масала

С.нинг ота-онаси ўз фарзандларини даволаганлиги учун миннатдорчилик белгиси тариқасида Тошкент кардиология шифохонаси Бош врачига 5 000 сўм пул берадилар.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 255-масала

Суд ижрочиси Н.Р.ни Ж.нинг хонадонидан чиқариш тўғрисидаги суднинг қарорини кутмасдан, уни икки милиция ходими ёрдамида уйдан кўчирди Н. Ж.нинг ишини кўраётган судьядан унинг ноқонуний яшовчи сифатида кўчирилишини билган эди.

Суд ижрочиси ва милиция ходимларининг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 256-масала

Участка нозири уйнинг подъездидан иккита чемодан билан чиққан С.га эътибор бериб, ундан тўхташни талаб қилганида, С. қочишга уринади. М. унга икки марта ўқ узиб, оғир тан жароҳатлари етказди. Чемоданнинг ичига 2 кг қора дори беркитилган экан.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

## 257-масала

О. Тошкент аэропортида божхона ходими бўлиб ишловчи акаси Ж. билан икки дона 18-аср иконасини божхона текширувисиз чемоданда олиб ўтишга келишади. Дўстининг илтимосига кўра, у билан бирга учаётган Л. 200 АҚШ доллари эвазига пиджакнинг чўнтагида ноқонуний тарзда 10 000 АҚШ долларини божхонадан олиб ўтмоқчи бўлганида қўлга олинади.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## 258-масала

“Маиший хизмат уйи” қурилишга кредит олиш учун корхона бош директори С. Марказий банкнинг қурилиш объектларини кредитлаш бўлимининг бошлиғи Л.га 3 000 АҚШ долларини ваъда қилади. С.нинг ҳисобига пуллар ўтказилгач, у бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар беради ва пулларни бериш вақтида Л. қўлга олинади.

Айбдор шахсларининг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## 259-масала

Ўз.Р. ЖК.нинг 117-моддаси 2-қисми билан 5 йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган О. жазони ўташ жойига олиб келиш пайтида соқчига енгил тан жароҳати етказиб, қўриқчилардан қочади. У қочганидан кейин икки ҳафта ўтгач юқори турувчи суд унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли О.га нисбатан чиқарилган ҳукмни назорат тартибида бекор қилади.

О. ЖК.нинг моддаси бўйича жавобгарликка тортиладими?

## 260-масала

Ўз.Р. ЖК.нинг 120-моддаси бўйича судланган Б. жазони ижро этиш муассасасида назоратчиларнинг камситишларини кўтара олмасдан, уларнинг бирини шафқатсиз калтаклайди ва бунинг натижасида оғир тан жароҳати етказди.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг ва юридик таҳлил қилинг.

## 261-масала

Покистон Ислом Республикаси фуқароси Д. Қозоғистонга чиқиш рухсатига (Чимкент ш.) эга бўлиб, ТошДУда ўқиётган ўз жиянини кўриш учун Тошкент шаҳрига келади. Бир кундан кейин, Чимкент шаҳрига божхона чегараси орқали ўтаётганда ушланган.

Д.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## 262-масала

Судланган В. ва П. умумий тартибли меҳнат колониясида жазони ўташар эди. Ўзаро келишган ҳолда улар калитни эгаллаб оладилар ва қочиб кетадилар. В. ва П.ни кўрган кўриқчи уларни тўхтатмокчи бўлади, бироқ В. бир неча марта кўриқчининг бошини деворга уради ва кўриқчи ҳушини йўқотади. В. ва П. яширинадилар.

В. ва П.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

## 263-масала

Йирик реклама компанияси “М-Банк” 50 минг кишининг 80 млн. сўм миқдоригаги пул воситаларини олишга йўл қўярди. Бироқ кредит масалалари бўйича таваккалчилик сиёсати банкни лаёқатсизлик ҳолатига олиб келди. Банк бошқарувининг раиси С. ва унинг ўринбосари Ш. сохта векселлар асосида 50 млн. сўм олганлар.

С. ва Ш.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

## 264-масала

С. маст ҳолатда атрофдагиларга тегажөөлик қилади, транспортнинг нормал ҳаракатига халақит беради. Мазкур участкада навбатчилик қилаётган милиция ходими С.нинг олдига келади ва яқинроқдаги милиция бўлимига боришни таклиф қилади. Бунга С. ҳақоратлар билан жавоб беради. Милиционернинг кейинги талабларига нисбатан С. уни урмоқчи бўлади. Милиционер бошқа милиция ходимини чақирин учун орқага қайрилганда С. қўлидаги бутилка билан унинг бошига уради.

С.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 265-масала

Муқобил хизматни ўтаётган Т. Ҳамза туман мудоффаа ишлари бўлими томонидан Тапсельмаш заводига хизматта юборилган эди. Т. узрсиз сабаблар билан хизмат жойига келмайди.

Т.нинг ҳаракатларини қандай квалификация қилиш керак?

### 266-масала

Ҳарбий хизматга чақирилувчи И. Ҳамза туман “МБ” сига ўзининг судланганлиги тўғрисида қалбаки хужжатни тақдим этади. Шу муносабат билан И. Ҳамза туман МБ томонидан ҳарбий хизматдан озод қилинади ва ҳарбий билет олади.

И.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 267-масала

Техника колледжи талабаси Т. икки йил мобайнида темир йўл ишчилари “ёрдамчиси” бўлиб ишлаган: купе вагонлар кузатувчилари учун миқозлар топган, уларга купе учун чипталарни 400 сўмдан таклиф қилган, ваҳоланки кассир йўловчиларга купе вагонларга чипта йўқлиги ва давлат нархи 460 сўмдан бўлган плацкарт вагонларга чипталар борлигини айтади. Шунинг учун ҳам йўловчилар “қўлдан” чипта олишни лозим кўрардилар. Т.га ҳар чиптадан 150 сўмдан қоларди, 250 сўмни бўлса у кузатувчиларга берган. Кассир йўловчиларга темир йўл таркиби ва сотилган чипталар тўғрисида ёлгон маълумотлар берганлиги учун ҳар ҳафта устамон кузатувчилардан пуллик бадал олар эди. Транспорт милицияси ходимлари буни билсаларда ҳеч қандай чора кўрмасдилар, чунки кассир уларнинг талабларига кўра вино-ароқ маҳсулотлари олиб берарди.

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 268-масала

Сирдарё вилоятида яшовчи Б. фуқаро 3.дан 2 хонали уйни ижарага олади. Молиявий қийинчиликлар туфайли Б. ижара ҳақини 3 ой мобайнида тўламайди. Бир неча огоҳлантиришлардан сўнг Б. қарзларни навбатдаги савдо-сотик ишларидан кейин тўлашни ваъда қилади. Б. нинг йўқлигида 3. 10-октябрдан 10-ноябргача, унда сақлаш учун қолдирилган нарсаларни сотади,

олинган фойдани эса шахсий эҳтиёжлари учун ишлатади. Сотишган нарсаларнинг умумий нархи 150 000 сўм.

3.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 269-масала

Олий ўқув юрти кафедра мудирини бўлган В. иккита талабага маърузага келмаганлиги учун баҳо қўймайди. В.нинг уйи таъмирланаётганлиги учун улар 4 банкадан бўёқ олиб боришади ва шу кунга баҳо олишади. Лекин кейинчалик домланинг ишда эканлигидан фойдаланиб, унинг уйига келиб, хотинига домлага бўёқнинг ранги ёқмаганлиги ва улар уни алмаштириб келишларини айтиб бўёқларни олиб чиқишни айтишади. Хотини бўёқни олиб чиқади. И. ва С. бўёқни олиб кетишади ва уни бозорда сотишади.

Жавобгар шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг?

### 270-масала

А. ўзининг қизи Г.нинг туман халқ таълими кадрлар бўлим бошлиғи О. томонидан зўрланганлигини билади ва бунинг эвазига О. ўғлига қизини олиб беришини ва уни ишга кириштига ёрдамлашини кераклигини айтади. Педагогика институтининг ректори билан қариндошлик муносабатларида бўлган О. унга вазиятни тушунтиради ва Г.нинг номига олий педагогик маълумот ҳақида диплом беришни илтимос қилади. Бунинг эвазига ўз автомобилини олди-сотди шартномаси бўйича унинг номига ўтказилади.

Юқоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.

### 271-масала

М. суд кимё эксперти, суд медицина экспертизаси бош бюро бўлими мудирини эди. Прокуратура терговчилари, ИИБ томонидан экспертиза қилиш учун юборилган наркотик моддаларни суд кимёвий экспертизасидан ўтказмасдан, ўзининг билимига асосланиб хулоса ёзади. Хулосанинг охирида у наркотик моддаларни сарф қилинган моддалар деб ёзар, аслида эса у бу наркотик моддаларини ўзлаштирар ва сотарди.

Экспертнинг жавобгарлигини аниқланг.

### 272-масала

Тўқимачилик комбинати ишчиси Г. ишга сурункали равишда келмаганлиги учун ишдан бўшатилади. Шунда у ўзининг таниши

бўлган кадрлар бўлими инспектори С.га унинг меҳнат дафтарчасига “ўзининг хоҳишига кўра ишдан бушатилди”, деб ёзиб беришини илтимос қилади ва эвазига унга қиммат баҳо француз атирини беради.

С. ва Т.нинг ҳаракатларида жиноят таркиби борми?

### 273-масала

З. А.га 1000 АҚШ долларини қарзга беради, лекин у қарзини вақтида қайтармайди. Шунда З. ўзининг таниши бўлган милиция терговчиси Б.дан ёрдам беришини илтимос қилади. Эвазига олинган пулнинг 20% ини Б.га беришини айтади. Милиция терговчиси Б. А.ни ўзининг хузурига чақиради ва унга агар пулни қайтариб бермаса, қамоққа олишини айтиб кўрқитади.

Б. ва З.ларнинг ҳаракатларини қандай квалификация қилиш керак?

### 274-масала

Фирма директори К. имтиёзли шартларда банкдан кредит олмақчи бўлди. Банк бошқарувчисининг котибаси М. ўйнаши бўлганлигидан фойдаланиб К. уни имтиёзли кредит олиб беришга кўндирди. Кредитни олгач, К. котибага Эрон гилямини совға қилди.

К. ва М.ларнинг ҳаракатида жиноят таркиби борми?

### 275-масала

Ҳарбий хизматга чақирилувчи С.нинг отаси шу чақирув худуди мудофаа бўлими бошлиғи билан учрашиб, ўғлини ҳарбий мажбуриятдан озод қилиш учун 1000 АҚШ доллари беришга келишади. Бошлиқ керакли медицина маълумотномасини олиш учун яна 500 доллар зарурлигини айтади. Тиббий комиссия раисига ҳужжатларни сохталаштириб, ҳарбий хизматга чақирилувчининг ҳарбий хизматга лаёқатсизлиги тўғрисида хулоса берганлиги учун ҳақиқатда 300 доллар берилган.

Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлигини аниқланг. Ҳарбий хизматга чақирилувчи С. жинойий жавобгарликка тортиладими?

### 276-масала

Солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган текширувда 35-сонли боғчада 10.500 сўм камомад чиққан. Тергов

давомида аниқланишича, тарбиячилар ўзларининг болаларини ёшларидан қатъий назар шу ерда сақлашган, уларнинг овқатланишига пул тўламаганлар, турли хил тадбирлар ўтказиш учун пул йиғишган, амалда эса ҳеч қандай тадбир ўтказилмаган. Ҳақиқатда кўрсатилган “таомнома” бўйича овқат тайёрланмаган, болаларни нон, сут, қатиқ билан овқатлантиришган. Боғча мудираси ва ошпаз давлат томонидан ажратилган, болаларга берилиши лозим бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ота-оналардан тушган шикоятларга қарамасдан, ташиб кетишган. Шунингдек, кўпгина болаларнинг боғчага олингани ҳақидаги ҳужжатлар расмийлаштирилмаган. Аниқланишича, боғча мудираси ходимларининг ҳаракатларини назорат қилиш у ёқда турсин, балки улар билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлаштиришда қатнашган, болаларни боғчага қабул қилиш учун маълум миқдорда пул суммаларини олган.

Тарбиячилар, ошпаз ва мудиранинг жавобгарлигини аниқланг.

### 277-масала

Паспорт режимини текшириш пайтида милиция ходимлари шахсини тасдиқлайдиган ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмаган фуқаро К. ни ушлаб оладилар. Қаерда яшаши сўралганида у қайд қилинган жойда яшамаслигини айтади. Олиб борилган текширувлардан аниқланишича, фуқаро К. Ўзбекистонга яқин хориждан ўзга давлатда содир этган жинояти учун жавобгарликдан қочиб мақсадида келган ва ўзи билан белгиланган тарзда расмийлаштирилмасдан 30 000 АҚШ доллари олиб келган ва пора бериш эвазига паспорт столи ходимлари томонидан паспорт олган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтиб олган.

Бу шахсларнинг жавобгарлигини аниқланг.

### 278-масала

Н. ўзи билган ҳолда тузган шартноманинг расмийлаштирилишини тезлаштириш мақсадида нотариус бўлиб ишловчи К. га қалбаки 100 долларни беради. К. ҳамма ишларни ташлаб, 100 долларни қалбакилигини ҳатто текширмасдан, шартномани расмийлаштириб беради.

К. ва П.нинг ҳаракатларига жиноий ҳуқуқий баҳо беринг.

## 279-масала

Кичик корхона бошлиғи Н. И.нинг илтимосига биноан унинг меҳнат дафтарчаси ва бошқа ҳужжатларига юқори нафақа олишини таъминлайдиган ёзувлар ёзади. Хизмат ҳақиға П. ундан фойдаланиш учун 6 ой муддатта “Жигули” автомобилини бериб туришини сўрайди. И. бунга рози бўлади.

И. ва П.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Аҳоров Б.Д. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мансабдор шахслар маъсулияти. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳаётга татбиқ қилиш муаммолари. Халқаро илмий анжуман материаллари. - Т.: Ўзбекистон, 1995.

2. Аҳоров Б.Д. Мансабдорлик жинояти ҳақидаги қонунлар. // Ўзбекистон Республикаси янги кодексларида. Назария ва амалиёт. Илмий амалий анжуман материаллари. - Т., 1994.

3. Аҳоров Б.Д. Ҳокимият ёки хизмат мансабини суистеъмол қилиш жинояти ва оқибати. // Ўзбекистон Республикаси қонунларини ривожлантириш масалалари ва уларнинг жиноятчиликка қарши курашда татбиқ этилиши. - Т.: Адолат, 1993.

4. Аҳоров Б.Д. Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы со злоупотреблениями властью или служебным положением (по материалам УзССР). Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Т., 1989.

5. Аҳоров Б.Д. Соотношение злоупотребления властью и служебным положением и смежных преступлений. // Проблемы совершенствования мер борьбы с преступностью. - Т.: Изд-во ТашГУ, 1986.

6. Владимиров В.А. Ляпунов Ю.И. Преступления против порядка управления. - М.: МВД СССР, 1969.

7. Власов И.С., Тяжкова И.М. Ответственность за преступления против правосудия. - М.: Юрид. лит., 1968.

8. Волженкин Б.В. Квалификация взяточничества. - Л. 1984.

9. Галахова А.В. Превышение власти или служебных полномочий. - М.: Юрид. лит., 1978.

10. Егоров В.И. Уголовная ответственность за уклонение от отбывания уголовных наказаний. - Рязань: РВИИ МВД СССР, 1985.



11. Здравомыслов Б.В. Должностные преступления: понятие и квалификация. - М.: Юрид. лит., 1975.
12. Зуфаров Р.А. К вопросу о субъекте получения взятки. // Проблемы совершенствования мер борьбы с преступностью. Сб. науч. труд. ТашГУ. - Т.: изд-во ТашГУ, 1987.
13. Зуфаров Р.А., Халилов Э.Х. Взятничество - тяжкое преступление. Экономика и жизнь, 1992, № 21.
14. Зуфаров Р.А., Некоторые вопросы совершенствования законодательства о взяточничестве. // Актуальная проблема судебной экспертизы. - Т., 1989.
15. Зуфаров Р.А., О некоторых вопросах назначения наказания за взяточничество. // Гуманитарные науки. - Т., 1989.
16. Зуфаров Р.А., Пинхасова Э.Б. Уголовно-правовая ответственность за взяточничество. - Т., 1989.
17. Зуфаров Р.А. Понятие должностного лица. Проблемы совершенствования мер борьбы с преступностью. Сборник. - Т., 1986.
18. Зуфаров Р.А. Понятие и признаки ответственного должностного лица в преступлениях порядка управления. // Конституция - ҳуқуқий давлат куришнинг асоси. Илмий - амалий анжуман материаллари. - Т.: Адолат, 1996.
19. Зуфаров Р.А. Проблемы совершенствования меры борьбы со взяточничеством. // Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари: Амалиёт ва назария. - Т., 1994.
20. Ляпунов Ю.И. Ответственность за взятку. - М., 1987.
21. Мельникова В.Е. Должностные преступления (вопросы уголовно-правовой квалификации). - М., 1985.
22. Поленов Г.Ф. Ответственность за похищение, подделку документов и их использование. - М.: Юрид. лит., 1980.
23. Рустамбаев М.Х. Квалификация превышения власти или служебных полномочий при отягчающих обстоятельствах. // Повышение эффективности борьбы с должностными и хозяйственными преступлениями. - Т., 1987.
24. Светлов А.Я. Борьба с должностными злоупотреблениями. - Киев. Наука, 1970.
25. Сташис В.В., Бажанов М.И. Преступления против порядка управления. - Харьков, 1971.

## 16-БОБ. ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 280-масала

Фуқаро А. тақроран ва катта миқдорда пора олганлик учун ЎзР. ЖК.нинг 210 м. 2 қ., “а” ва “б” бандлари билан жиноий жавобгарликка тортилади. Терговчи Ж. А.нинг бу жиноятни содир этмаганлигини билиб туриб, уйнаши К.нинг илтимосига кўра, А.ни жиноий жавобгарликка тортади А. у билан тез-тез жанжаллашиб турар ва унинг обрўсини тўқувчи маълумотларни тарқатар эди. Биринчи инстанция суди А.нинг адвокати келтирган қўшлаб далилларга қарамасдан, айблов ҳукми чиқаради ва уни 8 йилга озодликдан маҳрум қилади. Кассация шикоятининг берилиши натижасида вилоят суди А.нинг айбсизлигини исботлайди, ҳукми бекор қилади ва уни суд залидан озод қилади.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 281-масала

Судья П. ишга тиклаш тўғрисидаги Л.нинг даъвоси билан танишиб, Л. корхонанинг ички кундалик тақсимотида кўрсатилмаган асосларга кўра бўшатишнинг била туриб, шу корхона директори ўртоғи бўлганлиги сабабли даъвога кўришдан воз кечди. Ишдан бўшатишнинг ноқонунийлиги тўғрисида судья П. корхона директорига хабар бермади ва тушунтирмади. Уч ойдан сўнг, юқори турувчи суд Л.ни аввалги ишга тиклади ва мажбуран ишланмаган кунлар учун Л.га бадал тўлаш лозимлиги тўғрисида ҳукм чиқарди. Корхона директори Л.ни ишга тиклайди, бироқ бадал тўламайди.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 282-масала

Терговчи Р. жиноий ишни вақтида тугатишга интилиб, ишда старли асослар йўқлигига қарамасдан, ЎзР. ЖК.нинг 97 м, 2 қ, “к” бандида кўрсатилган жиноятни содир этган деб, К.га айб эълон қилади. Бироқ прокурор айбловни имзолашни кейинга қолдиради ва терговчи Р.га нисбатан ЖК.нинг 230 м. 2 қ, бўйича жиноий иш қузгатишни талаб қилади.

Масала тўғри ҳал қилинганми?

283-масала<sup>21</sup>

Жиноий ишларнинг бири бўйича судья К. ЖК.нинг 97м. 2қ. билан айбдор, деб топилган Л.га ўлим жазоси тайинлади. Ҳукм ижро этилади. Бир оз вақт ўтгач бошқа бир жиноий ишни тергов қилиш вақтида Л.нинг қасддан одам ўлдиришда айбдор эмаслиги исботланди.

Айбдор шахсларнинг қилмишларини квалификация қилинг.

## 284-масала

Ж.нинг жиноятни содир этганликни тан олишига эришиш мақсадида Тошкент шаҳар Ч. тумани жиноят қидирув бўлими ходимлари бир ҳафта мобайнида гумондор Ж.ни уришади, овқат беришмайди, кўрқитишади, шундан сўнг у содир этмаган жиноятни содир этганлигини тан олади. Прокурор айблов хулосасини тасдиқлади, суд бўлса Ж.ни 3 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилди.

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

285-масала<sup>22</sup>

Тошкент шаҳри Н.туман суди “Учкун” АЖ ишчиси Л.ни 2 йил ахлоқ тузатиш ишларига, яъни иш ҳақининг 20 %ни давлат фойдасига ўтказишга ҳукм қилади. Ҳукм ёмчихона (почта) орқали буюртма билдиришнома билан юборилган ва “Учкун” АЖ ишлаб чиқарувчи котиби ҳукмни олишда уни рўйхатдан ўтказди, бироқ, уни йўқотади, бунинг натижасида ҳукм ижро этилмайди.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## 286-масала

Жиноят ишини кўзғатишда ҳукмнинг мулкни мусодара қилишга оид қисмининг ижросини таъминлаш учун мулк хатланган эди ва олинган мулк сақлаш учун “ГУМ” АЖга юборилган эди. АЖ.нинг омбор мудири К. бундан фойдаланиб, “SONY” телевизор ва видеомагнитофонни шундай ишламаётган телевизор ва видеомагнитофонга алмаштирди.

Омбор мудири жавобгарликка тортиладими?

## 287-масала

Коллеж ўқитувчиси К. тўхмат қилгани учун иш ҳақининг 30 %ни давлат фойдасига ўтказиш билан ахлоқ тузатиш ишларига, жазони эса иш жойида ўташга ҳукм қилинади. Коллеж директори К.ни коллежда ўқитувчилик қилишга муносиб эмас деб ўйлаб, уни ишдан бўшатди.

Коллеж директори жавобгарликка тортиладими?

## 288-масала

Эр-хотин М. ва В. квартирасини сотиб, аэропортга бориш учун зинапоядан тушаётган эдилар. Икки нотаниш кимса орқадан келиб М. ва В.нинг бошларига уришади, пуллар солинган сумкани қўлга киритишади ва уларни тегишади. Ариза ёзиш вақтида эр-хотинлар квартиранинг сотилиши ва уларда катта суммадаги пуллар борлигини билувчи умумий таниши К. ва уйнинг эгаси Р.дан шубҳалари борлигини кўрсатишди. Жиноят қидирув бўлими ходимлари эрталаб соат 5да К.ни уйида қўлга олишди ва кейинги куннинг соат 9-ларигача ушлаб туришди, бироқ К.дан жиноятни содир этганлигини аниқлашга эриша олмасдан уни озод этишди.

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## 289-масала

Паспорт режимига риоя этилишини текшириш вақтида 2 та Афғонистон ва 3 та Покистон фуқаролари ушланганлар. Афғонистон фуқароларининг визалари узайтирилган, Покистон фуқароларининг паспортлари Тошкент шаҳар ИИБсида визани узайтириш учун турганлиги ҳақида маълумотнома бўлган. Милиция ходимлари Покистон фуқароларини 8 соат, Афғонистон фуқароларини 74 соат мобайнида бўлинмада ушлаб туришган. Ҳар бир фуқародан 100 АҚШ доллари олишгач, уларни қўйиб юборишган.

Милиция ходимларнинг ҳаракатлари қонунийми?

## 290-масала

Н. ва К. “Зарафшон” ресторанига тушлик қилиш учун боришган. Тушлик вақтида спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолда метро томонга кетишади, у ерда уларни милиция ходимлари тўхтатишади, шахсини аниқлаш учун паспортларни тақдим этиш-

ни талаб қилишади. Н. ва К. хизмат гувоҳномаларини кўрсатишади. Бу ҳужжатлардан қоникмаган милиция ходимлари улардан метродаги милиция бўлинмасига ўтишни сўрашади, бунга улар рад жавобини беришади. Милиционерлар Н. ва К.нинг қўлини қайиришиб ва куч билан хизмат хонасига олиб боришга уринишади. Бунга Н. қаршилиқ кўрсатди, К. бўлса метронинг ичидан қочиб чиқади. Н.ни милиция бўлинмасида 3 соат ушлаб туришади ва унинг тушинтиришларидан сўнг қўйиб юборишади.

Милиция ходимларининг ҳаракатларида жиноят аломатлари борми? Н. ва К.нинг ҳаракатларидачи?

### 291-масала

К.нинг одам ўлдирганлиги маълум эди, лекин у ўзининг бунга алоқадорлигини инкор этади ва ўлдирилган аёлнинг жасадини қаерга яширганлигини кўрсатмайди. Ишни судга ошириш муддати яқунланиб борарди, прокурор Ж. терговчи Т.ни чақириб, К.нинг жиноятни содир этганлигини тан олиши ва жасадни топинга эришиш зарурлигини айтади. Терговчи гумон қилинувчига адвокат ва қариндошлари билан учрашишга рухсат бермайди, камераларда у билан бирга сақланаётган бошқа “терговдагилар”, унга ухлашга имкон беришмайди, унинг устидан қулишади, масхара қилишади. Бундай тазйикқа чидай олмаган К. одам ўлдирганини тан олади ва жасаднинг қаерга кўмилганлигини кўрсатади.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 292-масала

Терговчи В. “Олтин така” АЖ.си директори Ж.ни жуда катта миқдордаги талон-тарож тўғрисида кўрсатма бериш учун ўз хонасига чақиради. Терговчи жуда катта миқдордаги маблағ имзоларни сохталаштириш йўли билан талон-тарож қилинганлигини ва бу суд-бухгалтерия экспертизаси томонидан исботланганлигини хабар қилади. В. ҳар қандай ишни қилиши мумкинлигини, аммо ўғрилиқ қилмаганлигини ва имзоларни сохталаштирмаганлигини, ҳақиқатда ҳам бу шахслар АЖ.да ишлаганликларини айтади. Шунда терговчи: “Уч кун “ер тўлада” ётасиз ва ўз қўлингиз билан қилмишни содир этганлигингизни тан олганлигингизни ёзасиз”-дейди. Бироқ у кўрқитиш учун қилган пўписаларни амалга оширмайди ва уни 2 соат 30 минутдан кейин қўйиб юборади.

Терговчи В.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## 293-масала

Вилоят прокурори К.нинг жияни Б. катта корхоналардан бирида бош директор вазифасида ишлаб туриб, ЖК.нинг 183-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этади. К. антимонопол сиёсат бўйича комиссия раиси З.га телефон қилди ва у ўз навбатида прокуратурадан ишни чақириб олиш тўғрисида фармойиш берди, бунинг натижасида Б.га нисбатан кўзғатилган жиноят иши тугатилди.

Санаб ўтилган шахсларнинг ҳаракатларини қандай квалификация қилиш керак?

## 294-масала

О. узоқ вақт К. билан учрашади ва унга уйланишни ваъда қилади. О. у билан 1-маротаба жинсий алоқа қилганидан сўнг, у билан учрашмай қўяди, ундан ўзини олиб қочади ва яқин орада уйлана олмаслигини айтади. Шунда К. прокуратурага ариза ёзади ва терговчи М. К.нинг аризасига мувофиқ унинг номусига тегилганлиги бўйича жинойи иш кўзгатади. О.нинг бевафолиги ва ота-она томонидан берилган танбехларга чидай олмай К. ўзини ўзи ўлдиради.

Вариант. Дастлабки тергов жараёнида терговчи М. О.ни К.га уйланишга кўндиради ва К. аризани қайтиб олгач, жиноят ишини тугатади.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## 295-масала

15 ёшли О. уйга кеч қайтади, онаси уни уради ва ким билан бирга бўлганлигини сўрайди. Шунда О. ўртоғи П. номусига текканлигини айтади. Шунда она прокуратурага қизининг номуси поймол этилганлиги тўғрисида ариза ёзади. Бироқ, дастлабки тергов жараёнида О. П. билан жанжаллашганлиги учун унга тухмат қилганлиги аниқланади.

О. ва онасининг жавобгарлиги масаласини ҳал қилинг?

## 296-масала

“Жигули” автомобили ҳайдовчиси А. ва унинг хотини йўл-транспорт ҳодисаси вақтида яшил чироқ ёнганда чорраҳадан ўтишпаниларини кўрсатишади. Бироқ, тергов жараёнида, гувоҳларнинг кўрсатувлари бўйича А.нинг светофорнинг қизил рангида ўтганлиги исботланди.

А. ва унинг хотини жинойи жавобгарликка тортиладиларми?

Жиноий гуруҳ аъзоси, илгари бир неча оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланган Ж. қўшниси К.га эҳтиётсизлик орқасида оғир тан жароҳати етказди. К. участка нозири М.га содир бўлган воқеа тўғрисида ариза ёзгач Ж. содир этилган жиноятни рўйхатга олмасликни сўрайди, бунга нозир қўшнини аризасини қайтариб олишга рози қилиш кераклигини айтади. Ж. К.га 200 АҚШ долларни таклиф қилади, шундан сўнг К. аризасини қайтариб олади. Миннатдорлик белгиси сифатида Ж. участка нозирига спорт костюми совға қилади.

Ж. ва М.нинг ҳаракатларини қандай квалификация қилиш керак? К.нинг ҳаракатларида жиноят аломатлари борми?

## 298-масала

240

Эксперт Б. Р.нинг иши бўйича суд-медицина хулосасини беришдан бош тортади ва бош тортишга сабаб сифатида Р.нинг яқин дўсти эканлигини ва бу унга тўғри объектив хулоса беришга тўсқинлик қилишини, бундан сўнг уларнинг муносабатлари бузилиши мумкинлигини кўрсатади. Бу иш бўйича бошқа эксперт тайинлашади, Б.ни бўлса ЖК.нинг 240 м.си билан жавобгарликка тортишади.

Эксперт Б. жиноий жавобгарликка тўғри тортилганми?

## 299-масала

239

Прокурорнинг розилиги билан “Халқ сўзи” рўзномасида содир этилган товламачилик тўғрисида мақола чоп этилган эди. Мақоланинг чоп этилиши натижасида қидирувда бўлган, жиноят содир этган кишиларнинг бир қисми одил судловдан яширинишади ва одил судлов амалга ошмай қолади.

Прокурор ва мақола муаллифининг ҳаракатларида жиноят таркиби борми?

## 300-масала

ДАН ходимлари Н. ва Я. “БМВ” автомашинаси ҳайдовчиси А.ни тўхтатишди, ҳайдовчи автомобилдан чиқиб ҳужжатларини кўрсатиш учун Н.га яқинлашганида, Я. билдирмасдан автомобил кабинасига наркотик воситаси бўлган пакетни таплайди. Н. ҳужжатларни текшириб бўлганидан сўнг Я. А.дан автомобилни кўздан

кечирмоқчи эканлигини айтади ва ташланган пакетни топади. А. узоқ вақт пакетнинг унга тегишлилигини инкор этади. Шунда Н. пакет топилганлиги ҳақида қайднома тузишини айтиб, А.дан ДАН биносига боришни сўрайди. А. уларга 200 АҚШ долларини беради, ўзи эса ЎзР ИИБ навбатчисига боради ва бўлган воқеа тўғрисида ариза ёзади.

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 301-масала

В.га С.нинг, яъни ўзганинг мулкани товламачилик йўли билан талон-тарож қилганлиги учун айб эълон қилинган эди. В.нинг акалари К. ва Ж.С.нинг уйига бир неча марта боришади ва ундан аризани қайтариб олишини сўрашади. Фақат икки ҳафтадан сўнг С. В.нинг ёшлигини, яқинда уйланганлигини, институтда ўқишини ва бўлган воқеа юзасидан афсусланишини инобатга олиб, қайтарма ариза ёзиб, унда айбланувчи В.га нисбатан адашганлигини ва уни нотўғри равишда товламачилиқда айблаганлигини кўрсатади. Шундан сўнг С. улардан айбловдан воз кечиши учун 2 000 АҚШ долларини сўради.

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилинг.

### 302-масала

238

Ака-ука Н. ва Р. ўртасида ресторанда жанжал чиқади. Рестораннинг хавфсизлик ходимлари бу бебошлиқни тўхтатишни талаб қилинганда ака-ука уларни ура бошлашади.

Оммавий жанжал натижасида Н. санчқи билан уриб Р.га оғир тан жароҳати етказади, хавфсизлик ходимларидан бирига енгил тан жароҳати етказилади. Дастлабки тергов давомида Р. вилка билан зарбани унинг акаси Н. етказганлиги фактини яширди ва хавфсизлик ходимларидан бирини кўрсатди.

Р. ва Н.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 303-масала

257

В. катта кўча бўйлаб ўзининг қиз ўртоғи К. билан сайр қилар эди. Уларга икки йигит сигарет беришни илтимос қилиб, яқинлашади, В. кўпол равишда рад жавобини берди. Шунда йи-



гитлардан бири: “Яхши қиз, нега бундай бахил билан юрибсиз”, - деди. Бунга жавобан В. ўзининг “финка” типидagi пичоғи билан уради. Дастлабки тергов вақтида В. ва К. пичоқ йигитларга тегишлилигини ва улар биринчи бўлиб уларга ташланишганини, бироқ В. улардан пичоқни тортиб олганлигини ва ўзини зарурий мудофаа қилиш мақсадида уни ўлдирганлигини кўрсатишди. Бундан ташқари В. ва К.нинг никоҳдан ўтганлиги ва бир ҳафтадан кейин турмуш қурмоқчи эканликлари аниқланди.

В. ва К.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 304-масала

М. ўз жияни Ш.га пул ишлаши учун автомашинасини беради. Ш. муволишларнинг бирида автомашинани болқара олмай қолади ва устунга бориб урилади, бунинг натижасида йўловчилардан бири вафот этади. Буни эшитган М. машинасини номаълум кишилар олиб қочганлиги тўғрисида ДАНга арз қилади. Жабрланувчи сифатида сўроқ қилинаётган М.Ш.га автомашинани пул ишлаш учун берганлигини тан олмайди ва йўловчилардан бири вафот этганлигини ҳам автофалокатни ким содир этганлигини ҳам билмаслигини айтади.

М. ва Ш.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 305-масала

Россиядан (“Дарахт” ИЧБ) “Ўзбексавдо” АЖга келган юкни божхона назорати текширувдан ўтказаетганда товар йўлланмасида ҳақиқатда мавжуд бўлганига қараганда кам миқдордаги ёғоч кўрсатилганлиги аниқланади. Дастлабки тергов вақтида “Ўзбексавдо” акциядорлар жамияти номидан материалларни етказиб бериш тўғрисидаги шартнома директор ўринбосари С. томонидан тузилганлиги, бироқ ёғоч материални олиш учун ишонч қоғози бош директор Т. томонидан имзоланганлиги аниқланди. Т. “Дарахт” ИЧБси билан ҳеч қандай шартнома имзоламаганлигини, унинг имзоси ва муҳри босилган 10 дона ишонч қоғозини С.га “ҳар эҳтимолга қарши” берганлигини тушунтиради. Ҳақиқатда бор бўлганидан кам ҳажмдаги ёғочни товар йўлланмасида кўрсатиш ҳақида “Дарахт” ИЧБси раҳбари ва “Ўзбексавдо” АЖи бош директори ўртасида оғзаки келишув мавжудлиги ва фақат шу партия ёғоч материалларини олишга ишонч қоғозини Т. берганлиги, С. бўлса бу жи-

ноятнинг фақат бажарувчиси бўлганлиги, бунинг учун Т. олинган фойдадан 20 %ни беришни ваъда қилганлиги аниқланди.

Юқорида санаб ўтилган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 306-масала

О. жинсий аъзосидан қон кетиши туфайли касалхонага тушади. У ҳомиладор бўлгани ва эҳтиётсизлик қилиб оғир юк кўтарганлиги учун ҳомиласи тушиб қолганлигини айтади. Суд-медицина экспертизаси О.да аборт ўтказилганлиги ва бундан тахминан 2 кун ўтгач, оғир юкни кўтариш натижасида бачадонда яра очилганлиги ва жинсий аъзодан ҳаёт учун хавfli бўлган кўп қон кетиши руй берганлигини аниқлади. У соғайгандан кейин, 10 кундан сўнг терговчи Ж. О.ни жабрланувчи сифатида сўроққа чақиради. О. абортни ўзи қилганлигини айтади. Бунга ишонмаган Ж. уни милицияга юборган. О. абортни касалхонанинг гинекология бўлимида ҳамшира бўлиб ишловчи холаси ўз уйида ўтказганлигини тан олади. Унинг эри уч болани тарбиялаш қийинлигини важ қилиб, уни аборт қилдиришга рози қилади.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 307-масала

241

Кўшнилари К. ва М. узоқ йиллар бир-бирлари билан чиқиша олмас эдилар. Охирги ҳақоратта чидай олмаган К.нинг ўғиллари Ю. ва А. М.ни ўлдиришга қарор қиладилар. Бу ҳақда Ю. ва А.нинг онаси эшитади ва уларни бу фикрдан қайтаришга ҳаракат қилади. Бир неча кундан сўнг Ю. ва А. кечкурун М.ни пойлаб, уни ўлдиришди.

Дастлабки терговда уларнинг онаси содир этилиши тайёрланаётган жиноят тўғрисида билганлигини қатъиян рад этади.

Юқорида санаб ўтилган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

**АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**

1. Гулямов З. Х. Преступления против правосудия // Под ред. проф. У. Таджиханова. - Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1996.

2. Гулямов З. Х. Преступления против правосудия, посягающие на авторитет и деятельность судебной власти и органов следствия // Под ред. проф. У. Таджиханова. - Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1996.

3. Гулямов З. Х. Преступления против правосудия, совершаемые дознавателями, следователями, прокурорами и судьями // Под ред. проф. У. Таджиханова. - Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1996.

4. Гулямов З. Х. Преступления против правосудия, совершаемые лицами, привлекаемыми к отправлению правосудия // Под ред. проф. У. Таджиханова. - Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997.

5. Гулямов З. Х. Уголовная ответственность за не сообщение о преступлении или его укрывательство // Под ред. проф. У. Таджиханова. - Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997

6. Рапковская Ш.С. Преступления против правосудия. - М.: ВЮЗИ, 1978.

7. Хабибуллин М.Х. Ответственность за укрывательство преступлений и недоносительство по советскому уголовному праву. - Казань: Изд-во Казан. Ун-та, 1984.

## VI БЎЛИМ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 17-БОБ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

#### 308-масала

У. уюшган жиноий гуруҳнинг аъзоси Г.га икки ой муддатта 10000 долларини берган ва 4 ой давомида пулини бермаётган С. дан қарзини “олиб беришини” сўрайди. Г. унинг илтимосини 2 000 доллар эвазига бажариб бергандан кейин, У. Г.га ҳар томонлама муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берган (квартира толиб берган, халқ истеъмол молларини сотиб олишда молиявий ёрдам берган, машина олиши учун кредит берган).

У. ва Г.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

#### 309-масала

Миллий банкнинг валюта алмашгириш пунктига ҳужум қилиш мақсадида А., Ж. ва Т. “ПМ” пистолети билан қуролиниб, валюта келиши биланоқ навбатга туришади. 15 минутдан сўнг юзларига ниқоб кийиб, ҳаммани ерга ётишга мажбур қилишади ва кассадан 250 000 долларни, пул алмаштирувчилардан 15 500 000 сўмни тортиб оладилар.

А.Ж. ва Т.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

#### 310-масала

Е. ўйнаши Р.нинг ҳеч қаерда ишламасдан, жуда яхши яшашига ҳайрон қолар эди. Унинг пулларни қаердан олаётганлиги ҳақидаги саволига бир ишда иштирок этиб, натижада катта пул олганлигини айтади. Бир куни у маст ҳолда 2-та спортчи ўртоғи билан товламачилик қилганлиги ва “Наган” русумли пистолетини кўрсатиб, мақтанади. Бир неча кундан кейин Р. З.нинг олдига келиб, унга 2-3 кунга “дипломат”ни сақлаб туришга ташлаб кетади. У кетгандан кейин З. дипломатни очганда 10 пачка 100 долларлик пулларни ва қимматбаҳо буюмларни кўради. У 20 та 100 долларлик пулни ва тилла занжирни олади. Уч кундан кейин Р. дипломатни олиб, З.га 2 000 доллар беради. Кейинчалик З. тез-тез пул, қимматбаҳо буюмлар ва қуроолларни сақлаб турган.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатини юридик таҳлил қилинг.

## 311-масала

А., Б., В. ва иккита вояга етмаганлар “бужортма” буйича одамларни ўлдиришган, товламачилик ва қарзларни олиб бериш буйича “бужортмаларни” амалга оширишган. Уларнинг аслаҳахонасида ўқ отар қуроллар, газ пистолетлари ва ўзгаларнинг телефондаги гапларини эшитиши мосламалари бўлган. Буларнинг ташкилотчиси бир неча марта оғир ва ўта оғир жинояти учун судланган ва суд томонидан ўта хавфли рецидивист, деб топилган А. бўлган.

Жавобгар шахсларнинг қилмишини юридик таҳлил ва квалификация қилинг.

## 312-масала

У., К. ва М. бир неча бор фуқароларга ҳужум қилган жиноий гуруҳни ташкил қилганлар, ҳужум қилишда улар ўқ отар қуролларни ишлатишган, лекин ҳеч кимга тан жароҳати етказилмаган. Т.га нисбатан содир қилинган навбатдаги товламачиликда милицияга хабар қилиниб, улар қўлга олинадилар. Уларнинг қўрғошиндан ясалган ўқ отар қуроли олинади.

Ўқоридагиларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

## 313-масала

Уюшган жиноий гуруҳ аъзолари З., С. ва К. жиноий фаолият билан шуғулланар эди. Гуруҳ бошлиғи З. ўғирланган молларни “отчопар бозорида” сотиб бериши учун Л.га беради ва ўз фаолиятини яшириш учун бу товарларни ўртоғи хориждан олиб келади, деб айтади. Фақат жиноий гуруҳ ~~фос~~ қилинганч, Л. товарларнинг ўғирланганлигини билади.

Л.нинг жавобгарлигини аниқланг.

## 314-масала

Қуролланган жиноий гуруҳ ташкилотчиси Ж. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларидаги “ўзларининг одами” дан 2 ой давомида тайёргарлик кўришган бир жинояти ИИБ томонидан назорат қилинаётганлигини билади. Бу вақтда жиноий гуруҳ аъзолари “ПМ” пистолетини ўғирлашади, аммо жамоат учун хавфли ҳеч қандай ҳаракатларни содир қилишмайди. Фос қилинишидан кўрққан Ж. жиноий гуруҳга ҳеч қандай ҳаракат қилмаслигини буоради.

Ж. ва гуруҳ аъзоларининг ҳаракатлари ЖК.нинг қайси моддасига тўғри келади?

### 315-масала

Жиноий гуруҳ аъзоси Л. ўлдириш билан таҳдид қилиб, МЧЖ “Куч” бош директори К.ни “хотиним А.ни шу жамиятнинг таъсисчилари қаторига қўшасан” деб мажбур қилади. 1 йил ўтгач Л. рашқ орқасидан хотини билан ажрашади ва 1 ойдан сўнг А. МЧЖ “Куч” таъсисчилари қаторидан чиқиш, ҳақида ариза ёзиб, 25 000 000 сўм олади.

Л., К ва А.ларнинг жавобгарлигини аниқланг.

### 316-масала

“Коинот” фирмаси президенти С., тижорат бўйича маслаҳатчи В. ва бош бухгалтер. У. Қозоғистон Республикаси “Жибек жолы” хусусий фирмасига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берганлар, “Жибек жолы” фирмаси сотилган маҳсулотларнинг пулини Германия фирмасига ўтказиб, технологик ускуналарга буюртма берган ва ускуналарнинг нархидан 10% кўп пул ўтказган. Бу 10%ни Германия фирмаси 5%дан бўлиб “Коинот” ва “Жибек жолы” фирмасининг юқорида кўрсатилган ходимларининг Швейцариядаги шахсий ҳисобига ўтказган. Бир йиллик фаолият натижасида С.В. ва У.ларнинг шахсий ҳисобига 300 000 доллар ўтказилган. Бу пулларга улар Италиядан кўчмас мулк, яъни уй сотиб олишган.

С.В. ва У.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 317-масала

“Нафақахўрларни ҳимоя қилиш жамияти” бошлиқлари шаҳар ҳокими санкцияси билан митинг уюштирадилар. Митинг ярим соат давомида уни уюштирувчилар режаси асосида олиб борилади. Кейин номаълум шахс Х. минбарга чиқиб, ҳокимни ҳар томонлама танқид қилади. Митинг қатнашувчилари жонланади ва бир оз вақтдан сўнг оммани бошқариб бўлмаётган қолади ва улар магазин, машина, автобус ойналарини синдириб, ҳокимият томон юридилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар митинг тапшиқлотчиси Х.ни ва туполоннинг фаол иштирокчиларини қўлга оладилар.

Юқоридагиларнинг жавобгарлигини аниқланг.

## 318-масала

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига қарши гуруҳ томонидан ташкил этилган оммавий тартибсизлик пайтида бир неча вояга етмаган ёшлар ўқ отар қуроллари, кесувчи воситалар ва газ пистолетлари билан қуролланиб, автомобилларни ёқиб, магазин ойналарини синдириб, одамларни ўлдирганлар. Уларни ушлаш жараёнида, бир милиция ходими ўлдирилиб, 2 тасига оғир тан жароҳати етказилади. Аниқланишича, улар О. бошлиқ бўлган жиной уюшманинг аъзолари бўлиб, О. уларнинг оммавий тартибсизликдаги иштироки ҳақида ҳеч нарса билмаган.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

## 319-масала

Н. шахрининг “Отчопар”ида эркаклар костюмининг юқори нарҳда сотилиши сабабли қутилмаган тартибсизлик келиб чиқди. Харидор Н.га яна 10га яқин киши қўпилади. Жанжал вақтида четдан кузатиб турган Л. “чайқовчиларни ур”, деб бақирди ва харидорлар сотувчиларни уриб, молларни йиртиб ташладилар. Натижада сотувчиларга 12 000 000 сўм миқдорда зарар етказилди. 5 кишининг баданига оғир шикаст, 20га яқин киши ўртача ва енгил шикаст олганлиги туфайли касалхонага ётқизилди.

Н.И. ва жанжалда иштирок этган бошқа шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## 320-масала

Я., К., Ж. ва уларнинг онаси самолётга пластик бомба олиб кириб, экипаж командири орқали ўзларига 100 000 доллар беришни ва Исроилга олиб боришни талаб қиладилар, акс ҳолда, 20га вояга етмаган болалар ва 100 йўловчини портлатишларини айтадилар. Сўзлашув жараёнида 30 минутдан сўнг улар қўлга олинадилар.

Оила аъзоларининг ҳаракатларини квалификация қилинг.

## 321-масала

Т. В. билан узоқ муддат учрашиб юрадилар, никоҳдан ўтишмоқчи бўлишади, лекин В.нинг ота-онаси бунга рози бўлмайди. Т. В. билан келишиб, уни квартиралардан бирига жойлаштириб, В.нинг ота-онасига улар қачон тўйга рози бўлишсагина, қизларининг қаердалигини айтишини хабар қилади.

Т.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

## 322-масала

Ўзбекистон фуқароси Д. Тожикистон-Ўзбекистон божхонасидан ўтаётганида Тожикистон божхона ходимлари унинг ёнидан тепкиси эгванган 2-та “ПМ” пистолети ва ўқлар топадилар. Суд-баллистика экспертизаси бу қурооллардан ҳозирги пайтда ўқ отар қурол сифатида фойдаланиш мумкин эмаслиги ҳақида хулоса беради. Аниқланишича, бу қуроолларнинг ҳар бири 300 АҚШ доллари эвазига Душанбе шаҳридаги “қора бозор”дан сотиб олинган экан.

Д.нинг ҳаракатларни квалификация қилинг.

## 323-масала

246.

Тошкент шаҳридаги университет талабаларидан бирининг юки Ўз.Р. божхонасида текшириляётганида, унга тегишли аёлиар сумкасидан 42 000 АҚШ долларга тенг бўлган 3кг. марихуана топилади. Дастлабки терговда аниқланишича, эр-хотин Н.лар марихуанани Тошкент шаҳрида яшовчи афғон фуқароси Ф.га олиб келинаётган экан. Ўз навбатида у марихуанани доимий мижози бўлган А.га бериши лозим бўлган.

Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатини квалификация қилинг.

## 324-масала

Эларнинг оиласи Германияга доимий яшаш учун кўчиб кетяиб, чегарадан капсула шаклидаги дори идишларда, ўқ илон захарини олиб ўтмоқчи бўладилар. Капсуладаги кул ранг суюқликни таҳлил қилиш вақтида экспертлардан бири дорини эҳтиёткорлик билан қўлга олмаганлиги сабабли ундан захарланади ва вафот этади.

Эларнинг ҳаракатини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

## 325-масала

Б. ва М. “Лочин” акциядорлар жамияти товарлар сақлаш омборхонасининг қоровулига газ баллончасидан газ сепиб, хушидан кетказиб, қўшпоғиз ов миллигини ўғирлайдилар. Улар миллиқни босқинчилик жиноятини содир этиш вақтида ишлатмоқчи бўладилар, аммо уч кундан сўнг қўлга олинадилар.

Б. ва М.нинг ҳаракатларини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.



## 326-масала

Ўзбек металлургия заводи цех бошлиғи А. эритиш учун юборилган металллар уюмидан затворсиз “АК” Калашников автоматини топиб олади. А. ўзининг таниши пайвандчи Л.дан затвор тайёрлаб беришни илтимос қилади. Ярим йилдан кейин бошқа жиноий иш бўйича А.нинг уйида тинтув ўтказилаётганда, “АК” автомати топилади. Экспертиза хулосасига кўра, “АК” фақат 1 марта отишга яроқли эканлиги, бир марта отилгандан кейин унинг отишга яроқсиз бўлиб қолиши таъкидланади.

А. ва Л.нинг қилмишларини квалификация қилинг?

## 327-масала

Ж.Х.нинг туғилган кунда унга ХХ-аср бошларида ишланган ва бобосидан мерос бўлиб қолган пистолетни совға қилади. Судбаллистика экспертизаси “ПМ” пистолети учун мўлжалланган 9 мм. патронли ўқларни бу қурол отиши мумкинлиги ҳақида хулоса беради.

Ж. ва Х.нинг қилмишларини квалификация қилинг?

## 328-масала

Вояга етмаган К. ва Н. карбитдан портловчи модда ясашади ва балиқ тутиш учун қўлга боришади. К. ва Н. нарийги қирғоқда чўмилаётган болани кўрмасдан, бу моддани портлатишади. Икки марта портлатиш натижасида вужудга келган тўлқин кучидан чўмилаётган бола тошга урилиб, миясига қон қуйилиб ўлади.

К. ва Н.ларнинг қилмишларини квалификация қилинг?

## 329-масала

249 - М

Силлиқ стволли ов қуролини сақлашга рухсати бўлган П. милтиқни уйдаги сейфда сақлайди, сейфнинг калити эса жавонда туради. Уйда ҳеч ким бўлмаганда П.нинг ўғли З. жавондан сейфнинг калитини олиб, уни очиб, ўртоқларига милтиқни кўрсатмоқчи бўлади, милтиқни эшик томонга қаратганда шу вайт онаси кириб келади ва юрагини ушлаб йиқилади. Шифокорлар онанинг ўлими юрак ёрилиши натижасида юз берган деб хулоса берадилар.

П. ва З.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг?

## 330-масала

Бир гуруҳ шахслар янги йил муносабати билан ракетнича отишади. Унинг битгаси қўшни уйнинг томига тушади. Уй ёна бошлайди. Уйда ҳеч ким ухламаганлиги учун ҳамма ташқарига чиқади. Уринишларга қарамай, ўт ўчмайди ва уй ёниб кетади.

Айбланувчиларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

## 331-масала

Илондан заҳар олишни билган Ш. уйда илон боққан. Бу ҳақда унинг дўстлари, қариндошлари, танишлари ҳам билишган. Бир кун кечкурун икки номаълум шахс келиб, ундан уйда, бор заҳарни беришни талаб қиладилар, акс ҳолда Ш.нинг қилмиши ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар беришларини айтиб, қўрқитадилар. Ш. қўрқиб, 52 гр заҳарни беради. Кейин прокуратурага ариза беради. Оператив қидирувдан сўнг номаълум шахслар топилади.

Аниқланишча, улар Ш.нинг дўсти И.нинг буйруғига биноан ҳаракат қилганлар. Ш. ва И.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

## 332-масала 254

Плутоний қазиб олинadиган конлардан бирида бош директорнинг ўринбосари лавозимида ишловчи Ж. 6 ой давомида қазиб олинган плутонийнинг бир қисмини ўзлаштириб, уни қуролланган жиноий гуруҳ аъзолари А. ва Н.га сотади. Ўз навбатида А. ва Н. плутонийни ўз одамлари орқали Франкфурт-Майндаги махсус оморхоналарга юбораётиб, Германия полицияси томонидан қўлга олинadилар.

Ж., А., Н. ҳамда божхона ходимлари ва учувчиларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

## 333-масала

Ўта аниқ ишловчи асбобларни яратиш учун қўлланадиган ядро қурилмаларининг бирида портлаш рўй берганлиги оқибатида лаборатория ва унга туташ бўлган уйлар вайрон бўлади. 10 киши ҳалок бўлади ва 50 киши оғир, ўртача оғир, енгил тан жароҳатлари олади. Радиоактив моддалар сақланадиган контейнер пишиқ материалдан тайёрлангани туфайли шикастланмади, шунинг учун радиоактив моддаларнинг ҳавога ва ерга тарқалиши рўй бермади.

Дастлабки тергов натижасида аниқланишича, ядро қурилмасининг Япониядан олинган блокларидан бири яроқсиз бўлиб, буни экспертиза ўтказилганидан кейин япон мутахассислари ҳам тасдиқладилар.

Вариант. Радиоактив моддаларнинг оқиши рўй берди ва юқорида кўрсатилган оқибатларга олиб келди.

Ядро қурилмаси эксплуатацияси хавфсизлиги учун жавобгар шахслар қандай жазо оладилар?

### 334-масала

Янги дорилар яратиш лабораториясида ҳар йили минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритган эпидемиологик касалликка қарши дори устидан барча қоидаларга амал қилган ҳолда тажрибалар ўтказилган. Яратилган дори ҳайвонларда текширилиб, бу дорини ишлатишга рухсат берилади. Ярим йил ўтгандан кейин дорини истеъмол қилган аёлларнинг болалари патологик ўзгаришлар билан туғилганлиги аниқланади.

Шу дорини яратган, ишлатишга рухсат берган шахсларнинг жавобгарлигини аниқланг.

### 335-масала

Кимё заводи директори Г. санитарияга риоя қилиш қоидаларини бузгани учун бир неча марта огоҳлантириш олган ва икки марта маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунга қарамай, завод Чирчиқ дарёсига кимёвий чиқиндиларни ташлашни давом этади. Тозаловчи ускуналарни сотиб олиш учун кредит олишдан Г. воз кечади, чунки кредитни 10 йил давомида қайтариш керак эди, банк эса бундан воз кечади. Навбатдаги чиқиндиларни дарёга оқизиш натижасида сув шу даражада ифлосланадики, сувдан фойдаланган (балиқчилар, дам олувчилар) одамлар тери касалликлари билан касалланадилар, бир неча киши кимёвий куйиб, 2-3 ҳафта ичида вафот этадилар.

Г. жиноий жавобгарликка тортиладими?

Тортилса, Г.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

### 336-масала

Кўтарма кранда ўтказиладиган таъмирлаш вақтида М. электр-ни ўчириб, тахтачага “Электр уланмасин. Таъмирлаш ишлари олиб борилмапти”, деб ёзиб қўяди. Шу ердан ўтиб кетаётган практи-

кант П. тахгачадаги ёзувни кўрсада, уни бошқа мақсадда ишлатиш учун олади. Цех мастери электрни улаши билан М. юқори ток кучи уриши натижасида ўлади.

Дастлабки терговда аниқланишича П. техника хавфсизлиги бўйича тайёргарликдан ўтмаган.

Вариант. П.техника хавфсизлиги бўйича тайёргарликдан ўтган, лекин бу тўғрида журналга имзо қўймаган.

Айбдорларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 337-масала

Иш вақти тугаганидан сўнг, уй-жой қурилишининг қоровули уйга кечки овқатланишга кетганлиги сабабли, бригадир пайвандлаш аппаратини ҳеч ким ўғирлаб, ё бузиб қўймаслиги учун 15 метр баландликка кўтариб қўйишини айтади. Қаттиқ шамол кўтарилиши натижасида пайвандлаш аппаратларини кўтариб турган трос оғирлик сабабли узилиб кетади ва ўша ерда ўйнаб юрган 3та болани босиб ўлдиради.

Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлигини айтинг.

### 338-масала

Ёнғин чиқишига қарши хавфсизлик чораларини кўриш учун жавобгар қилиб И. тайинланади. Уйга шопилиб кетаётган М. электр чойнакни ўчиришни эсдан чиқаради, натижада бинога ўт кетади. И. бу пайтда 3 кун давомида касалхонада даволанишда бўлиб, ишга чиқмаган эди.

Юқоридагиларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖАТЛАРИ

1. Данышин И.Н. Уголовно-правовая охрана общественного порядка. - М.: Юрид. Лит., 1973.

2. “Қонтрабанда ва божхона қонунларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги 2-сонли қарори / Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларининг тўплами (1991-1997) Икки жилдди. Биринчи жилд. -Т.: Шарқ, 1997.

3. “Қонунга хилоф равишда қуролга эгаллик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги 3-сонли қарори /Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларининг тўплами (1991-1997) Икки жилдди. Биринчи жилд. -Т.: Шарқ, 1997.

4. “Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 38-сонли қарори /Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларининг тўплами (1991-1997) Икки жилдди. Биринчи жилд. - Т.: Шарқ, 1997.

5. Рустамбаев М.Х. Закон и общественная безопасность - Т.: Узбекистан, 1989.

6. Рустамбаев М.Х. Законодательство УзССР об ответственности за незаконное владение оружием и его применение - Нукус, 1991.

7. Рустамбаев М.Х. Значение последствий для квалификации нарушений правил безопасного движения и эксплуатации транспортных средств. // Совершенствование мер борьбы с преступностью и ее профилактика. Сборник науч. труд. ТашГУ - Т.: Изд-во ТашГУ, 1988.

8. Рустамбаев М.Х., Конаев В.П. Квалификация преступлений, предметом которых является оружие, боеприпасы взрывчатые, легковоспламеняющиеся вещества и горючие смеси - Т.: ВШМ МВД Республики Узбекистан, 1993.

9. Рустамбаев М.Х. Некоторые вопросы квалификации хищения огнестрельного оружия, боевых припасов или взрывчатых веществ. // Криминалистика и вопросы борьбы с преступностью. Сборник науч. труд. ТашГУ. - Т.: Изд-во ТашГУ, 1985.

10. Рустамбаев М.Х. Некоторые вопросы квалификации пре-

ступлений, совершаемых с применением оружия. // Теоретические проблемы и практика экспертных исследований. Сборник науч. труд. ТашГУ, № 682 - Т.: Изд-во ТашГУ, 1982.

11. Рустамбаев М.Х. Ответственность за незаконное ношение, хранение, приобретение, изготовление и сбыт оружия, боевых припасов и взрывчатых веществ - Т., 1985.

12. Рустамбаев М.Х. Понятие холодного оружия в уголовном праве и его классификация. // Актуальные проблемы борьбы с преступностью. Сборник науч. труд. ТашГУ - Т.: Изд-во ТашГУ, 1983.

13. Рустамбаев М.Х. Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с незаконным владением и применением оружия. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Т., 1983.

14. Рустамбаев М.Х. Профилактика преступлений несовершеннолетних, совершенных с применением оружия. "Тезисы докладов Республиканской научно-теоретической конференции молодых ученых и специалистов по общественным наукам (2-3 марта 1982 г.)".

15. Рустамбаев М.Х. Понятие оружия в советском уголовном праве. "Актуальные проблемы советского государства и права". Сборник научных трудов ТашГУ.

16. Рустамбаев М.Х. Преступления против общественной безопасности и борьбы с ними. Общество "Знание". - Т., 1983.

17. Рустамбаев М.Х. Некоторые вопросы квалификации хищения огнестрельного оружия боевых припасов или взрывчатых веществ. "Криминалистика и вопросы борьбы с преступностью". Сборник научных трудов ТашГУ. - Т., 1985.

18. Рустамбаев М.Х. Қурол ишлатиш йўли билан содир қилинган жиноятларнинг ижтимоий хавфли характеристикаси. Ўзбекистон қонунларини ривожлантириш масалалари ва уларнинг жиноятчиликка қарши курашда татбиқ этилиши. -Т.: Адолат, 1997.

19. Рустамбаев М.Х. Квалификация преступлений, предметом которых являются оружие, боеприпасы, взрывчатые легковоспламеняющиеся вещества и горючие смеси. -Т.: ВППМ МВД РУз, 1993.

20. Тихий В.П. Ответственность за преступления против общественной безопасности - Харьков: ХарЮИ, 1984.

21. Тихий В.П. Ответственность за хищение огнестрельного оружия, боевых припасов и взрывчатых веществ по советскому уголовному праву - Харьков: Вища школа, 1976.

## 18-БОБ. ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 339-масала

Тошкент аэропортида “Москва-Тошкент” йўналишидаги ИЛ-86 самолёти қўнаётганида “Тошкент-Самарқанд” ТУ-154 самолёти билан тўқнашади. Натижада 2 самолёт экипажи ва йуловчилар ҳалок бўлади. Авиафалокатни текшириш учун тузилган комиссиянинг “Қора қути”ни очиши ва диспетчернинг овози ёзилган тасмаларни эшитиши натижасида бу фалокат авианавбатчининг айби билан содир этилганлиги аниқланади.

Айбланувчиларнинг жавобгарлигини аниқланг.

### 340-масала

В. ўзининг “Нексия” автомашинасини ушбу автомобилни ҳайдашга ишонч қоғози бўлган акаси К.га беради. Бир кун К. ўғлини олиб кетиш учун В.нинг уйига келади. К. машинани “урсам, ўзим тузатиб бераман”, дейди. Эртасига К. светофорнинг қизил чироғи ёнганда ўтаётиб, “Жигули” машинасига урилади. Ўзи оғир тан жароҳати олади. “Жигули” шофёри ва ўғлига ҳеч нарса бўлмайди. Автофалокат натижасида “Жигули” автомашинасининг эгасига 55 000 сўм зарар етказилади.

В. ва К.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 341-масала

Ҳайдовчиларнинг ишга чиқиши олдида медицина текширувини олиб борувчи врач Л. такси ҳайдовчиси К.нинг мастлигини аниқлайди. Шунда С. врач Л.га кеча унинг уйига ўртоғи оиласи билан келгани ва 200гр. ичганлигини айтиб, унинг чўнтагига 200 сўм солиб қўяди ҳамда йўл varaқасига қўл қўйишни сўрайди. Л. имзо чекади. С. 20 минутдан кейин шаҳарга чиқиб, йўлни кесиб ўтаётган йуловчини уриб юборади. Суд тиббий экспертизаси С.нинг ушбу ҳодисадан тахминан бир соат илгари спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги ҳақида хулоса беради. Яна аниқланишича С. соатига 50-60 км. тезликда кетаётгани сабабли, тўсатдан чиқиб қолган йуловчини уриб юборишнинг олдини ола олмас эди. С. нонушгада 50гр. ароқ ичганлигини бўйнига олди.

С. ва Л. нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 342-масала

Темир йўлни кесиб ўтиш жойида 3 кундан бери ёруғлик ва овоз бериш сигнализацияси ишламаганлиги учун йўловчи Р. темир йўлдан ўтаётиб, ҳаракатланаётган поездни кўради, лекин ўтишга улгураман, деб ўйлайди. Югуриб ўтаман деб, рельсга йиқилади тормозда келаётган поезд унинг ўнг оёғини босиб, оғир тан жароҳати етказди.

Р. поезд ҳайдовчиси ва темир йўл сигнализациясининг техник ҳолати учун масъул шахснинг жавобгарлигини аниқланг.

### 343-масала

5-сонли автобаза слесари А. давлат рақами 15-16 ТН бўлган 2-сонли автобустга техник хизмат кўрсатаётиб, тормоз прокладкаларининг ишдан чиққанлигига эътибор беради, аммо янги прокладкалар йўқлиги сабабли, уларни эски бўлсада, аммо ишлатишга яроқлиси билан алмаштиради. А. янги прокладкалар узоққа бормаслигини айтиб, тормоз берганда тормоз ишламай қолиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради. О. буни маъқуллайди. Тушликдан кейин О. маршрутга чиқиб, тормози яхши ишламаганлиги оқибатида, бекатда тўхтаётганида нарида турган бир аёл ва болани уриб юборади. Аёл оғир тан жароҳати олади, бола эса ўлади.

А. ва О.нинг жавобгарлигини аниқланг.

### 344-масала

“Тошкент” темир йўл станцияси йўл таъмирловчилари Андижондан Москвага кетаётган поезднинг состав юргизувчи қисмини текширадилар. Т. 6-чи вагонда носозлик, яъни тишли ғилдиракнинг қизиганини кўриб, текширишга эриниб, ғилдиракни алмаштирмайдилар, натижада Тошкентдан 60 км нарида вагон ёниб кетади, поезд тўхтатилади. Йўловчиларнинг соғлигига ҳеч қандай шикаст етмайди, лекин вагоннинг ёниб кетиши натижасида 2 млн. сўмлик зарар кўрилади.

Т.нинг жавобгарлигини аниқланг.

### 345-масала

Франкфурт-Майн-Тошкент рейси билан учиб кетаётган самолётнинг юк бўлинмасида ёнғин чиқади. Ёнғинни ўчириб бўлмагач, учувчи самолётни “Самарқанд-Тошкент” заҳирадаги



аэродромига қўндиришга мажбур бўлади. Самолёт қўнганидан сўнг юк хонани очиб, ёнғинни ўчирадилар. Ёнғиннинг сабабини текширувчи комиссия самолётга 15% кўп юк ортилганлиги сабабли ёнғин чиққан жойга ўтиб бўлмаганлигини таъкидлайди. Ўт ўчирувчи мосламалар носоз ҳолда бўлган. Ёнғинни ўчириш жараёнида экипажнинг икки аъзоси енгил тан жароҳати олади. 3та йўловчи ўртача ва енгил тан жароҳати олади. 2.7 млн. сўм моддий зарар кўрилади.

Айбдорларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 346-масала

Тошкент-Андижон поёзи темир йўл бекатида тўхтаганида, Ш.нинг ўғли К. минерал сув олиш учун поезддан тушади. 3 минутдан кейин поезд юради. Хавотирланган Ш. ўғлининг поезддан қолиб кетишидан кўрқиб, тормозни босиши натижасида состав бирдан тўхтади. Тўсатдан тўхташ натижасида ҳомиладор И. боши билан устунга урилади ва ўртача тан жароҳати олади. Ш.нинг ўғли К. эса тормоздан олдин охириги вагонга чиқиб олган экан.

Ш.нинг жавобгарлигини аниқланг.

### 347-масала

О., И. ва Д. Тошкент-Лондон рейси бўйича учаётганда “Бойинг- 767” самолётига 2та “АК” автомати, “ПМ” пистолетини олиб ўтади ва самолёт учишга тайёрланаётган вақтда, О. самолёт командирининг пешонасига пистолет тираб, Иорданияга учишни буюради. И. ва Д. автоматни йўловчиларга қаратиб, қимирламаслигини талаб қилади. Акс ҳолда 10 минутдан сўнг ҳар 5 минутда бир йўловчини ўлдиришларини айтади. Ҳақиқатдан ҳам, самолёт ҳавога кўтарилмасидан олдин иккита одамни ўлдирадилар. Аэропорт маъмурияти учишга рухсат беради ва жиноятчилар Иорданияда қўлга олинади ва Ўзбекистон Республикаси вакилларига топширилади.

О., И. ва Д.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 348-масала

“BMW” автомобили ҳайдовчиси С. София кўчасидан ўтаётиб, бекатда автобус турганлигига ва йўловчи ўтадиган жойда “кўзи ожиз йўловчи” белгиси борлигига қарамай, автобусни 90 км/соат тезликда қувиб ўтади. Машина тез кетаётганлиги сабабли С.

йўловчилар ўтиш жойидан ўтиб кетаётган А.ни тормозни вақтида боса олмаганлиги сабабли уриб кетади ва унга оғир тан жароҳати етказди.

Содир қилинган ҳаракатларни квалификация қилинг.

### 349-масала

“ВАЗ 2109” машинасининг эгаси Н. 65 км/соат тезликда йўл четидаги турган автобус ёнидан ўтаётган вақтида йўлда 2 ўсмир К. ва Л.ларни кўриб, уларни уриб юбормаслик учун рулни буриб, қарши йўлга чиқади. Бунинг натижасида Н. “ОPEL” машинаси билан тўқнашади ва “ОPEL” ҳайдовчиси Ш. ўлади.

Н.К. ва Л.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### 350-масала

Трактор ҳайдовчиси Ч. жамоа хўжалиги кўчаларидан бирида кишиларни ташиш учун мўлжалланмаган прицепга пахта теримидан қайтаётган 7та пахтакорни ўтқазиб келаётган эди. Бурилишда тракторнинг олдинги ғилдираги катта тошни босиб ўтаётганида прицеп ағдарилди ва натижада 2 киши ҳалок бўлди ва яна 2 киши оғир ҳамда ўртача оғирликдаги тан жароҳати олдилар.

Ч.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 351-масала

Маст ҳолдаги В. меҳмондан уйига қайтаётган эди. Тўсатдан қарама-қарши йўлдан катта тезликда Жигули “ВАЗ-2106” автомобили чиқиб қолди. У билан тўқнашмаслик учун В. дарҳол тормоз педалини босди ва рулни ўнгга бурди. Асфальт ҳўл бўлганлиги сабабли автомобиль тротуарга чиқиб қолди ва у ерда 2та боласи билан сайр қилиб юрган аёлни уриб юборади.

Автотехник экспертизасининг кўрсатишича, В.нинг автомобили паст тезликда ҳаракатда бўлган ва агар асфальт ҳўл бўлмаганида унинг автомобили пиёдалар билан тўқнашмаган бўлар эди.

В.нинг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 352-масала

Чап томонга бурилишда Жигули ҳайдовчиси К. хато қилиб, ўнгга қайрилиш белгисини билдирадиган чироқни (паворотникни) ёқди. Орқадан келаётган автобус ҳайдовчиси Л. чапдан Жи-

гули автомашинасини кувиб, унга етиб олди. К. чапга бурилаётганда автобус билан тўқнашди. Автобуснинг кескин тўхташи натижасида 2та йўловчи ўртача оғирликдаги тан жароҳати олдилар.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлигини аниқланг.

### 353-масала

Уйига тушлик қилиш учун келган З. ўзининг автомобилни подъезд олдида қўл тормозига қўймасдан қолдирди. 12-13 ёшли ўсмирлар ва 18 ёшли К. автомобилни итара бошладилар. Улардан бири Ч. капотга чиқди. Кейин капотдан сирғаниб ерга йиқилди ва олдинги ғилдирак тагига тушиб, шу жойда ўлди.

З.К. ва бошқа ўсмирларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 354-масала

София шох кўчасининг Фаробий кўчаси билан кесилган жойида куйидаги ҳолатда йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган: Бир-бирига қарама – қарши ҳолда Жигули “ВАЗ-2107” автомобиль ҳайдовчиси П. ва Москвич 4121 автомобили ҳайдовчиси К. келаётган эдилар. К. ўнга қайрилиш белгисини билдирадиган чироқни ёққан ҳолда келаётганини кўрган П. чапга қайрилиш белгисини билдирадиган чироқни ёқди ва чапга бурила бошлади. Шу пайт К.нинг автомобили Жигулининг ўнг ён бошига келиб ўрилади. Тўқнашувда К. оғир тан жароҳати олди, П.эса соғлигининг қисқа вақт йўқотилишига олиб келган енгил тан жароҳати олди. Шу билан бирга моддий зарар 30 минг сўмни ташкил қилди.

К ва П.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 355-масала

“Учкун” А.Ж. бош директори Л.нинг гаражидан “Вольво” автомобили ўғирланади. Унинг аризасига биноан жиноят иши қўзғатилади. 3 кундан сўнг ўғирланган машина топилади.

Оператив-қидирув ҳаракатлар ўтказиш натижасида ўғрилик содир этган К. ва О.лар ушланди. Улар Чимкентда яшовчи Қозоғистон фуқароси бўлган В.га машинани сотганликларини бўйинларига олдилар. Шундай йўл билан улар ҳаммаси бўлиб 7та автомобилни сотганлар.

Чимкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан олинган хабардан маълум бўлишича, В. транспорт воситаларини

ўғирлаш ва товламачилик қилиш билан шуғулланувчи уюшган гуруҳ аъзоси бўлган.

К., О. ва В.нинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилинг ва юридик таҳлил қилиб беринг.

### 356-масала

Ж.нинг жияни С. Ж. йўқлигида унинг автомобили калитини олиб, Англиядан қайтаётган ўз дўстини кутиб олиш учун аэропортга жўнади. Ишдан келгач Ж. ўзининг автомобили ғойиб бўлганини кўрди ва дарҳол район ДАНга хабар берди. Дўстини кутиб олган С. бироз вақтдан сўнг машинани қўйиш учун уйга қайтди. Шундан сўнг Ж. аризасини қайтиб олиш ҳақида ариза ёзди.

С.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 357-масала

З. мотоциклда Шароф Рашидов шоҳ кўчаси бўйлаб келаётган эди. Тўсатдан йўлга 14 ёшли ўсмир югуриб чиқди. З. дарҳол мотоциклни тўхтатди, мотоциклнинг орқасида тўхташ сигналининг чироғи йўқлиги натижасида орқадан келаётган “Тико” автомобили мотоциклчининг мотоциклни тўхтаганини тушунмади ва унга келиб урилди. Бунинг натижасида З. оғир тан жароҳати олди.

Юқорида қайд этилган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 358-масала

А. Навоий кўчаси бўйлаб келаётган “Мерседес” автомобили ҳайдовчиси С. очиқ локни айланиб ўтмоқчи бўлиб, ўнгга бурилади. Натижада биринчи йўлак бўйлаб келаётган “Жигулига” келиб урилди. Жигулида келаётган О. Жигули ён томони ойнасига боши билан урилиш натижасида ўртача оғирликдаги тан жароҳати олди.

Айбдор шахсларнинг қилмишлари қандай квалификация қилиниши керак?

## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Кабулов Р.К. Разграничение хищения транспортного средства от угона. // Конституция – ҳуқуқий давлат куришнинг асоси. Илмий - амалий анжуман материаллари. - Т.: Адолат, 1996.

2. Коняев В.П. Состояние опьянения - транспортные преступления - уголовная ответственность. - Т.: Узбекистан, 1992.

3. Коробеев А.И. Транспортные преступления: квалификация, ответственность, предупреждение. - Владивосток, 1992.

4. Кременов И.Н. Уголовная ответственность за транспортные преступления. - Т., 1990.

5. Куринов Б.А. Автотранспортные преступления. Квалификация и ответственность. - М.: Юрид. лит., 1976.

6. Рустамбаев М.Х. Значение последствий для квалификации нарушений правил безопасного движения и эксплуатации транспортных средств. // Совершенствование мер борьбы с преступностью и ее профилактика. Сборник науч. Труд. ТашГУ. - Т.: Изд-во ТашГУ, 1988.

7. “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 37-сонли қарори /Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларининг тўплами (1991-1997) Икки жилдди. Биринчи жилд. -Т.: Шарқ, 1997.

8. Усманилиев М. Некоторые вопросы ответственности пешеходов за нарушение правил дорожного движения. Проблемы совершенствования мер борьбы с преступностью. // Сборник науч. труд. - Т.: Изд-во ТашГУ, 1986.

9. Шайбазян Л.Т. Правовые нормы борьбы с угоном транспортных средств (уголовно-правовой и криминологический аспекты). Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Т., 1997.

10. Шайбазян Л.Г. Собственность - объект угона транспортного средства. // Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролар жамиятини шакллантириш муаммолари. Илмий- назари конференция материаллари. - Т., 1996.

11. Шайбазян Л.Г. Уголовно-правовое значение мотива и цели угона транспортного средства. // Вопросы совершенствования деятельности правоохранительных органов. Сборник науч. статей адъюнктов и соискателей. - Т., 1996.

## 19-БОБ. ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАРИ БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШДАН ИБОРАТ ЖИНОЯТЛАР

### 359-масала

Шанхайда туғилган Ф. ва Ц. ўз давлатларида наркобизнес билан шуғулланувчи кишилар билан тил бириктирган ҳолда Ўзбекистон Республикасига яширинча гиёхванд модданинг хомашёсини олиб келганлар ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари В. ва Ю.лар билан биргаликда кичик фабрика ташкил қилган ҳолда, бу хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарганлар.

Жиноят ишгирокчиларининг қилмишларини квалификация қилинг.

### 360-масала

“Зиробод” посёлкасида яшовчи Д. ўзининг 3 сотих ер майдонига кўкнори уруғини эккан. Хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг бу ўсимликни йўқотиш ҳақидаги талабларини бажармаган. Д. бу ўсимликдан пазандачилик ва даволаш воситаси сифатида ўз оиласида фойдаланишини таъкидлаган.

Д.нинг қилмишини квалификация қилинг.

### 361-масала

Ётоқхонада яшовчи Б. гиёхванд моддалари билан барча хоҳловчиларни таъминлаб турган. Унинг хонасидаги яширин жойдан 980 грамм “гашиш” моддаси ва 50 000 сўм пул топилган.

Б.нинг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 362-масала

“Истиқлол” жамоа хўжалиги ишчиси Ш.нинг ҳовлисида “Қорадори” операциясини ўтказиш давомида каннабис ўсимлиги топилган. Тергов ҳаракатлари натижасида аниқланишича, буни Ш.нинг ўзи етиштирган.

Айбдорнинг жавобгарлик масаласини ҳал этинг.

### 363-масала

Тошкент шаҳри Бобур истироҳат боғида шубҳали фуқаро У. ушланди. Шахсий тинтув натижасида унинг ёнидан 500 гр.

“кўкнор” моддаси топилди. Терговда У.нинг бу моддани сотиш учун олиб келганлиги аниқланди.

У.нинг қилмишини квалификация қилинг. Агар У. гиёҳванд моддани ўтказиш учун эмас, ўзи истеъмол этиши учун сақлаганлигини айтса, квалификация ўзгарадими?

### 364-масала

18 ёшли К. гиёҳванд “наша” моддасини истеъмол қилиб юрган. Ўзига шерикликка қўшниси 16 ёшли Б.ни ҳам жалб қилишга қарор қилган. Биргаликда гиёҳванд модда истеъмол қилганликлари натижасида Б. узок вақт гиёҳванд моддадан мастлик ҳолатида бўлган ва кўчага чиққанида тасодифан учраган участка инспектори томонидан ушланган. Терговда К.нинг айби аниқланган ва исботланган.

К.нинг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 365-масала

В.нинг шахсий автомобили божхона текширувидан ўтказилаётганида, гиёҳванд моддаларни қидириб топишга ўргатилган хизмат ити ўзини ғалати тугади. Тинтув натижасида божхона ходимлари автомобиль шинасидаги яширин жойдан 3кг. гиёҳванд модда топдилар.

В.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 366-масала

Илгари 169-модданинг 1-қисми билан судланган фуқаро М. вояга етмаган болалар билан танишиб, уларни алдаш йўли билан гиёҳванд моддалар истеъмол этишга ўргатган ва шу асосда ахлоққа зид ҳаракатлар қилган. Фуқаро М. ушланганида унинг ёнидан 200 гр. “опий” гиёҳванд моддаси топилиб, олиб кўйилган.

М.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 367-масала

Институт талабалари Б. ва Г. бир йил мобайнида уй шароитида кучли таъсир этувчи синтетик гиёҳванд модда тайёрлаганлар. Уни ўзлари истеъмол қилиш билан бирга Г.нинг вояга етмаган укасини ҳам шунга ўргатганлар. Бу моддани бошқа ҳеч кимга тарқатмаганлар.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## 368-масала

Шаҳар касалхонаси санитари В. ҳамширанинг хонасидаги жавонда 10 ампула “морфий” моддаси борлигини билиб қолган. Кечқурун навбатчилик вақтида у ҳамширанинг хонасига кириб, жавон кулфини бузган ва “морфий” моддасининг ҳаммасини сотиш мақсадида олган.

В.нинг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

## 369-масала

11-аптека бошлиғи бир неча марта марта онкологик касаллиги билан оғриган беморга суткалик нормадан ортиқ бўлган “морфий” дозасини рецепт бўйича берган. “Бемор” дорини бозорда сотган. Терговда аниқланишича, беморда ҳақиқатда бундай касаллик бўлмаган ва бу дорини қалбаки рецепт асосида олган. Қалбаки рецептни 400 АҚШ доллари эвазига врач қасддан нотўғри диагноз қўйиб берганлиги аниқланди.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## 370-масала

Фуқаро Ш. 2 йил давомида “гапиш” моддасини қўшни давлатдан папирос шаклида ўтказиш мақсадида олиб турган. Тергов натижасида унинг хонасида бошқа шахарга юбориш учун тайёрланган жўнатма топилган. Ш.нинг фарзанди битирувчи синф ўқувчиси бўлган. У гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга ўрганган ва унинг ўсмирлар орасида тарқатилишида иштирок этган ва отаси уйда йўқ пайтида уларни уйига “чекиш” учун таклиф қилган.

Қайд этилган шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилинг.

## 371-масала

Қишлоқда яшовчи Г. “наша” гиёҳванд моддасини етиштириш билан шуғулланган. Уни Г. ўз томорқасида етиштирган. Х. эса бу гиёҳванд моддаларни Тошкентга олиб келиб, папирос шаклида сотган. Олинган фойдани ўзаро тақсимлашган.

Содир қилинган жиноятни квалификация ва юридик таҳлил қилинг.



## 372-масала

Фуқаро А. давлат сирлари билан боғлиқ ҳужжатлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузган. Иш вақти тугагач, у қолган ишларини уйида тутатиш мақсадида ҳужжатларни ўзи билан олган ва йўлда мактабдаги дўстларини учратиб қолиб, улар билан ресторанга кирган ва у ерда спиртли ичимликлар истеъмол қилган. Бироз вақт ўтгач у маст бўлиб қолиб, таксида уйигача етиб олган. Эртаси куни эрталаб ўйғонган фуқаро А. ҳужжатларни топмайди. Шунингдек, бу ҳужжатлар ресторанда, таксида йўқолганми ёки унинг уйида йўқолганлиги аниқ эмас эди.

А.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

## 373-масала

Милиция ходимлари К.ни ушладилар ва шахсий тинтувда К. костюмининг чап енгиде оғирлиги 0,5 гр. бўлган жигарранг модда топилди. Экспертизада аниқланишича бу модда опиум бўлиб чиқди. Тергов пайтида К. бу моддани ўзи истеъмол қилиш учун фуқаро С.дан сотиб олганини ва бунга қадар у С.дан оғирлиги 0,5 грамм бўлган опиум моддасини 2 марта сотиб олганини бўйнига олди.

К.нинг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

## 374-масала

Т. ва Л. дискотекада А. ва М. деган болалар билан танишдилар. Дискотекадан сўнг А. уларни уйига таклиф қилди. Қизлар рози бўлишди. А.нинг уйида улар “шампан” ичимлигини ичдилар, ўйинга тушдилар. Кейин А. ўзида роҳатбахш ҳабдорилар борлигини айтади. Қизлар бу ҳабдориларни истеъмол қилдилар. Эртаси куни қизлар шу ҳабдориларни истеъмол қилгилари келганида А. ва М.лар улардан пул талаб қилдилар ва кейинчалик бу ҳабдориларни олишни истасалар, бошқа йигит ва қизларни ҳам бунга қизиқтиришлари кераклигини қизларга шарт қилиб кўядилар.

А. ва М.нинг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

## 375-масала

Илгари судланган Б. фуқаро У.нинг яширинча олаётган гиёҳванд моддаларини эгаллаб олишга қарор қилди. Бунинг учун Б. жинойт қидирув бўлими ходимининг сохта ҳужжатларни тайёр-

лайди ва У.ни кузатиб боради, тўхтатиб шахсий тинтув ўтказади ва унинг сумкасидан 10 000 сўм пул 100 гр. оғирликда “опий” моддасини топиб олади. У. Б.дан уни милицияга олиб бормаслигини ёлвориб сўрайди ва ҳатто пулларидан воз кечади. Б. пул ва гиёҳванд моддаларни олиб, У.ни қўйиб юборади ва яширинади.

Б. ва У.нинг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 376-масала

Қаттиқ режимли колония ходими С. жазони ўтаётган Т.га унинг қариндошлари олиб келган гиёҳванд моддаларни оз миқдорда бериб турган. Тез орада у гиёҳванд моддаларнинг навбатдаги қисмини бераётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланади.

С.нинг қилмиши ЖК.нинг 273-моддаси 2-қисми а, б, в, д бандлари билан квалификация қилинган. Шу квалификация тўғрими?

### 377-масала

Милиция ходимлари И.нинг хонадонида паспорт режимини текшираётган пайтларида, унинг ошхонасидаги газ плитасида тўқ жигарранг модда қолдиқлари излари бўлган металл ликобча ва столда оғирлиги 2 грамм бўлган “опий” қора дори гиёҳванд моддасини топдилар. Бу уйда 17 ёшли С. ҳам яшарди. И.нинг сўзларига қараганда С. ҳам у билан бирга гиёҳванд моддалар истеъмол қилган.

И. ва С.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 378-масала

Милиция ходимлари фуқаро Э.нинг уйида паспорт режимини текшираётган пайтларида гиёҳванд модда - “наша” “гашиш” билан тўлдирилган 50 дона гугурт қутисини топдилар (оғирлиги 450 грамм бўлган). Шунингдек Э.нинг томорқасида ғайриқонуний равишда етиштирилаётган мойли кўкнор ўсимлигини топдилар.

Э.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 379-масала

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган Н., Т. ва С.ларни ақлий фаолиятга таъсир қилувчи гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга жалб қилган.

---

Содир қилинган жиноятни квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 380-масала

Ўз ер участкасига эга бўлган С., Т. ва Р.лар билан тил бириктирган ҳолда таркибида гиёҳванд модда бўлган ўсимлик етиштирганлар.

Содир қилинган жиноятни квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 381-масала

Фуқаро Н. гиёҳванд моддалар тайёрлаб, уларни Россияга олиб ўтган. Навбатдаги шундай олиб ўтиш пайтида фуқаро Н. милиция ходимлари томонидан ушланган.

Содир қилинган жиноятни квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 382-масала

М. ва К.лар шаҳар касалхонаси бош врачининг хонасига кириб, сейфни синдириб очишган ва у ердан таркибида турли дозаларда гиёҳванд моддалари бўлган дориларни ўғирлаб олганлар.

Содир қилинган жиноятни квалификация ва юридик таҳлил қилинг .

## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Ахмедов Г., Кадыров М. Наркомания. Преступность. Ответственность. - Т., 1989.

2. “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги 21-сонли қарори /Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларининг тўплами(1991-1997) Икки жилдди. Биринчи жилд. - Т.: Шарқ, 1997.

3. Жураев З. Инсон - барчанинг сарвари. - Т., 1991.

4. Жураев З. Қизил гулнинг қора иши. - Т., 1989.

5. Икрамова М.Г. Судебная практика по борьбе с наркоманией //Сборник науч. труд., № 636. - Т.: Изд-во ТашГУ, 1980.

6. Икрамова М.Г. Ответственность за организации и содержание притонов для потребления наркотиков. - Т., 1994.

7. Икрамова М.Г. Преступность и наркомания. - Т.: Фан, 1990.

8. Икрамова М.Г. Уголовно-правовая борьба с наркоманией. - Т.: Фан, 1982.

9. Кадыров М.М. Уголовно-правовая борьба с незаконным возделыванием наркотикосодержащих культур. - Т., 1991.

10. Кадыров М.М. Проблемы уголовно-правовой борьбы с незаконным оборотом наркотических средств. - Т.: Узбекистан, 1993.

10. Каракетов Ю.М. О пьянстве, алкоголизме, токсикомании, наркомании, преступности и законе. - Нукус, 1992.

11. Мирошниченко Н.А., Музыка А.А. Уголовно-правовая борьба с наркоманией. - Киев, 1988.

12. Смитиенко В.Н. Уголовно-правовая охрана здоровья населения в СССР. - Киев, 1989.

13. “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорининг бажарилиши тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 22 августдаги 13-сонли қарори /Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларининг тўплами (1991-1997) Икки жилдди. Биринчи жилд. -Т.: Шарқ, 1997.

## 20-БОБ. ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 383-масала

Д. ва Т. маст ҳолатда бўлиб, автобус бекатида туриб, нотаниш ёш йигитдан сигарет сўрашади. Нотаниш йигит сигарети йўқлигини билдиради. Бунга жавобан Д. унинг қаерда яшаши билан қизиқади, лекин нотаниш йигит жавоб бермайди. Д. эса унга четроққа чиқиб гаплашини таклиф қилади. Шу пайт нотаниш йигит югуриб автобусга чиқиб олади. Д. ва Т.лар автобусдан тортиб тушириб, уни урадилар, куртқасини йиртиб юборадилар ҳамда телпагини олишиб, воқеа жойидан яширинадилар.

Д. ва Т.нинг ҳаракатларига юридик баҳо беринг ва квалификация қилинг.

### 384-масала

Ишдан кейин М. ва Л. Л.нинг уйида спиртли ичимликлар ичишади. Улар иш ва байрам кунидаги режалар ҳақида гаплашадилар. 3-3,5 соатдан сўнг спиртли ичимлик тугайди ва уни магазинга чиқиб, ким олиб келиши ҳақида низо чиқади. Тез орада низо жанжалга айланиб кетади.

Эски хафачиликларни эслаб, М. пичоқ билан Л.нинг кўкрак қисмига тан жароҳати етказди. Кўтарилган шовқинга кўшнилар югуриб чиқишади ва Л.ни шифохонага олиб бориб, ҳаётини сақлаб қоладилар.

М.нинг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 385-масала

И. ўз уйида қиморхона ташкил қилади. Бунинг учун у хоналарни қайта жиҳозлаб кенгайтиради, стул ва столлар ўрнатади.

Дам олиш хонаси тайёрлайди, ҳатто махсус мебель ва ўйин қурималарини ҳам сотиб олади.

И.нинг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 386-масала

К. ўз дўсти Н.дан озгина вақтга таъинистолетини олади. Бир қанча вақтдан сўнг, К. уни қайтариб беринга қарор қилади. Дўсти Н.ни- кига бораётиб, К. таъинистолетини уратиб қолади ва улар билан қаҳвахонада ўтиришади. Бироз вақтдан сўнг уларнинг олдида 2 та

ёш йигит келиб, сигарет сўрайдилар. Сигаретни олгандан кейин ҳам йигитлар уларнинг олдидан кетмайдилар. К.га йигитларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва сўзлари ёқмайди ва у йигитларни ҳайдай бошлайди. Йигитлар эса бунга сўкиш билан жавоб бердилар. К. ўрнидан туриб, уларни итариб юборади. Йигитлар ҳам куч ишлатиш билан жавоб қайтардилар. Шу пайт К. столдан дастурхонни тортиб олиб, қўлига тушган нарсаларни йигитларга қараб ота бошлади. Жанжал бошланиб кетади. Кейин К. чўнтагидан Н.нинг пистолетини олиб, йигитлардан бирини кўрқита бошлади.

**Воқеа ингирокчиларининг қилмишини квалификация қилинг.**

### 387-масала

Мастлик ҳолатида бўлган П. ва И. Тошкент шаҳар Чилонзор мавзесидаги бир уйнинг олдидан ўтиб кетаётиб, балконда ўтирган М. ва Л.ларни кўриб қоладилар. П. ва И. қизларни сўка бошладилар ва қизларни “дам олин”га таклиф этдилар. Қизлар бунга рози бўлмадилар. Шундан кейин П. ва И. сўкиниб, шовқин солиб, 3-қаватга кўтарибдилар ва қизлардан эшикни очишни талаб қилиб, эшикни тепа бошлайдилар. Шу пайт уйда ухлаётган Х. ва Д.лар уйғониб кетдилар. Х. эшикни очди. И. уларни кўриб, Х.нинг бўйнига пичоқ уради.

Буни кўрган Д. хужум қилган И.ни кўчага итариб юборади ва улар кетидан Х. ҳам кўчага чиқади. П. ва И.Х.ни кўчада дўшпослай бошлайдилар. Д. эса уни ҳамоя қилиш учун И.дан пичоқни тортиб олиб, П. ва И.ларга бир неча марта уради.

Натижада И. ва Х. ўртача оғирликдаги тан жароҳати, П. эса соғлиғига зарар етмаган ҳолда енгил тан жароҳати олади.

**Айбдор шахсларининг қилмишини квалификация қилинг.**

### 388-масала

Илгари судланган К. маст ҳолда онасининг уйига келиб, онасини ҳақорат қилади. Темир куракча билан онасининг бошига ура бошлайди.

Унинг қичқирини кўшниси югуриб чиқади ва К.нинг ҳаракатларини тўхтатмоқчи бўлади. К. эса бунга аҳамият бермайди ва кўчага қочиб чиқмоқчи бўлган онасининг бошига куракча билан уришда давом этади. К.нинг куч билан қаттиқ уриши оқибатида онаси асфальтга йиқилиб, хушидан кетади.

К. қўшнисини ҳам куракча билан урмоқчи бўлади, қўшни аёл уйига кириб, бекиниб олади.

К.нинг онаси соғлигининг қисқа муддатта йўқотилишига олиб келган енгил тан жароҳати олди.

К.нинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

### 389-масала

И. хусусий меҳмонхона очиб, алоҳида хонани шубҳали кимсаларга қимор ўйнаш учун ажратиб беради. Шунингдек, бу ерда у муайян пулга қизлар билан “дам олиш”, хоҳловчиларга гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш учун шароит яратиб берди.

И.нинг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 390-масала

Вояга етмаган С. (14 ёш) ва унинг икки таниши П. (18 ёш) ва К (19 ёш) уйларининг подъезди олдида туришган эди. Улар қўшниси нафақахўр фуқаро Н.нинг уйидан чиқаётганини кўриб, ўрталаридаги муносабат яхши бўлмаганлиги учун, у билан ҳазиллашмоқчи бўладилар ва П. уни оёғидан чалиб йиқитади. Н. йиқилади ва уларнинг қилигидан саросимага тупа бошлайди. Бунга жавобан П. ва К. Н.нинг қўлларидан ушлаб туриб, С.га уни дўппослашни буюрадилар. Наъижада Н.га соғлигининг йўқотилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказилди.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 391-масала

Қўшни аёллар яқин атрофдаги истироҳат боғида сайр қилишга қарор қилишди. Боғда уларнинг ёнига ичиб олган киши келиб ўтиради ва уятсиз аскиялар айтиб бера бошлайди.

Аёллар ўринларидан туриб кетмоқчи бўлганларида у киши уларни куч билан ушлаб туриб, пичоқ билан уларни кўрқита бошлайди. Милиция ходимларнинг келиши аёлларни безоридан қутқаради.

Айбдорнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 392-масала

Н. ва П. қаҳвахонага спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда келадилар ва яна ичишга қарор қиладилар. Н. қўшни стол ёнида

Ўтирган қизларга тегажўғлик қила бошлайди. Қизлар ёрдам сўраб официантга мурожаат қиладилар. Официант Н.ни тинчлантиришга ҳаракат қилади, лекин Н. официантни уради. Унга П. ҳам келиб кўшилади ва улар биргаликда ўзларининг столларидаги ҳамма идишларни синдирадилар. Шунингдек ойнани ҳам синдирадилар. Қаҳраҳона ходимлари милиция чақиришга мажбур бўладилар. Н. ва П.нинг қилмишини квалификация қилинг.

### 393-масала

Жиноий гуруҳ ташкилотчиси А. бошчилигида бир гуруҳ шахслар Япония элчихонаси биносини қўлга олиб, ўз талабларини амалга оширишни давлатдан талаб қилиш мақсадида бир неча шахсларни гаровга оладилар.

Содир қилинган жиноятни квалификация қилинг.

### 394-масала

Б. бошчилигидаги бир гуруҳ фуқаролар рухсат этилмаган митинг уюштирдилар ва давлат органлари олдига ўз талабларини кўйдилар, натижада митингда шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, ўт кўйиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиши оммавий тартибсизликларга сабаб бўлади.

Содир қилинган ҳаракатларни квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 395-масала

Фуқаро Н. ишдан қайтаётиб, метродан чиқди ва автобус бека-тидан узоқ бўлмаган жойда унга 2 ёш йигит ҳужум қилди. Улар фуқаро Н.га пичоқ урдилар ва унга ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказдилар ҳамда ичида 3 375 сўм пули бўлган ҳамёнини олиб кўйдилар.

Содир қилинган қилмишларни квалификация қилинг.



---

---

## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Данышин И.Н. Уголовно-правовая охрана общественного порядка. - М.: Юрид. лит., 1973.
2. Загородников Н. И. Общественный порядок и пути его укрепления. // СПГ, 1971, № 10.
3. Закирова О.Г. Предупреждение хулиганства (учебно-методическое пособие). — Т.: Адолат, 1999.
4. Кадыралиева С. Хулиганство: уголовно-правовые и криминологические вопросы. — Фрунзе: Илим, 1981.
5. Калмыков В. Т. Хулиганство и меры борьбы с ним. — Минск Беларусь, 1979.
6. Кузнецова Н. Ф. Уголовная ответственность за нарушение общественного порядка. — М.: Госюриздат, 1963.
7. Мирзоев С. А. К вопросу о понятии общественного порядка. - Учен. зап. Азерб. ун-та. Сер. юрид. наук, 1976, № 2.
8. Нарбугаев Э. Х. Квалификация преступлений против общественного порядка. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук - Т., 1983.
9. Сиденко Г. Г. О соотношении понятий общественного порядка и общественной безопасности. — Вестн. МГУ. Право, 1978, № 6.
10. Утанов М.А. Проблемы борьбы с хулиганством. Монография. — Алма-Аты: ТОО "Аян Эдет", 1998.
11. Яценко С.С. Уголовно-правовая охрана общественного порядка. Сравнительно-правовой аспект. - Киев, 1986.
12. Яценко С. С. Квалификация хулиганства. - Киев, 1979.

## VII БЎЛИМ. ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 396-масала

Ҳарбий хизматчи А. ўзини ёлғондан қулоғи эшитмаслигини баҳона қилиб, ҳарбий хизматни ўташни давом эттиришдан бўйин товлайди. Унга нисбатан Уз.Р. ЖК.нинг 290-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилади.

Дастлабки терговда маълум бўлишича, А. “Ҳарбийларнинг умумий мажбурияти тўғрисида”ги қонунга биноан, унинг туғишган акаси ҳарбий хизматни ўтаётган пайтда ҳалок бўлганлиги сабабли, ҳарбий хизматни ўташдан озод қилиниши керак эди.

А.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### 397-масала

Ҳарбий объектни қўриқлаш учун қўриқчи этиб тайинланган Н. ўзи томонга кимдир яқинлашиб келаётганлигини сезади. У. “тўхта, ким келяпти?” деб қичқиради. Жавоб бўлмагач, ўт очиши ҳақида огоҳлантирмасдан, ҳавога огоҳлантирувчи ўқ отмасдан, ўзига яқинлашиб келаётган шахсни автоматдан ўқ узиб ўлдиради.

Н.нинг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### 398-масала

Оддий аскар Т. ўзи билан бирга хизмат қилаётган ҳарбийлар билан келиша олмайди. Т. уларнинг дўшослаш, қийнаш ва ҳақоратларига чидаб келади. Лекин бундан кейин бу ҳол унинг ўлимига олиб келишини тушунгач, у ҳарбий хизматдан бўйин товлаб, ҳарбий қисмни ўзбошимчалик билан тапшлаб кетди.

Т.нинг қилмишига жиноий - ҳуқуқий баҳо беринг.

### 399-масала

Полковник Г.га нисбатан ёмон муносабатда бўлган С. Мудо-фаа Вазирлигига қарашли жойдаги унинг уйига ўт қўйиб юборади ва полковникка ўз қилмиши билан 700 000 сўмлик миқдорда зарар етказди.

С.нинг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

## 400-масала

Оддий аскар У. Ф-1 гранатаси билан муомала қилиш қоидаларини бузганлиги сабабли портлаш юз беради ва оқибатда 3.га ҳарбий хизматчи, унинг ўзи ҳам ҳалок бўладилар. Дастлабки тергов давомида маълум бўлишича, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий тайёргарликлари лозим даражада ўтказилмаётган экан.

У. хизмат қилган рота командири Уз.Р. ЖК.нинг 302-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Бундай ҳал қилиш тўғрими?

## 401-масала

Ҳарбий хизматта чақирилувчи А. навбатдаги ҳарбий чақирувга боришидан аввал, ҳарбий хизматни ўтамаслик мақсадида ўзига оғир тан жароҳати етказди. Тиббий комиссия уни ҳарбий хизматга яроқсиз деб топди.

А. нинг қилмишида жиноят таркиби борми?

## 402-масала

Жанговар навбатчиликни ўтаётган кўриқчи Н.га рота командири бошқа объектни кўриқлашни буюради. Кўриқчи Н. буйруқни бажаришдан бутунлай бош тортади.

Н.нинг қилмиши жиноий жавобгарликка тегишлими?

## 403-масала

Ўз бошлиқлари В.нинг шафқатсизлигидан ғазабланган Х.ва С. исмли оддий аскарлар уни дўшпослашга қарор қиладилар. Улар юзларига ниқоб кийиб олиб, В.ни дўшпослай бошлайдилар. Х. тўсатдан С. учун кутилмаган ҳолда пичоқ чиқаради ва В.нинг белига пичоқ уради. В. кўп қон йўқотганлиги сабабли ҳалок бўлади.

Х. ва С.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

---

---

## АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Бунеев Т. Ответственность военнослужащих за воинские преступления. — Вестн. Противовоздуш. обороны, 1973, № 12.
2. Васильев Н. Отграничение некоторых воинских преступлений от общеуголовных. // СЗ, 1962, № 1.
3. Мищенко Г. Значение мотива и цели при квалификации воинских преступлений против порядка подчиненности и воинской чести. — В кн.: Сб. асп. работ. обществ. науки. Право. -Казань: Изд-во Казан. ун-та, 1971.
4. Погребняк И. Г. Борьба с преступлениями против порядка подчиненности по советскому уголовному праву. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 1962.
5. Шлыков Е. Н. О понятии общественной опасности уклонения от установленного порядка несения воинской службы. — В кн.: Вопросы теории и практики борьбы с преступностью. -Л., 1974.
6. Шлыков Е. Н. Наказание как средство предупреждения уклонений от установленного порядка несения воинской службы. — В кн.: Вопросы профилактики преступлений. -Л., 1977.

## МАХСУС ҚИСМГА ОИД УМУМИЙ АДАБИЁТ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Адолат, 1998.
2. Каримов И. А. Янги уй курмай туриб, эскини бузманг. — Т.: Ўзбекистон, 1993.
3. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: Ўзбекистон, 1992.
4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1993.
7. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И. А. Адолатли жамият сари. — Т.: Ўзбекистон, 1998.
9. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Большой юридический словарь. /Под ред. А.Я. Сухарева, В.Д. Зорькина, В.Е. Крутских. - М.: ИНФРА-М, 1998.
11. Делиев А.Н. Уголовное право (особенная часть). // Методические рекомендации. - Т., 1992.
12. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Дарслик. - Т.: Адолат, 1998.
13. Комментарий к Уголовному Кодексу Российской Федерации. Особенная часть. /Под ред. Скуратова Ю.И., Лебедева В.М. - М.: ИНФРА-М-НОРМА, 1996.
14. Практикум по уголовному праву. Учебное пособие. /Под ред. проф. Кругликова Л.Л. - М.: БЕК, 1997.
15. Российское уголовное право. Особенная часть. /Под ред. Наумова А.В.. - М.: МВШМ МВД России, 1994.
16. Российское уголовное право. Особенная часть. Учебник. /Под ред. академика Кудрявцева В.Н., проф. Наумова А.В. - М.: СПАРК, 1997.
17. Рустамбаев М.Х., Джалилов М.Д., Якубов С.А. Концепция законодательства Республики Узбекистан о преступлениях и наказаниях. - Т.: ВШМ МВД РУ, 1994.

18. Рустамбаев М.Х. Мустақил ҳуқуқий давлатнинг бўлажак жиноят ва жазо кодекси. Т., 1994.

19. Рустамбаев М.Х., Жалилов М.Ж., Якубов А.С. Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жазо тўғрисидаги қонуннинг моҳияти. - Т.: ВШМ МВД РУз, 1994.

20. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жазо тўғрисидаги қонунчилигининг концепцияси. Ўзбекистон Республикаси янги кодекслари: назария ва амалиёти. - Т., 1994.

21. Словарь по уголовному праву. /Отв. ред. проф. Наумов А.В. - М.: БЕК, 1997.

22. Уголовный кодекс Республики Узбекистан. (С изменениями и дополнениями на 1 декабря 1998 года). - Т.: Адолат, 1998.

23. Уголовный кодекс Республики Узбекистан: научно-практический комментарий. - (Под ред. Якубова А. С.) - Т.: Адолат, 1996.

24. Уголовное право. Особенная часть /Под ред. Здравомыслова Б.В. - М.: Юрид. лит., 1994.

25. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси (1998 йил 1 майгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). - Т.: Адолат, 1998.

26. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси: илмий амалий шарҳлар. - Т.: Адолат, 1997.

27. Якубов А.С., Кабулов Р. Новое в уголовном законодательстве. - Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1995.

28. Якубов А.С. Предпосылки уголовно-правовых реформ в Республике Узбекистан. - Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1992.

## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ .....	3
<b>I. БЎЛИМ. ШАХСГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....</b>	<b>5</b>
1-БОБ. ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....	5
2-БОБ. СОҒЛИҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....	15
3-БОБ. ҲАЁТ ЁКИ СОҒЛИҚ УЧУН ХАВФЛИ ЖИНОЯТЛАР .....	21
4-БОБ. ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....	25
5-БОБ. ОЙЛАГА, ЁШЛАРГА, АХЛОҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....	35
6-БОБ. ШАХСНИНГ ОЗОДЛИГИ, ШАЪНИ ВА КАДР - ҚИММАТИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....	40
7-БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....	44
<b>II. БЎЛИМ. ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....</b>	<b>49</b>
8-БОБ. ТИНЧЛИК ВА ИНСОНИЯТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....	49
9-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....	53
<b>III БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР .....</b>	<b>56</b>
10-БОБ. ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ .....	56
11-БОБ. ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР .....	71

12-БОБ. ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....	78
13-БОБ. ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР .....	82
<b>IV. БЎЛИМ. ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР .....</b>	<b>91</b>
14-БОБ. ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР .....	91
<b>V. БЎЛИМ. ҲОКИМИЯТ БОШҚАРУВИ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....</b>	<b>95</b>
15-БОБ. БОШҚАРУВ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....	95
16-БОБ. ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....	105
<b>VI БЎЛИМ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....</b>	<b>115</b>
17-БОБ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....	115
18-БОБ. ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ВА УНДАН Фойдаланиш хавфсизлигига ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....	126
19-БОБ. ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАРИ БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШДАН ИБОРАТ ЖИНОЯТЛАР .....	133
20-БОБ. ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....	140
<b>VII БЎЛИМ. ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР .....</b>	<b>145</b>



**Махмуд Абдуганиевич Абдухаликов**  
*юрidik фанлари номзоди*

**Жиноят ҳуқуқидан масалалар тўплами**  
*(махсус қисм)*

**Бакалавратура тизимидаги ўқув**  
**юртларига мўлжалланган**

**Муҳаррир: Йўлдош Парда**

**Расом: Мирфайёзов Ш.**

Босишга рухсат этилди 1.04.2000 й. Формат 84/108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Хажми 9,5 босма табоқ. Тиражи 1000 нусха. Буюртма № 70. Баҳоси шартнома асосида

Тошкент Давлат Юридик институти 700047, Тошкент шаҳар, Сайилпоҳ кўчаси, 35 уй.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 700197, Тошкент шаҳар, Интизор кўчаси, 68 уй.

«Сарвар» кичики корхонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар, Одил-хўжаев кўчаси, 1 уй.

